


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“СУВ ХЎЖАЛИГИ МЕНЕЖМЕНТИ”
модули бўйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“СУВ ХЎЖАЛИГИ МЕНЕЖМЕНТИ”
модули бўйича
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент 2019

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023 -сонли буйруғи билан Сув
хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш йўналиши учун тасдиқланган
ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди**

Тузувчи: Тулабоев А.Қ. – ТИҚХММИ, Менежмент кафедраси
мудири, PhD

Тақризчи: Абдуллаҳ Лин, - Шимолий Малайзия университети
профессори

*Ўқув-услугий мажмуа Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти илмий кенгашининг
2019 йил 31октябрдаги 3-сонли қарори билан чоп этишга ва
фойдаланишга тавсия қилинган*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ҶЌИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	20
IV. АМАЛИЙ МАШЃУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	87
V. КЕЙСЛАР ВА ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ	107
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	116
VII. ГЛОССАРИЙ	120
VIII. АДАБИЁТЛАР РЀЙХАТИ.....	146

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастур сув хўжалиги менежменти мазмуни, мақсад ва вазифалари, ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва вазифалари, қонуниятлар ва тамойиллар, бошқарув ташкилий тузилма, бошқариш қарорлари, бошқарув меҳнатини илмий ташкил этиш, сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш, сув хўжалигида илмий техника тараққиёти ва сифатни бошқариш, ишлаб чиқаришни бошқаришда кадрлар тизими каби мавзуларни ўз ичига олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Сув хўжалиги менежменти” модулининг мақсад ва вазифалари:

– сув хўжалиги тармоқларидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш ва бошқаришни, ташкилий тузилмаларни такомиллаштиришни, қарорлар қабул қилиш технологиясини, бошқариш усулларидан вазиятга қараб фойдаланишни билишга қаратилган.

Модулининг вазифаси – тингловчиларга сув хўжалигини бошқаришнинг замонавий усулларини, санъат ва маданиятни, менежерлар қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш йўллариини ўргатишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Сув хўжалиги менежменти” курсини ўзлаштириш жараёнида доирасида:

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини;
- иқтисодий тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари;
- сув хўжалиги ташкилотлари ва муассасалари, ва уларнинг институционал таҳлилин;
- сув хўжалиги тизимида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар;
- бошқарув меҳнати ва унинг сув хўжалигида ўзига хос хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- сув хўжалигини бошқариш қонуниятлари, тамойиллари, функциялари, ташкилий тузилишини;
- қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришдаги ўзгаришларни *билиши*;

Тингловчи:

- сув хўжалиги ташкилотиди инсон ресурсларини бошқариш, ташкилий маданият, етакчилик (лидерлик) ва бошқарув услубларини танлаш;
- сув хўжалиги ташкилотиди ўзгаришларни тушуниши ва ўзгариш концепциясини қўллаш;
- сув хўжалиги корхоналари бошқарув фаолиятини таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда иқтисодий самарадорликка эришиш *бўйича кўникма ва малакаларга эга бўлиши*;

Тингловчи:

- сув хўжалиги ташкилотлари ва уларнинг институционал таҳлил қила олиш;
- сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш;
- сув хўжалигида меҳнат жараёнларини бошқариш;
- сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш;
- сув хўжалиги ишлаб чиқаришида илмий-техника тараққиётини бошқариш;
- сув хўжалигини бошқариш самарадорлигини ошириш кўникмалари
- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини билиш ва тармоқ даражадаги вазиятларда

ечимлар қабул қилиш малакалари *бўйича компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Сув хўжалиги менежменти” курси маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва мультимедиа технологияларидан;

- ўтказиладиган амалий ва кўчма машғулотларда экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Сув хўжалиги менежменти” модули мазмуни ўқув режадаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти” ва “Сув хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва аудит” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларни сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқаришга, улар кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилишга, улар иш сифатини баҳолаш ва бошқаришга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				
			Масофавий	Аудитория	жумладан		
					Назарий	Амалий машғулот	Кўча машғулот
1	Сув хўжалигида бошқарувни ташкил этиш	6	2	4	2	2	
2	Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.	8	4	4		2	2
3	Ўзгариш концепцияси	8	4	4	2	2	
4	Инсон ресурсларини бошқариш	4	4				
Жами:		26	14	12	4	6	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Сув хўжалигида бошқарувни ташкил этиш

Сув хўжалиги ташкилотлари ва муассасалари, ва уларнинг институционал таҳлили; Сув хўжалиги ташкилотлари ташкилий (хулқи) хатти-ҳаракатлари, сув хўжалиги инфратузилмаси, ташкилотдаги одамларнинг (хулқи) хатти-ҳаракатлари ва ташкилотнинг хатти-ҳаракати.

2-мавзу: Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланишнинг асосий йуналишлари. Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш чора-тадбирлари. Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмасини ривожланиши. Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш. Сув хўжалигида илмий-техника тараққиёти ва сифатни бошқариш. Илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини бошқариш.

3-мавзу: Ўзгариш концепцияси

Сув хўжалиги ташкилотида ўзгаришларни тушуниш; ўзгариш концепцияси (concepts of change), ўзгариш моделлари, ўзгариш омиллари (драйверлари), ўзгариш тоифалари (тактик ва стратегик, шу жумладан), тўсиқлар / қаршилик, ўзгариш жараёнини бошқариш. Ўзгариш тизимлари (systems for change).

4-мавзу: Инсон ресурсларини бошқариш

Инсон ресурсларини бошқариш, ташкилий маданият, етакчилик (лидерлик) ва бошқарув услуги, жамоавий иш, таъсир, ўзгариш ва стресс. Бошқарув ахборот тизимлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот

Сув хўжалигида бошқарувни ташкил этиш

Сув хўжалиги ташкилотлари ва муассасалари, ва уларнинг институционал таҳлили; Сув хўжалиги ташкилотлари ташкилий (хулқи) хатти-ҳаракатлари, сув хўжалиги инфратузилмаси, ташкилотдаги одамларнинг (хулқи) хатти-ҳаракатлари ва ташкилотнинг хатти-ҳаракати.

2-Амалий машғулот

Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланишнинг асосий йуналишлари. Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш чора-тадбирлари. Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмасини ривожланиши. Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш. Сув хўжалигида илмий-техника тараққиёти ва сифатни бошқариш. Илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини бошқариш.

3-Амалий машғулот

Ўзгариш концепцияси

Сув хўжалиги ташкилотида ўзгаришларни тушуниш; ўзгариш концепцияси (concepts of change), ўзгариш моделлари, ўзгариш омиллари (драйверлари), ўзгариш тоифалари (тактик ва стратегик, шу жумладан), тўсиқлар / қаршилик, ўзгариш жараёнини бошқариш. Ўзгариш тизимлари

(systems for change).

4-Амалий машғулот

Инсон ресурсларини бошқариш

Инсон ресурсларини бошқариш, ташкилий маданият, етакчилик (лидерлик) ва бошқарув услуби, жамоавий иш, таъсир, ўзгариш ва стресс. Бошқарув ахборот тизимлари.

5- Кўчма амалий машғулот

Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Сув хўжалигида илмий-техника тараққиёти ва сифатни бошқариш. Илмий- тадқиқот институтлари фаолиятини бошқариш. Сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган масала ёки муаммолар бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (масала ёки муаммолар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш);
- кўчма машғулотлар (трактор ва двигателларни синовдан ўтказиш бўйича билимларни мустаҳкамлаш, мавжуд жиҳозлар билан яқиндан танишиш)

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1	“Сув хўжалиги менежменти” модули бўйича	2.5	Тест – 1.5 балл Дарслардаги фаоллик, мустақил таълим, топшириқларни бажариш – 1 балл

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Интерфаол (Interactive) сўзидан олинган – суҳбатли маъносини билдиради. **Интерфаол** таълим бериш - суҳбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади. Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш йўналиши тингловчиларини ўқитишда қуйидаги интерфаол методлардан фойдаланиш мумкин.

Кластер методи


Кластер – тутам, боғлаш маъносини билдиради. Кластер маълумот харитасини тузиш воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йиғади. Билимлар фаоллашишини таъминлайди, мавзу бўйича фикрлаш жараёнида янги асоциация тақдим этишга эркин ва очик кириб боришга ёрдам беради.

Кластерни тузишда синф доскаси ёки катта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1 – 2 сўздан иборат мавзу номланиши ёзилади.

Калит сўзлар билан асоциация бўйича ён томонидан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизик билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин ва бошқалар. Ёзув ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотилмагунча давом этирилади.

Кластер намунаси

Двигателлар мойлаш тизими элементлари учун кластер



Тоифали жадвал методи

Тоифа-мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган умумий белги.

- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди;
- тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Тоифали шарҳни тузишда дастлаб уни тузиш қоидалари билан танишилади. Янги ўқув материали билан танишилгандан кейин олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади. Бунда гуруҳни мини гуруҳларга ажратиш ва ақлий ҳужумдан фойдаланиш мумкин.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ҳама маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин. Иш якунида олинган натижа тақдимот қилинади.

Тоифали жадвал намунаси

Тракторлар учун тоифали жадвал

Қишлоқ хўжалик тракторлари		
Умумий ишларни бажарувчи тракторлар	Универсал чопиқ тракторлари	Ихтисослашган тракторлар

Концептуал жадвал методи

Концептуал жадвал - ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради. Тизимли мушоҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Концептуал жадвал тузишда дастлаб уни тузиш қоидалари билан танишилади. Таққосланадиган нарса аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.

Якка тартибда ёки мини - гуруҳларда концептуал жадвал қурилади ва тўлдирилади;

- вертикал бўйича - таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади

- горизонтал бўйича - таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади. Иш якунида олинган натижа тақдимот қилинади.

Концептуал жадвал намунаси

Мобил энергетик воситалар двигателлари учун концептуал жадвал

Мобил энергетик воситалар двигателлари турлари	Тавсифлар, тоифалар, хусусиятлар, ажралиб турадиган белгилар ва бошқалар						
Карбюраторли двигателлар							
Дизеллар							

Т- жадвал методи

Т – жадвал - битта концепция (маълумот)нинг жиҳатларини ўзаро солиштириш ёки уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши) афзаллик/камчиликларини аниқлаш учун ишлатилади. Бу жадвал танқидий мушоҳадани ривожлантиради, у кўпроқ яқка тартибда расмийлаштирилади.

Олдин Т – жадвал қоидалари билан танишилади. Ажратилган вақт оралиғида яқка тартибда (ёки жуфтликда) тўлдиради, унинг чап томонига сабаблари ёзилади, ўнг томонига эса чап томонда ифода қарама – қарши ғоялар, омиллар ва шу кабилар ёзилади.

Т-жадвал намунаси

Дизеллар учун Т-жадвал

Афзалликлари	Камчиликлари

Топшириқ якунида тузилган жадваллар таққосланиб барча ўқув гуруҳи ягона учун ягона Т – жадвал тузилади.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Двигателларда фойдаланилган электрон ёнилғи узатиш тизимини SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Двигателларда электрон ёнилғи узатиш тизимидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Цилиндрда ёниш жараёнини ва тежамкорликни яхшиланиши ...
W	Двигателларда электрон ёнилғи узатиш тизимидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Двигател конструкциясини мураккаблашиши ...
O	Двигателларда электрон ёнилғи узатиш тизимидан фойдаланишнинг имкониятлари	Электроник тизим турли ечимлар учун имкониятни кенгайтиради ...

Т	Тўсиқлар (ташқи)	Бундай тизим билан техникадан фойдаланувчиларнинг таниш эмаслиги ...
---	------------------	--

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни таркатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзв яқинланади.

Намуна:

Двигателларда фойдаланилган газ тақсимлаш механизмлари			
2 клапанли		4 клапанли	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:			

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот

натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: “Двигател цилиндрларига ҳавони босим билан киритиш двигател қувватини оширишнинг асосий усулларида биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Венн диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг

ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадидилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадидилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

«Нима учун?» схемаси

«Нима учун?» схемаси - муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича бир бутун қатор қарашларни ўз ичига олади. Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Топшириқни беришдан олдин «Нима учун?» схемасини тузиш қоидалари билан танишилади.

Якка тартибда (жуфтликда) муаммо шакллантирилади. «Нима учун?» сўроғи билан стрелка чизилади ва ушбу саволга жавоб ёзилади. Ушбу жараён муаммони келтириб чиқарган илдиз яширинган сабаби ўрнатилмагунча давом эттирилади. Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мини-гуруҳларга бирлашади, ўз схемаларини таққослайди ва кўшимчалар киритадилар, маълумотларни умумий схемага жамлайди. Натижалар тақдимоти қилинади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа)

таништириш	шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ яққа ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс топшириғи. Қўшма корхона, бошқа ҳар қандай корхона каби, маркетинг бўлими ва маркетинг тадқиқотлари гуруҳини ташкил қилмасдан фаолият кўрсата олмайди. Маркетинг фаолият масаласи кутиб тура олмаслиги сабабли қўшма корхона президенти иқтисодий масалалар бўйича вице-президентга корхона маркетинг фаолиятини бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш, маркетинг бўлими бажариши лозим бўлган функцияларни ҳисобга олган ҳолда бўлим учун кадрларни танлаб олиш вазифасини топширди.

Ўз навбатида вице-президент маркетинг бўлими раҳбарига бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш, бўлим фаолияти турларини аниқлаш ва бундан келиб чиқувчи вазифаларни белгилаш вазифасини топширди:

1. Бўлимни бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш.
2. Кадрларни танлаш ва ўқитиш.
3. Маркетинг бўлимида ички фаолият турларини аниқлаш.
4. Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш, материал сарфи ва

юклама харажатларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш.

Кейсни бажариш босқичлари :

- Кейсдаги муаммоларни келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Кейсда келтирилган муаммоларни бартараф қилишда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Сув хўжалигида бошқарувни ташкил этиш

Режа:

1. Сув хўжалигида бошқарувнинг моҳияти.
2. Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва вазифалари, қонуниятлар ва тамойиллари.
3. Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси

Таянч иборалар: Сув хўжалиги ташкилотлари, институционал таҳлили; сув хўжалиги инфратузилмаси, ташкилотдаги одамларнинг (хулқи) хатти-ҳаракатлари ва ташкилотнинг хатти-ҳаракати.

Халқ хўжалиги, хусусан ишлаб чиқариш жараёни табиий, ижтимоий, техника фанларини урганиш объекти булиб хизмат килади. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама чуқур урганиш ва тадқиқ қилиш меҳнатнинг илмий тақсимотига олиб келади. Бошқариш фани нимани урганади ва унинг предмети нимадан иборат?

Сув хўжалиги менежменти фанининг моҳияти бошқариш тизимга режали ва мақсадга мувофиқ равишда таъсир этишдан иборат. Бу таъсир ҳар-хил усуллар, маълум технология ёрдамида амалга оширилади. Мақсад тегишли объект талаб даражасида саклаб туриш ёки уни қуйилган талаб даражасидан келиб чиқиб янги бир ҳолатга утқизишдир. Мана шу жараён давомида мураккаб бошқариш муносабатлари пайдо бўлади.

Бошқариш муносабатларининг мураккаблиги шундаки, у сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва ижтимоий муносабатларни уз ичига олади. Шу муносабат билан таҳлил қилишдан асосий мақсад ҳар бир фаннинг предмети аниқлаш ва методологик нуқтаи назардан тадқиқ қилишдан иборатдир. Масалан, бошқариш фанининг предмети объектга таъсир этиш жараёнида пайдо бўладиган узига хос муносабатларни акс эттирувчи бошқариш функциялари ҳисобланади.

Бошқариш муносабатлари доирасида такрорланадиган ҳодисалар ва воқеалар бу фанга оид назарияни яратишга, қонуниятлар ва принципларни аниқлашга ёрдам беради.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолият ҳар қандай ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаолият курсатишдаги мақсадини аниқлаб беради. Бу

жараённинг натижаси маълум турдаги махсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат курсатиш билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришни бошқариш объект сифатида динамик равишда ривожланаётган тизимни узида акс эттиради ва унинг элементлари узаро алоқадорликда ҳамда узаро таъсирда бўлади. Улар аниқ ва мақсадга йўналтирилган ички ва ташқи таъсир доирасида фаолият курсатади.

Масалан, сув хужалиғи корхонаига қаршли унитар корхоналарни оладиган бўлсак, унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари ер қозиш, бетон тайёрлаш, сунъий иншоотларини ишлаб чиқаришга ҳамда яшашга мулжалланган биноларни, шунингдек, бошқа ижтимоий инфраструктура объектларини қуришга ихтисослашган бўлади. Асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари эса корхона таркибига қирувчи инструментал, таъмирлаш-механик устахоналар, энергетик бўлинмалар ёки корхоналар ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари билан боғланган бўлади.

Асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларида иш маълум асосан лойиҳа ҳужжатлари, инструментлар, техникалар ва мутахассислар билан таъминлангандан сунгида олиб борилади. Улар ташқаридан хом ошё, материал, бутловчи буюмлар билан таъминланади ва оғборхоналарда сакланади. Бу меҳнат предметлари бўлинмалар ичида ва уртасида ишлаб чиқаришнинг микёси ва узига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимланади ва ташқил этилади.

Ишлаб чиқариш жараёни асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришга бўлинади. Масалан, унитар корхонада асосий ишлаб чиқаришга ер қозиш ишлари, бетон тайёрлаш, махсулот сифатини назорат қилиш ва бошқалар қиради. Ёрдамчи ишлаб чиқаришга эса меҳнат предметларини ташиш, таъмирлаш ишлари, меҳнат қуролларини тайёрлаш, яъни хизмат курсатиш ишлари қиради.

Шундай қилиб унитар корхонанинг бошқариш объекти унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари, участкалари, бригадалари бўлиб, уларнинг фаолияти қурилиш монтаж ишларини бажаришга қаратилган бўлади.

Қурилиш корхонасига қаршли унитар корхонанинг асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари бошқариш объекти сифатида ёрдамчи бўлинмалар хизматидан фойдаланади. Мақсад асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларини доимий ишлашини таъминлашдан иборатдир. Асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларига хос бўлган доимий иш жараёни ёрдамчи бўлинмалар фаолиятига ҳам тегишлидир.

Ишлаб чиқаришни бошқариш – ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига онгли, режали ва мақсадга мувофиқ равишда таъсир этиш, меҳнат жамоаси фаолиятини мақсадни амалга оширишга қаратиш, бозор

конунлари талабидан келиб чиккан холда хар бир корхонани, тармок ишлаб чикаришини сифатли махсулотлар ишлаб чикаришга ва хизмат курсатишга каратишдан иборатдир.

Ишлаб чикариш жараёнида моддий неъмат яратувчилар Билан ташкилий-техник бошкариш аппарати уртасидаги узаро алокадорлик мухим ахамиятга эгадир. Хусусан, сув хужалиги курилиши ташкилотларида корхона Билан курилиш ташкилотлари уртасида анна шундай алокалар мавжуддир. Шу билан бирга бундай алокалар УК, КМБ хамда унинг ишлаб чикариш булинмалари ва участкалари уртасида хам мавжуддир. Узаро алокалар рахбар ходимлар ва ишчилар уртасида хам мавжуддир. У уларнинг фаолияти корхона ёки ташкилот олдида турган максадни амалга оширишга каратилган булади. Курилиш ташкилотлари мураккаб бошкарувчи ва бошкарилувчи тизимлардан иборат.

Бошкарувчи система курилиш ташкилотларидаги бошкарувчи рахбарлигидаги барча рахбар ходимлардан иборат.

Масалан, УКга нисбатан корхона бошкарувчи система хисобланади. Корхона ишлаб чикаришни, иктисодиётни, таъминотни ва барча фаолиятни бошкаради.

Бошкарилувчи тизим катор узаро боглик булган ишлаб чикариш мажмуи ва ёрдамчи ишлаб чикаришлардан ташкил топган булиб, унга асосий фондлар ва мехнат ресурслари хам киради.

Бошкарувчи ва бошкарилувчи тизимлар корхона мисолида 1-чизмада курсатилган.

Бошкариш даражаси	Бошкарувчи тизим	Бошкарилувчи тизим
Курилиш корхонаси	Корхонанинг бошкарув аппарати	УК
УК	УКнинг бошкарув аппарати	Ишлаб чикариш участкаси (ишлаб чикариш фонди ва ишчилар)
Участка	Участкадаги бошкарув аппарати	Бригада (ишчи, ишлаб чикариш фондлари)

1-чизма. Курилиш корхонасининг бошкарувчи ва бошкарилувчи тизимлари.

Бошкариш аппарати ходимлари маълум функцияларни бажаришга ихтисослашган булади. Унга хусусан ишлаб чикаришни бошкариш

режалаштириш, молиялаштириш, моддий-техника таъминоти ва бошқалар киради. Шунинг учун бошқарувчи тизим хар хил мутахассислар ва бошқарувчилар йигиндисидан ташкил топган булади.

Бошқарувчи тизимда турли ишлаб чткариш-иктисодий, ижтимоий, психологик ва ҳукукий алоқалар мавжуд булади. Бундай алоқалар УК бошлиги ва унинг булинмалари бошликлари уртасида булади. Масалан, УК бошлиги ва моддий-техника булими бошлиги, бир-бирига буйсинмайдиган мутахассислар, техник хизматчилар, инженерлар, техниклар уртасидаги алоқалар. Бу алоқалар ва муносабатлар бошқарув тизимига фаол таъсир этади.

Бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар қурилиш ташкилотларининг таркибий қисми ҳисобланади ва улар пировард мақсадни амалга ошириш учун бир-бири билан алоқа қилади. Аниқроғи бундай алоқалар сув қурилиши ташкилотларининг самарадорлигини ошириш, ходимлар иш шароитини ва турмуш даражасини яхшилашга қаратилган булади. Бошқарувчи тизим ҳукмронлик муносабатларини яратмаслиги, яъни бири ҳукмрон иккинчиси унга буйсинувчи булиши лозим. Ишчилар корхонадаги мулкка раҳбар ходимлар сингари бир хил муносабатда булади, яъни мулкка муносабат бир хил ҳуқуқ асосида қурилган булади. Корхона ходимлари мулкдан самарали фойдаланишдан манфаатдор булади ва шунинг учун ҳам мулкни қупайтириш ва уни авайлаб асраш тарафдори булишади.

Сув ҳужалиги қурилиши ташкилотларида бошқаришнинг роли ошиб бормокда. Бунга сабаб ташкилотларни бошқариш мураккаблашиб бормокда, ҳужаликлар уртасидаги муносабатлар, буюртмачилар ва ижрочи ташкилотларнинг иктисодий муносабатлари бозор талабларига мос равишда шаклланмокда. Булар ҳаммаси бошқаришга булган талабни қучайтирмокда ва унга янғича ёндашишни талаб қилмокда.

Ишлаб чикаришга мос равишда бошқариш мураккаб, маълум мақсадга йуналтирилган, режали, ижтимоий-иктисодий ва ташкилий-техник жараён ҳисобланиб, маълум аниқ технология асосида хар хил усуллар ва воситалар ёрдамида мақсадга эришишга қаратилган жараён ҳисобланади.

Халқ ҳужалигида; хусусан ишлаб чикаришда бошқариш объекти қатор табиий, ижтимоий ва техника фанлардан иборат булиб, ижтимоий ишлаб чикариш мажмуини ва унинг элементларини узғаришни меҳнат тақсимооти булишини такозо этади. Бошқариш фани нимани урганади ва унинг предмети нима деган табиий савол тугилади.

Ишлаб чикаришни бошқариш бошқарувчи тизимининг режали ва

максадга мувофиқ равишда бошқарилувчи тизимга таъсир этишидир. Бу таъсир ҳар хил усуллар, воситалар ёрдамида маълум технология асосида бу тизимни нормал ҳолатда саклаб туриш ёки уни Янги ҳолатга утказиш учун хизмат қилади. Бу жараён давомида мураккаб хилма-хил бошқариш муносабатлари пайдо бўлади.

Бошқариш муносабатларининг мураккаблиги яна шу билан белгиланадики, иқтисодий муносабатлар сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, техник муаммолар билан узвий боғланган бўлади. Методологик нуқтаи назардан таҳлил бу муносабатларни аниқлашдан ва ҳар хил фан предметини белгилашдан иборат бўлади. Масалан, бошқариш фани предмети сифатида унга хос бўлган хусусият бошқариладиган объектга таъсир жараёнини, яъни бошқариш жараёнида бажариладиган ҳар хил функциялар мажмуини тушиниш мумкин. Шу билан бирга ишлаб чиқаришни бошқариш фани бошқаришнинг ташкилий структурасини, бошқариш усуллари, функцияларини, принципларини, қонуниятларини, техника ва технологиясини ва бошқаларни урганади. Модомики шундай экан, бу йиналишлар бошқариш фанининг предмети ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш фанининг иқтисодга оид баъзи бир назарий асосларни қуриб чиқамиз.

Иқтисодий бошқариш тизими нафақат ташкилий структурани (бошқариш субъектини), балки бошқариш жараёнини, таъсир этиш усуллари ва бошқаришнинг техник воситаларини, шунингдек бошқариш объектини, яъни жамият иқтисодий базасини уз ичига олади.

Иқтисодий тизим ягона тизим бўлиб, қатор иқтисодий тизимчалардан ташкил топади. У ишлаб чиқаришни, халқ ҳужалиининг ишлаб чиқариш соҳаларини, тақсимот соҳасини, муомала ва истеъмолни уз ичига олади. Ишлаб чиқариш қучлари бошқариш объекти сифатида меҳнат воситалари ва инсон фаолиятини меҳнат кооперацияси доирасида бишлаштиради ва моддий маблағ ишлаб чиқариш имконини беради.

Иқтисодий тизим (2-чизма) бошқариш объекти сифатида ишлаб чиқариш тизимини, тақсимот ва ижтимоий маҳсулотнинг алмашиш жараёнини узида акс эттиради. Иқтисодий тизимнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1. Меҳнат воситалари мажмуи;
2. Меҳнат предметлари мажмуи;
3. Ишлаб чиқариш технологияси мажмуи;
4. Ижтимоий маҳсулот тақсимоли ва алмашиш жараёнини;
5. Биргаликда меҳнат жараёни;

6. Иктисодий алокалар ва муносабатлар тизми унинг таркибидаги асосий ва оборот фондлар айланиш жараёни, ишлаб чиқариш жараёни, таксимото ва муомала жараёни.


Ишлаб чиқариш кучларнинг иктисодий бошқаришга булган муносабати унинг объект (ишлаб чиқариш воситалари ва инсон фаолияти)га таъсир этишидир. Бу таъсир бошқариш тизими орқали ҳар хил техник воситалар ва усуллар орқали амалга оширилади. Натижада мақсадга мувофиқ режали техника, технология, меҳнат предметлари, биргаликдаги меҳнат жараёндаги вақт ва маконда маълум ишлаб чиқариш жараёнидан ташкил топади шу ўйл билан моддий маблағ яратилади (3-чизма).

Ишлаб чиқариш кучлари иктисодий бошқариш объекти сифатида бошқариш фанининг предмети бўлиб хизмат қилмайди. Ишлаб чиқариш кучларнинг ҳар хил томонларини табиий, ижтимоий, техника фанлари урганади.

Бошқариш соҳасидаги бошқариш тизими узига хос функционал хусусиятга эгадир ва у сиёсий, яъни давлатни бошқаришдан фарқ қилади. Бу функционал хусусиятлар тадқиқот, лойиха, меъёрий ҳужжатлар, режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, ҳисоб-китоб, назоратдан ташкил топган бўлиб, улар иктисодий бошқариш усуллари ва тегишли бошқариш воситалари орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб иктисодий бошқариш сиёсий ва давлатни бошқаришдан субъект, функция ва усуллар бўйича фарқ қилади. Биз бу ерда сиёсий, яъни давлатни бошқаришни қуриб чиқишни мақсад қилиб қуйганимиз йук. Бизнинг мақсадимиз бошқариш муносабатларининг базасини, яъни ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган бошқариш муносабатларини тадқиқ қилишдир.

Фондларнинг айланиши иктисодий бошқаришнинг объектидир. Ишлаб чиқариш тегишли истеъмол учун предметларни яратади; таксимот ижтимоий қонунлар асосида уни таксимлайди. Муомила жараёни истеъмол бўйича таксимотни қайта таксимлайди ва ниҳоят маҳсулотни истеъмол қилиш жараёни билан бу ҳаракат ниҳоясига етади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш бошланғич, истеъмол эса охириги, таксимот ва муомила эса урта жараён ҳисобланади. Бу ҳужалик организмида кенгайган такрор ишлаб чиқариш давом этади, ишлаб чиқариш фондларининг айланиши иктисодий бошқаришнинг объекти сифатида намоён бўлади.



2-чизма. Иктисодий тизим бошқариш объекти сифатида.

Бошқариш муносабатлари бевосита маҳсулотларни тайёрлаш сохалари доираси билан чекланиб қолмайди, у корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг барча томонларини ўз ичига олади. Бу жараён кенгайган такрор ишлаб чиқариш асосида яратилган моддий неъматни ўзида акс эттирувчи ишлаб чиқариш фондларининг айланиши деб қараш мумкин.

Шундай қилиб, бошқариш муносабатлари иктисодий тизимнинг барча элементларини, хусусан ишлаб чиқариш, таксимот, муомила ва ниҳоят истеъмолни ўз ичига олади.

Иктисодий қонунлар ва ҳужалик амалиёти.

Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг асосини тушуниш учун объектив иктисодий қонунларни урганиш ката методологик аҳамиятга эгадир.

Иктисодий тизимни бошқариш объектив характерга эга бўлган иктисодий қонуниятларни урганиш орқали амалга оширилади.

Бошқариш жараёнида иктисодий қонунларнинг амал қилиш механизмини урганиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ҳолатни вақтни иктисод қилиш қонуни мисолида қуришимиз мумкин. Бу қонун меҳнат унумдорлигини тухтовсиз ўсиб боришни тақозо этадию Натижада вақт

бирлиги хисобига яратилган моддий маблаг купайиб боради, унга сарф килинган харажатлар камаяди, махсулот сифати ошади.

Мехнат унумдорлиги махсулот бирлиги учун сарф килинган мехнатни иктисод килишдир. Кайсики, маълум махсулотни ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш тармоқларини ютади. Чунки иктисод килинган вақт бошка сохаларга мақсадга мувофиқ равишда таксимланади.

Бошқарилувчи объект (ишлаб чиқариш)ни доимий ва динамикада куриш мумкин. Бу ерда иктисод килиш принципи асосий роль уйнайди, чунки бошқариш жараёнининг пировард натижаси ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Ишлаб чиқариш уз мохиятига кура маълум тизим буйича купгина элементлар харакатидан иборатдир. Ишлаб чиқаришнинг доимийлиги унинг динамикадаги харакати билан белгиланади. Шу сабабли аник ташкилий масалаларни ечишда ишлаб чиқариш динамикаси конунини билиш лозим булади. Бу конун ишлаб чиқаришнинг иктисодий нуктаи назаридан мақсадга мувофиқлиги принципи билан узвий боғланган булади ва моддий маблаг ишлаб чиқаришда асосий критерия булиб хизмат килади. Бу критерия амалиётда хом Аше ва кушимча материалларнинг, ёкилги ва электр энергияни, ишчи кучи ва капитал маблағларни иктисод килишни талаб этади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва вазифалари, қонуниятлар ва тамойиллар

Ишлаб чиқаришнинг бошқаришнинг дастлабки босқичи мақсадни аниклаш хисобланади. Бошқаришнинг умумий (глобаль) мақсади ишлаб чиқаришнинг доимий усиши ва барқарор ривож топишини таъминлаш, ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишга эришиш, курилиш объектларини уз вақтида сифатли тугаллаш ва фойдаланишга топшириш, объектив тухтовсиз ишлашини таъминлашдан иборат.

Сув хужалиги ишлаб чиқаришининг фаолияти жараёнидаги кичик ёки локал характерга эга булган мақсадлар ишлаб чиқаришнинг доимий усишига ва барқарор ривож топишига эришиш ва сув ресурсларидан самаради фойдаланишдан иборат.

Бошқариш фанининг вазифас энг самарали техник иктисодий, ташкилий, ҳукукий, ижтимоий, технологик усулларни ва воситаларни куллаш натижаида ишлаб чиқариш олдига куйилган мақсадга эришишдан иборат. Узгарувчан ташки ва ички мухитни хисобга олган холда ишлаб чиқаришни самарали фаолият курсатиши учун аник тадбирларни ишлаб

чикиш ва хаётга жорий этишга каратилган булади.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариши меҳнат предметларини тайёр маҳсулотга айлантиришга каратилган булади.

Корхонанинг ҳар хил булинмасида фаолият курсатаётган ишчилар, яъни ягона жамоага бирлашган меҳнат жамоаси ишлаб чиқариш жараёнида корхона олдида қўйилган мақсадни амалга ошириш йулида фаолият курсатади, яъни маҳсулот ишлаб чиқаради. Агар биринчи галдаги вазифа ишлаб чиқариш, яъни бунёдкорлик меҳнати бўлса, ахборотлар жараёнининг натижаси қарорлар қабул қилиш, аниқроғи ишни самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш бригадалари, участкалари билан қелишилган ҳолда ишни олиб бориш, пировард натижада эса ишлаб чиқариш программасини бажаришдан иборат. Бу қарор бошқариш моҳиятини ташкил этади ва корхона олдида қўйилган мақсадни амалга эришиш учун меҳнат жамоалари фаолиятини сафарбар этишга каратилган булади.

Бошқариш мақсадга мувофиқ равишда факат меҳнат жамоасига таъсир этибгина қолмасдан, ишлаб чиқариш жараёнига ҳам таъсир этади ва у ҳар хил усуллар ва ҳар хил шаклларда амалга оширилади. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларида ва уни қайси жойда амалга оширилишидан қатъий назар бошқариш жараёни уларни ягона мақсадга мувофиқ бўлган оқимга олиб келади, аниқроғи ҳар бир цехни, бригада ҳамда участканинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва қўзланган мақсадни амалга оширишга йўналтиради. Ишлаб чиқаришни бошқариш бевосита ишлаш жараёнини ташкил этиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уни тартибга солиш шорқали амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш булинмалари маълум мақсадларга мос равишда фаолият курсатади ва ривожланади. Корхона учун умуман стратегик мақсад ҳос бўлиб, у корхонанинг узок муддатга мулжалланган фаолиятини, ишлаб чиқарадиган маҳсулот микдори (ҳажми) ҳамда турини, унинг сифати ва бошқа курсаткичларни узида акс эттиради. Бу мақсадни амалга ошириш ҳар бир булинма жамоалари учун аниқ вазифаларни белгилаш, тегишли ресурслар билан таъминлаш ва уни бажариш учун тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишни талаб этади.

Мақсад ва вазифалар корхона жамоаси эришиши мулжалланган охириги натижасидир. Ҳаар бир булинма узининг вазифасига эгадир. Улар корхона олдида қўйилган умумий мақсадга эришишга ёрдам бермоғи лозим. Аниқроғи ҳар бир булинманинг вазифаси умумий мақсадни амалга оширишга каратилган булади. Вазифалар ишлаб чиқариш программаларини бажариш натижаларини узида акс эттирса, мақсадлар микдорий ва сифат курсаткичлари билан ифодаланади. Ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи

жорий йилда маълум турдаги буюмни ишлаб чиқаришни, унинг киймати ва сифатини вазифа қилиб қўйса, қурилиш таъминоти раҳбари уз олдида маълум миқдордаги буюмни ишлаб чиқаришни режалаштирилган харажатлар доирасида амалга ошириш, махсулот сифатини стандарт талабларига жавоб беришини таъминлаш, ички ходимларнинг кунимсизлигига барҳам бериш, Янги жихозларни сотиб Оли, урнатиш ва бошқаларни уз олдида вазифа қилиб қўяди. Булар ҳаммаси корхона олдида турган миқдорий ва сифат курсаткичларидир. Мақсадли сифат курсаткичлари жамоанинг умумий бажарилиши лозим бўлган вазифаларни узида ақс эттиради ва маълум вақт доираси учун (ой, квартал, йил) белгиланади. Бунга қуйидаги мақсадларни мисол қилиб курсатиш мумкин:

- ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш;
- корхона бўлинмалари ва цехлари бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ишларини олиб бориш;
- бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида аппаратни малакали кадрлар билан таъминлаш;
- ишчи ва хизматчиларни бекорга иш вақтларини сарфлашга йул қўймаслик ва уни бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш керак.

Цехда ишлаётган ишчилар фаолиятини ташкил этиш гуруҳ олдида қўйилган мақсад ҳисобланади. Шу муносабат билан мақсад ҳар бир ходим учун шундай шаклда маълум бўлиши керакки, натижада уни назорат қилиш ва унга эришиш жамоа меҳнати натижалари самарасини улчаш имконини берсин.

Ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмасининг вазифаси ҳар хил, лекин бошқаришнинг асосий мақсади барча бўлинма учун бир хил бўлади, яъни ишлаб чиқариш программаларини бажариш, махсулот ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва бошқалар шулар жумласига қиради.

Бошқариш қонун ва қонуниятлари.

Бошқариш қонун ва қонуниятлари уз моҳиятига қура объектив жараён ҳисобланади. «Қонун» ва «қонуниятни» умумий ва хусусий тушунчаларга қиритиш мумкин.

«Қонун» умумий тушунча бўлса, қонуният унинг бир қисми ҳисобланади. Иқтисодий қонун ва қонуниятлар инсон онги ва савиясидан ташқарида амал қилади. Инсон уни тугри тушуниши ва ундан уз фаолиятида оқилона фойдаланиши лозим. Бозро иқтисодиёти тизими уни тугри тушуниши ва ундан оқилона фойдаланишни талаб қилади:

- ихтисослаштириш қонуни;

- интеграция қонуни;
- марказлаштириш қонуни;
- демократизациялаш қонуни;
- вақт қонуни (вақтни иқтисод қилиш қонуни).

Бошқаришни ихтисослаштириш қонуни. Бу қонуннинг моҳияти шундаки, корхонани бошқариш маълум миқдордаги бошқарувчилар, раҳбарлар томонидан амалга оширилади. Улар уз фаолиятлари жараёнида меҳнат тақсимооти асосида узига хос қуйидаги функциялар буйича (режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, фаоллаштириш, назорат);

- меҳнат воситалари буйича (ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усуллари);
- функцияларни бажариш хажми ва меҳнатга булган талаб буйича (булим раҳбарлари ва унга буйсунувчилар);
- бошқариш ваколати буйича (бошқариш даражаси, ҳуқуқи, масъулияти ва бошқалар).

Бошқача айтганда ривожланган бошқариш тизимида ҳар хил функциялар тақсимооти мавжуд булади. Хусусан корхонани бошқаришнинг умумий вазифалари – ишлаб чиқариш жараёни, молия, сотиб олиш, сотиш, маркетинг, кадрларни уқитиш, илмий фаолият, ахборотлар тизимини бошқариш қабилар мавжуд булади.

Бу уз навбатида бошқаришнинг ихтисослашуви булиб, улар ёрдамида бошқаришнинг самарадорлиги таъминланади. Бошқаришнинг ихтисослашган функциялари шу соҳани билган тажрибали ва малакали ходимлар томонидан амалга оширилади.

Бошқаришнинг интеграция қонуни. Бу объектив қонун булиб, бошқариш барча бошқарувчи ходимлар фаолиятини интеграцияси асосида амалга оширишни курсатади. Бундай эҳтиёж ишлаб чиқариш ва бошқаришга булган талабдан келиб чиқади ва амалга оширилади.

Бошқаришнинг интеграцияси унинг қуйидаги таркибий қисмлари ёрдамида намоён булади:

1. мақсад – бошқаришнинг интеграцион омил сифати;
2. бошқариш механизми – баланслашган усули ва бошқариш жараёни сифатида;
3. Структуравий булинмалар ва уларнинг функцияларини мувофиқлаштириш сифатида;
4. Ахборотлар билан таъминлаш - бошқариш булинмалари уртасида боғлаш сифатида.

Бошқаришнинг марказлаштириш қонуни. Бу қонун марказдан ва

қуйидаги бошқаришнинг оптимал (энг қулай) вариантыни топишни талаб этади.

Бу қонун бир томондан марказдан, яъни юқоридан пастга, иккинчи томондан пастдан юқорига бошқариш жараёнини узида акс эттиради.

Бошқаришнинг объектив тизими марказлаштирилган шаклда булади. Масалан, биологияда биринчи тизим фаолият курсатиши учун марказ, яъни мия ишлаши керак. Марказги бошқаришнинг маркази – бу маъмурий кенгаш, фирма бошлиғи, президенти ва хоказолар.

Қорхонани бошқаришда, муҳим қарорлар қабул қилишда вакилликнинг аксарият қисмини уз зиммасига оладиган бошқарув тизими марказлашган бошқарув деб аталади.

Қорхонани бошқариш қафолатлари асосан қуйи бошқарув органларига берилган бўлса буни марказлашмаган бошқарув дейилади.

Марказлашган бошқарувнинг афзалликлари.

1. Ихтисослашган бошқарув хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш имкони тугилади.

2. Харакатнинг ягона қелишилган тартиби таъминланади.

3. Бошқариш меҳнати билим ва тажрибадан унумлироқ фойдаланиш имконини беради.

Қуйидан бошқариш афзалликлари.

1. Муаммони яхшироқ биладиган раҳбар тонадан қарор қабул қилиш имкони тугилади.

2. Ката қорхоналарни ахборотлар ҳажми қуплиғи сабабли бошқариш қийин. Бошқариш қарорларини ишлаб чиқиш қийнлашади.

3. Қуйидаги бошқариш раҳбарлик лавозимидаги шахснинг масъулиятини оширади, узига нисбатан талабчанлик қучаяди ва уз иш жойида мустақкам бўлиш имконини беради.

Қуйидан бошқариш жараёнини қуқур англаб етишнинг объектив омили сифатида бошқарувнинг барча бугинларида қенг қулланилиши лозим. Бу омиллар дастлаб ҳавф-хатар, қолаверса масъулият, топқирлик, эркин ва мустақиллик, узининг қадрига етишдир.

Демократизациялаш қонуни. Бошқариш самарадорлиғи одамлар манфаатига мос тушадиган бўлганда таъминланиши мумкин. Манфаатдор ҳар бир шахс, бошқарув ходими меҳнат жамоаси учун ҳос бўлган жараён ҳисобланади. Бу эса бошқариш жараёнини нафакат малақали, қолаверса демократикбўлганда таъминланади. Бу қонун моҳиятига қура жамоада одамларнинг бир-бирига бўлган узаро муносабатини акс эттиради, яъни раҳбар ва буйсунувчилар уртасидаги узаро алоқани акс эттиради. Бу жараён меҳнат жамоаларига мулкни акциялаш қуринишида бери шорқали

амалга оширилади.

Бозор иктисоди шароитида демократия конуни объектив конун хисобланади.

Вакт конуни (бошқаришнинг вақтни иктисод қилиш конуни). Бу бозор иктисодиётининг муҳим конунидир. Вакт иктисодий категория бўлиб, унинг кадр-қиммати корхона фаолиятининг барча томонларини уз ичига камраб олади: ишлаб чиқариш тезлиги; айланма капитал обороти; узғаришга муносабат; меҳнат унумдорлиги; меҳнат курулларидан фойдаланиш харажатлари (амортизация, солиқ) ва бошқаларю Вақтни юритиш уз рақобатчиларини вақтдан ютиш, Янги махсулотни ишлаб чиқаришга тезроқ утиш ва бошқалар.

Бозор иктисодиётининг бошқариш принциплари.

Принцип – бу бошқариш қоидалари бўлиб, раҳбар ходимлар уз фаолиятини амалга оширишда унга амал қиладилар. Бошқариш принципи раҳбар ходимлар фаолиятини тартибга солади ва йул-йурик курсатиб туради.

Бошқариш принциплари бошқариш конунлари ва конуниятларидан келиб чиқади ва конунларни тушуниш, англаб етиш ва бошқариш органларининг Амалий фаолиятини узида акс эттиради, аниқроғи бошқариш принциплари бошқариш конунлари ва конуниятларидан оқилона фойдаланиш воситаси хисобланади. Бошқариш принциплари жамиятдаги ҳуқуқрон ишлаб чиқариш муносабатларидан келиб чиқади ва унга амал қилади.

Бозор иктисодиётининг узига хос илмий принциплари қуйидагилар: барча мулкка эгаллик хусусияти, тадбиркорлик фаолиятини танлашда ва фаолият курсатишда эркинлик, мустақиллик, мулкни давлат томонидан ҳимоя қилиниши. Бу ва бошқа шунга ухшаш принциплар бозор иктисодиётини бошқаришнинг узига хос принципларини ташкил этади.

Иктисодиётни бошқариш принципларини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга ишлаб чиқаришнинг умумий ва структуравий функционал принциплари қиради. Иккинчи гуруҳга жамоа аъзоларининг узаро муносабатлари (одамларни бошқариш) принципи қиради. Учинчи гуруҳга менежер яъни раҳбар ходимнинг шахс сифатида шаклланиши қиради.

Биринчи гуруҳга корхонанинг фойдалилик даражаси, маркетинг фаолияти, ташкилий структура, режалаштириш, бошқариш усуллари қиради. Бу гуруҳга корхонанинг самарали фаолият курсатиши, меҳнатни илмий ташкил этиш, компьютер билан таъминланиши инновация ва структуравий тузилиши қиради.

Юқорида қайд этилган принциплар мазмунини таҳлил этиш бозор

иктисодиётини бошқаришнинг узига хос хусусиятларини экс эттиради. Агар илгариги фойдалилик курсаткичи махсулот микдори ёки хажми билан аниқланган бўлса, ҳозирги пайтда махсулот сифати унга булган талаб билан аниқланади.

Иккинчи гуруҳ принциплари одамларнинг бир-бирига булган муносабатларини, раҳбар ходимлар ва меҳнат жамоа аъзолари уртасидаги муносабатларни узиди акс эттиради. Инсонга булган муносабат бошқаришнинг асосини ташкил этади.

Учинчи гуруҳ принциплари менежер ёки раҳбарнинг шахс сифатида шаклланишидир. Бу принцип юкорида куриб чиқилган иккита гуруҳ принципларига фаол амал қилишнинг базаси ҳисобланади. Шунинг учун бу принцип ката ижтимоий – педагогик юкни уз зиммасига олади. Бошқариш таъсирчанлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги, янгиликнинг жорий этилиши, махсулотни сотиш учун кураш, бошқаришнинг инсонийлиги ва бошқаларни яхши тайёргарликдан утган бошқарувчи раҳбарсиз тасаввур этиш қийин.

Бу ерда етакчи принциплар қуйидагилар ҳисобланади:

– менежер – раҳбарларни мақсадга мувофиқ равишда тарбиялаш ва қайта тарбиялаш.

– менежер кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси

Бошқаришнинг функциялари бошқаришнинг ташкилий структураси билан узвий боғланган булади. Бу ерда муҳим ва алоҳида аҳамиятга эга булган принцип меҳнатнинг рационал тақсимоти ҳисобланади. Бу принцип ташкилий структурани ажралмас таркибий қисми сифатида ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Айнан мана шу принципни ҳисобга олиш мақсадга эришишнинг асосини ташкил этади. Мақсад эса янги ташкилий структурани ишлаб чиқиш ва унинг афзаллигини иқтисодий нуқтаи назардан баҳолашдир. Янги ташкилий структура рационал бўлиши ва мавжуд ташкилий структурага нисбатан самарали ва истикболли бўлиши лозим.

Ҳақиқатда ҳам бошқаришнинг ташкилий структураси доимо узғариб туриши керак. Бунинг учун бошқарувчи тизим мавжуд узғаришларни уз вақтида идрок этиши ва ташкилий структуранинг давр талабига жавоб беришини баҳолаши, тегишли узғаришларни қиритиши лозим.

Бошқаришдан асосий мақсад ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш экан, шунга мос равишда ташкилий структура ҳам вақти вақти билан қайта қуриб чиқилиши лозим.

Ташкилий структуранинг назарий ва методологик табиатини билиш учун унга қуйилган талабларни, яъни ташкилий бўлинмалар уртасидаги узаро таъсирнинг аниқлиги, бошқариш функциясини такрорланмаслиги, бошқариш аппарати одимлари уртасидаги масъулиятни аниқ тақсимланганлиги, қарорлар қабул қилиш жараёнининг ишлаб чиқилиши, абортлар оқимини ташкил этишнинг аниқлиги, бошқаришда функцияларнинг тарқок эмаслиги, техник воситалардан максимал фойдаланиш имкониятлари чуқур таҳлил қилиниши лозим.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳар хил ташкилий структуралар қулланилади. Сув хужалиги, аниқроғи сув хажалиги қурилишини бошқаришда энг қулай тизим чизикли-функционал тизим ҳисобланади. Уни ишлаб чиқиш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- қорхонада, УҚ ва бирлашмаларда бажариладиган функциянинг рационал марказлашганлик даражасини аниқлаш;

- лойihalаштирилган ташкилий структуранинг сув қурилиши ёки эксплуатацион ташкилот фаолиятининг мазмунига мос қилиниши ҳисобга олиш;

- бошқаришнинг марказлашган функцияларини аниқлаш;

- бошқаришнинг янги ёки қайта ташкил этилган ташкилий структурасида сув хужалиги қурилиши ва эксплуатацион ташкилотларда сакланиб қоладиган бошқариш функциялари бўйича бажариладиган ишлар (хизматлар) руйхати ва ҳажмини аниқлаш;

- янги ёки қайта ташкил этилган ташкилий структурасида бўлинмаларда бошқариш фаолиятлари бўйича бажариладиган ишларнинг таркибини аниқлаш;

- бошқаришни марказлаштириш натижасида бошқариш аппарати ходимлари учун сарф қилинадиган меҳнат ва моддий – пул харажатларини камайтириш;

- давр талабидан қелиб қолган ҳолда бошқариш структурасининг таркибига қирадиган структуравий бўлинмаларни аниқлаш;

- мавжуд ташкилий структуранинг камчиликларини аниқлаш, бошқариш бўлинларини, ихтисослаштириш омилини ва илғор намуна

буладиган сув хужалиги ташкилотларининг ташкилий структурасини хисобга олиш.

Албатта лойихалаштирилаётган ҳамда мавжуд ташкилий структура таккосланади ва хар иккаласига баҳо берилади. Баҳолаш усуллари куп. Уларга, хис этиш усули, синтез ва анализ усули, таккослаш усули ва бошкалар киради.

Сув хужалиги курилишини бошқариш органлари тизимининг самарадорлиги купинча ташкилий структуранинг такомиллашувига боглик булади.

Бошқаришнинг ташкилий структураси хар хил ва узаро бир-бири билан боглик булган бошқариш бугинларининг, ташкилий тузилмаси йигиндисидан ташкил топган булиб, бошқариш функцияси ва вазифаларини бажаришга мулжалланган булади.

Бошқариш структураси штатлар руйхатида, рахбарлар уртасида функцияларни таксимлашда узининг аник ифодасини топади. Бошқариш структураси горизонтал буйича бошқариш бугинларига (гурух ва бумларга), вертикал буйича бошқариш боскичларига булинади. Бошқариш бугинлари бу мустакил функционал бошқариш органи ёки ижрочи булиб, бевосита бошликка ёки тегишли боскич муовинига буйсинади.

Бошқариш боскичлари пастдан юкорига караб бошқариш органларининг буйсинишини узида акс эттиради. Сув ва кишлок хужалиги фаолиятининг узага хос томони шундаки, бу ерда бошқариш нафакат сув курилиши ташкилотларида, колаверса йирик хужаликаро сугориш тизимини эксплуатация килишда, давлат мелиоратив иншоотларида, сув ресурсларидан фойдаланишда ва уни мухофаза килишда, кишлок хужалигини бошқаришда бевосита иштирок этади.

Сув хужалиги курилишида энг куп таркалган бошқариш боскичлари бош бошқарма ва бошқармалардир. Бош бошқарма таркибига курилиш – монтаж корхоналари, саноат, лойихавий – технологик ташкилотлар киради. Бош бошқарма хужалик хисобидаги ташкилот Були, у бевосита буйсунувчи ташкилотлар ва корхоналар томонидан ажратилган молиявий маблаглар хисобига фаолият курсатади.

Бош бошқармани Кишлок ва Сув хужалиги вазирлиги томонидан тайинланадиган бошлик бошқаради. Кенгаш органи хайъат хисобланади. Унинг таркибини бош бошқарма бошликлари таклифи асосида вазир тайинланади. Бошқаришда доимий хизмат курсатувчи ишлаб чикариш кенгаши ва илмий-техника кенгаши фаолият курсатади.

Бош бошқарманинг асосий вазифаси бошқарма тугрисидаги низомда атрофлича ёритилган. Бошқарма курили шва бошка турдаги ишларни

бажариш билан шугулланади. Бошкарма ишлаб чиқариш фондларидан, меҳнат, моддий-молиявий ресурслардан, самарали фойдаланиш режасининг бажарилишини таъминлайди. У уз вақтида ишлаб чиқариш кувватлари ва асосий фондлардан фойдаланиш, хужалик ва молиявий фаолият, илмий-техника ютуқларини жорий этиш, илгор тажриба, Янги техника ва қурилиш материалларини қуллаш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш учун масъул ҳисобланади.

Аксарият бош бошкарма ва бошкармалар таркибига асосий бугин сифатида қурилиш корхоналари киради. Улар хужалик ҳисоби асосида ишлайди. Корхона аппарати унга бевосита буйсунувчи ташкилотлар ва корхоналар ҳисобига фаолият курсатади. Корхоналар бажарадиган иш хажмига қараб раҳбарлар ва инженер-техник ходимлар учун иш хақи тулаш гуруҳларига булинади. Корхона структурасига мос бошқариш ходимлари учун белгиланган иш хақи, намунавий штатлар ва унга мос одимлар руйхати; сони ва ходимнинг лавозими иш хақи қуринишида аниқлананди.

Корхонанинг асосий вазифаси бош минтакавий бошкарма (бирлашма) вазифаларидан келиб чиққан ҳолда корхонанинг ихтисослашуви ва минтакавий хизматларини ҳисобга олиб аниқланади. Шу билан бирга ихтисослашган корхоналар кенг миқёсдаги вазифаларни бажаради. Аниқроғи улар қоидага қура шартномалар (бажариладиган ишлар буйича техник хужжатларни қуриб чиқади ва унга уз розилиғи билдиради, ишлаб чиқаришни режалаштиради, моддий-техника таъминотини, ҳисоб-китобни, қурилишни кадрлар билан таъминлаш ишларини олиб боради. Келажакда корхоналар хужалик ҳисобида фаолият курсатувчи йирик қуёи ишлаб чиқариш бўлинмаларига, қудратли техник ва иқтисодий бошқариш бугинига айланиши мумкин.

Ҳозирги пайтда энг қуп тарқалган қуёи бугин бошқарув ташкилотларининг унитар корхоналари (УК) ҳисобланади. Кейинги йилларда корхона таркибига қирувчи УК, КМБ (қурилиш-монтаж бошқармалари) роли узгармоқда. Бажариладиган функцияси буйича улар қупроқ хужалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш корхоналарига айланмоқда ва қурилиш ишларини корхонага қарашли объектларда олиб бормоқда. Шу билан бирга шундай УКлар борқи., улар корхонадан анча узоқда жойлашган бўлиб, қата хажмдаги қурилиш ишларини олиб боади. Улар аниқроғи корхоналарнинг функциясини бажармоқда булар ҳаммаси бошқаришнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш ва оралик бошқарув бугинларини қисқартиришни такозо этмоқда.

Қуп босқичли бошқарув структураси бошқаришнинг иқтисодий усулидан тулароқ фойдаланишга ҳалақт беради, қунқи ишлаб чиқариш

корхонаси ҳукукига фақат УК, КМБ ёки корхона эгадир. Юқори бошқарув бугинлари эса расмий хужалик ҳисобидаги ташкилотлар булиб, асосан маъмурий бошқарув асосида узларининг иш фаолиятини юритади. Бу уз навбвтида куйи боскични бошқариш самарадорлигини камайишига олиб келади. Шу билан бирга куп боскичли бошқарув оператив раҳбарликни сусайтиради, топширик, буйруқларни бажарилишини назорат килишни кийинлаштиради.

Куп боскичли бошқарув функциясининг такрорланиши куп сонли бошқарув апаратини саклаб туришга олиб келади. Хар бир бошқарув боскичида кушмча ахборотлар, буйруқлар, курсатмалар пайдо булади, маълумотлар харакати секинлашади. Бу эса пировард натижада уз вақтида керакли қарорлар қабул килишни кийинлаштиради.

Ташкилий структурани такомиллаштириш зарурияти курилиш ташкилотларини бозор иқтисодига утиши муносабати билан янада долзарб булиб қолмоқда.

Тармокни бошқариш ташкилий структуранинг такомиллашуви билан биргаликда курилиш ташкилотларининг куйи бугинларида ички хужалқ ташкилий структураси ҳам яхшиланиб бормоги лозим. Хозирги пайтда асосий курилиш булинмалари (биринчи бошқарув боскичи) ишлаб чикариш участкалари ҳисобланади. Бу булинмалар бажариладиган иш ҳажми ва объектларнинг минтакавий жойлашишига қараб ташкил этилади. Участқалар сугориш, техник, маданий ва бошқа белгилари билан ихтисослашади ҳамда уларнинг иш ҳажми техник воситалар ва ишловчи ходимлар сони билан аниқланади.

Участқани ката иш юритувчи (прораб) бошқаради. Унинг ихтиёрида прораб ва мастер булади. Хужалик ҳисобида булмаган участкада махсус ишни участка механиги, нормаллаштирувчи ходим, инженер – иқтисодчи, катта бухгалтер, бухгалтер-ҳисобчи ҳамда омборчи, техник геодезист, чизмачи бажаради.

УҚда иккинчи ички хужалик структурасини бошқариш боскичига участка иш юритувчиси (прораб) қиради.

Учинчи боскичга участка мастерлари қиради. Улар курилиш-монтаж ва умумкурилиш ишларини бажаришда – 25 ишчи, махсус ишларда – 20 ишчи ҳисобида аниқланади.

Курилиш мастерлари бригадалар учу ниш жойларини ташкил этади, ишларни бажариш буйича нарядлар беради ва уни ёпади, материалларни, иш қуролларини ҳисобдан чикаради, иш сифатини, ишлаб чикариш интизомини ва техник хавфсизлиги ишларини назорат қилади. Мастернинг масъулияти, ҳукуки ва вазифалари мастер тугрисидаги низомда курсатилган.

Туртинчи боскич – бригада (комплекс, ихтисослашган). Бригадани бригадир бошқаради. Улар бригада аъзоларининг меҳнатини ташкил этади, ишнинг бажарилиши сифатини назорат қилади ва лойиха - смета ҳужжатлари асосида ишнинг бажарилишини таъминлайди. Бригадир барча ишлаб чиқариш, иктисодий-ижтимоий масалаларни ечишда мастер билан бирга иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Бригадир курсатмасини ишчи бажариши керак. Ишни бажариш шарт – шароитдан ва узига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бригада звеноларга бўлиниши мумкин.

УК ва КМБларининг ички ташкилий структураси бир биридан фарқ қилади. Сугориш минтакаларида икки, уч, ҳатто турт боскичли бошқариш структураси мавжуддир. Асосий принцип албатта ички хужалик ташкилий структурасида имкони борича бошқариш боскичлари, кам функциялар тартибга туширилган аниқ бошқарув аппарати бўлмоғи лозим. Шу билан бирга рационал тегишли структура ҳар хил боскичдаги раҳбар ходимлари уртасидаги энг самарали алоқаларни урнатиш имконини бермоғи лозим. Хусусан, ташкилот раҳбарлари ҳамда участка бошлиқлари уртасида алоқалар самарали бошқаришни таъминламоғи лозим.

Бошқаришнинг ташкилий структура туркумлари.

Бошқаришнинг ҳар бир боскичи самараси УК ва КМБлари структурасига, аниқроғи ташкилот раҳбарлари, бўлим бошлиғи ва бошқа бўлинмалар уртасидаги алоқаларга боғлиқдир. Қурилиш ташкилотлари ташкилий структурасининг схематик равишда қуриниши тасвирлаш уни яққолроқ тасаввур этиш имконини беради. У умуман олганда ташкилий структурани ҳар бир раҳбар билиши керак, бу бошқаришнинг энг қулай шаклини танлаш ва ишлаб чиқиш, бўлинмалар уртасида бошқарув функцияларини аниқ тақсимлаш имконини беради. УК ва корхонанинг ташкилий структураси мавжуд ва лойихалаштирилган қуринишда бўлади. Ҳар бирини ҳар хил боскичларда, масалан хужалик бўлинмалари, бош бошқармалар, корхона бўйича у ёки бу бошқарув боскичларида тузиш мумкин.

Мавжуд ташкилий структурани график қуринишида тасвирлаш бўлинмалар уртасидаги алоқалар қандай ташкил этилганлигини курсатади. Агар таҳлил натижасида аниқланган алоқалар баъзи бир функциялар алоқадорлигини таъминлай олмаса ёки талаб даражасида ташкил этилмаган бўлса рационал ташкилий структура ишлаб чиқилади. Бу структура бўлинмалар уртасидаги функциялар алоқадорлигини таъминлайди ва энг кам сонли бошқарув аппаратига эга бўлиш имконини беради.

Ташкилий структурани ҳақиқий тасаввур эти шва уни такомиллаштириш учун ташкилий структура туркумларини билиш лозим.

Бунга чизикли ва чизикли-штабли, чизикли-функционал бошқариш структураси киради. Энг куп тарқалган ташкилий структура чизикли ташкилий структура ҳисобланади. Бу структуранинг моҳияти шундан иборатки, булим ва унда фаолият курсатувчи ходимлар бита раҳбарга бўйсинади. Чизикли бошқариш, масалан корхона бўйича куйидагича бошқарилади: корхона бошлиғи – бош инженер – булим бошлиғи – инженер. Бу структурада яққа ҳокимлик принципи амал қилади ва барча ходимлар бажарадиган ишлари бўйича узининг раҳбаридан курсатма ёки топширик олади.

Чизикли ташкилий структура оддий ташкилий элементлардан ташкил топган бўлиб, уни куллаш осон. Алоқа йуллари жуда қисқа ва етарли даражада самарали бўлади. Чунки раҳбарлар тезда керакли маълумотни олиш ва тегишли курсатмаларни бериши мумкин. Бу мазкур ташкилий структуранинг эгилувчанлиғи таъминлайди. Чизикли бошқариш структураси б-чизмада келтирилган.

Таъкидлаш жоизки, бошқаришнинг чизикли структураси раҳбардан ҳар томонлама чуқур билимни, тажрибани талаб этади.у чизикли структурадан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўяди. Шу сабабли бу бошқариш структураси соф алоҳида корхона, УКлардан кам кулланилади. Лекин корхона ва УК булимларида ва бўлинмаларида ундан фойдаланиш мумкин.

Бошқариш функциясининг ихтисослашуви, режалаштириш, молиялаштириш, технологик тайёргарлик ва уларнинг мураккаблашуви ташкилий структура – туркумлариани такомиллаштиришни талаб қилади. Сув хужалиғини бошқаришнинг маълум босқичида бошқаришнинг функционал структураси пайдо бўлди. Унинг моҳияти шундан иборатки, булим, лаборатория ва бошқалар уз изтисослиғи бўйича кенг бошқариш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳар бир бўлинма бошқаришнинг куйи босқичига курсатмани узи беради. Масалан, УК бошлиғи участка бошлиғига топширикларни узи беради. Булим бошлиқлари барча қарорларни УК бошлиғи билан келишиб олиши шарт эмас. Шунинг учун ҳужжатлар, қарорлар, курсатмалар ижрочига тезда етиб боради. Лекин бошқаришнинг бу ташкилий структурасида яққа ҳокимлик принципини реализация қилиш қийнлашади, чунки участкада фаолият курсатаётган ходим бир йула бир неча раҳбардан курсатма олиши мумкин. Бу курсатмалар булим бошлиқлари билан келишилган бўлиши мумкин. Бу уз навбатида куйи бугин раҳбарларининг ишни бажаришда масъулиятини сусайтиради, хусусан участка бошлиқларини шу муносабат билан функционал структурани алоҳида куллаш кам самара беради.

Чизикли ва функционал бошқариш структурасини куллаш чизикли – штабли, чизикли – функционал бошқариш структурасини пайдо булишига олиб келади. Бу структура сув хужалиги қурилиши ташкилотларида қулланилади. Масалан, корхонада қуйи бугин фақат асосий раҳбар курсатмалари асосида бошқарилади, яъни корхона бошлиги – УК бошлиги – участка бошлиги. Чизикли – штабли бошқаришнинг ҳар бир босқичида (корхона – УК – участка) масъулиятли раҳбардан ташқари махсус функцияларни (режалаштириш, иқтисодий техник, ҳисоб – китоб булинмалари) бажариш учун махсус булимлар еки мутахассилар гуруҳи ташкил этилади. Чизикли – штабли структурада охириги натижа учун хужалик раҳбари жавоб беради. Булим бошликлари фақат УК бошлиги руҳсати билан, буйруқни, курсатма ва топшириқларни, меъёрий хужжатлари ижрочиға етказди. Улар УК бошлиги олдиға режани, йуриқномани, технологик хужжатларни ишлаб чиқиш ва унинг сифати учун жавоб беради. Чизикли – штабли ташкилий структуранинг афзаллиги ҳам шундадир. Бу структуранинг тузилиш принципи 6-чизмада берилган.

Амалиёт шундан далолат берадики, чизикли – штабли структура қупинча ката УКларда, корхоналарда ва бошқармаларда қулланилади. Лекин бу ташкилий труктуранинг камчилиги ҳам бор. Қупгина функционал булимлар, лабораторияларни тузиш бошқариш аппарати ҳдимлар қупайишиға, бошқариш учун сарф қилинадиган харажатларнинг қупайишиға олиб келади. Энг такомиллашган ташкилий структура Чизикли – функционал структура ҳисобланади. У тик чизик (вертикал) буйича қуйи бугин раҳбарларига, махсус масалалар буйича функционал, яъни булим раҳбарларига буйсинишни узида акс эттиради. У чизикли ва функционал ташкилий структурада мавжуд булган камчиликлани бартараф этади.

Чизикли функционал ташкилий структурада мутахассислар курсатмалари, масалан, механик, иқтисодчи ва бошқаларнинг уз ишларига оид курсатмаларни бажариш ижрочилар учун мажбурий ҳисобланади. Функционал булинмалар фаолиятини мувофиқлаштиришни корхона бошлиги олиб боради.

Назорат саволлари

1. Бошқарув қонуни ва қонуниятларининг моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Иқтисослаштириш қонунининг моҳияти нимадан иборат?
3. Интеграция қонунининг таркибий қисмларига нималар қиради?
4. Марказлаштириш қонунининг моҳияти нималардан иборат?

5. Демократлаштириш қонунининг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат?
6. Вақт қонунининг моҳияти нимадан иборат?
7. Бошқариш принциплари нима?
8. Бошқариш принципларининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ўрни нималардан ибарат?
9. Сув хўжалигида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг аҳамияти нимадан иборат?
10. Бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлари тўғрисида нималарни биласиз?
11. Иқтисодий бошқарув тизимлари таркибини тушунтириб беринг?
12. Иқтисодий тизимлар таркиби тўғрисида изоҳ беринг.
13. Иқтисодий муносабатларни қандай тушунасиз?
14. Меҳнат воситалари нима?
15. Меҳнат предметлари нима?
16. Иқтисодий тизим билан иқтисодий қонунлар ўртасида қандай алоқалар мавжуд?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Stephen P. Robbins, Timothy A. Judge. Essentials of Organizational Behavior (14th Edition) 14th Edition. Pearson; 14 edition (January 14, 2017). ISBN-10: 0134523857. 400 pages
2. Thomas Bournaris (Editor), Julio Berbel (Editor), Basil Manos (Editor), Davide Viaggi (Editor). Economics of Water Management in Agriculture 1st Edition, Kindle Edition. CRC Press; 1 edition (August 26, 2014). International Standard Book Number-13: 978-1-4822-3840-2 (eBook - PDF)
3. Scott J. Callan (Author), Janet M. Thomas (Author). Environmental Economics and Management: Theory, Policy, and Applications (Upper Level Economics Titles) 6th Edition. Cengage Learning; 6 edition (September 26, 2012)
4. Ў.П. Умурзоқов, И.Л. Абдурахимов. Сув хўжалиги менежменти. Тошкент. “Иқтисод - молия”, I ва II жилдлар. 2008 йил. 900-бет.
5. Султонов А.С. Умурзоқов Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. ТИМИ. 2008 йил. 248-бет.

2-мавзу: Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Режа:

1. Сув хўжалиги инфратузилмаси тушунчаси, мазмун ва моҳияти.
2. Иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланиш.
3. Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш чора-тадбирлари.
4. Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмаси ривожланиши.

***Таянч иборалар:** Иқтисодиёт тармоқларида сув ресурслари, Сувни кафолатли етказиб бериш, сув истеъмолчилари уюшмаси, Сув хўжалиги тизими, менежмент, сув ресурсларини бошқариш илмий-техника тараққиёти ва сифатни бошқариш.*

Сув хўжалиги инфратузилмаси тушунчаси, мазмун ва моҳияти.

Республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб негизларидан бири сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлларины такомиллаштириш масаласидир. Ҳозирги кунда сув хўжалигида муаммолар келиб чиқишига сув хўжалиги инфратузилмаларининг техник ҳолати етарли даражада такомиллашмаганлиги, кўплаб саноат корхоналарининг комумунал-маиший хўжаликларининг сувдан самарасиз фойдаланаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Инфратузилма – ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган таркибий қисми. Сўзма-сўз ифодалаганда, инфратузилма – бу иқтисодий тизимнинг асоси, пойдевори, ички тузилмаси демакдир. «Инфратузилма» атамаси лотинча «infra» - қуйи, ости; «structura» - тузилма, жойлашув сўзларидан пайдо бўлган. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма муҳим ўрин тутди.

Сув хўжалиги инфратузилмалари-қишлоқ хўжалиги ва бошқа макроиқтисодиёт тармоқларининг ривож топиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган ирригация иншоотларидан ташкил топган фаолияти асосан истеъмолчиларни сув билан кафолатли таъминлашга қаратилган, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг қуйи тизимидир.

Сув хўжалиги инфратузилмаси таркибига дастлаб Амударё ва Сирдарё сув ҳавзаси, қолаверса сув омборлари, ирригация тизими

бошқармалари, магистрал каналлар, туманлараро каналлар, хўжаликлараро каналлар, ички хўжалик суғориш шаҳобчалари, сув тақсимловчи иншоотлар, сув ўлчагич асбоблари, очик ва ёпиқ зовурлар ва бошқа иншоотлар киради.

Ўзбекистоннинг ўз худудида ҳосил бўладиган сувнинг умумий ҳажми 8-10 млрд. м³ дан ошмайди, яъни ҳар бир гектар суғориладиган ер ҳисобига тахминан 1000 м³ сув ҳосил бўлади. Бундан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон ярим саҳро ва саҳро минтақасида жойлашганлиги сабабли ўз худудида сув танқислиги ўта кучли ҳисобланади. Демак, мамлакатимизда истеъмол қилинадиган сувнинг 80% дан кўпроғи Қирғизистон ва Тожикистон худудидан оқиб келади.

Мамлакатимиз худудида сув таъминотини яхшилаш мақсадида бир қанча йирик каналлар қурилди. Булар жумласига «Катта Фарғона», «Катта Андижон», «Катта Наманган» каналлари Фарғона водийсида, «Жанубий Мирзачўл» канали Жиззах ва Сирдарё вилоятларида, «Паркент» ва «Тошкент» каналлари Чирчиқ дарёси воҳасида қурилди. Амударё воҳасида «Қарши магистрал» канали, «Аму–занг», «Амубухоро» канали, «Қорақум» ва бошқа қатор каналлар қурилди.

Сув танқислигини қисқартириш, таъминотини яхшилаш мақсадида Орол денгизи ҳавзасида қатор сув омборлари ва бир қанча йирик каналлар қурилди.

Жаҳонда ирригация бешиги ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси ўзининг ирригация инфратузилмасига эга. Тўғонсиз, сой суви билан суғориш даврларидан ўтган мамлакат сув хўжалиги XX аср охирига келиб гидроэнергетика ва сув таъминотининг катта мажмуасига эга бўлди.

Сувдан умумий фойдаланиш ҳажмининг 85% ирригация улушига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётдаги тутган ўрни, 16 млн дан ортиқ бўлган қишлоқ аҳолиси турмуш шароитининг унга бевосита боғлиқлиги, уларнинг турмуш даражаси, даромади ва фаровонлигини ҳисобга олиб, соҳани бир меъёрда таъминлаш жуда муҳимдир.

Айни пайтда 4,3 млн гектар ерни суғориш учун ўртача 57 км³ сув олинмоқда. Сирдарё ҳавзасида 1 гектар ерни суғориш учун умумий сув истеъмоли 10,4 минг/м³ ни ташкил этади. Амударё ҳавзасида бу кўрсаткич 12,5 минг м³ га тенгдир. Сувдан оқилона фойдаланмаслик, яъни унинг самарадорлиги пастлиги суғорма деҳқончиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан биридир. Магистрал каналлардан сувнинг ер остига сизиб ўтиши, хўжалик ичидаги

суғориш тармоқларида ва бевосита суғориш жараёнидаги сув йўқотишлар – сувдан фойдаланиш самарадорлигини пасайтирувчи асосий омиллардир.

Кейинги йилларда давлат томонидан магистрал сув қувурлари самарадорлигини ошириш, сув етказиб беришни яхшилаш ва бошқа мақсадларга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Халқаро ташкилотлар ва донор мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар суғоришнинг қулай ёндашувлари ва схемалари мамлакатнинг турли ҳудудларида ирригация тизимларининг турли даражада сувни бошқариш механизмлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Бироқ уларни кенг қўламда жорий этиш учун молиявий маблағларнинг етишмаслиги ва деҳқончилик тизимидаги мавжуд муаммолар туфайли бу жараён нисбатан чекланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, йирик ирригация иншоотлари, ноёб насос станциялари, тўғонлар, каналлар ва бошқа сув хўжалиги инфратузилмалари, шунингдек, инфратузилмаларнинг эскириши, улардан фойдаланишнинг ёмонлашуви, сув узатиш ва тақсимлаш тизимининг тартибсизлиги билан қатор ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни ҳам мерос қилиб олди. Яхши ва ёмон, замонавий ва эски, такомиллашган ва эскирган сув хўжалиги инфратузилмаларининг шу тарзда бир-бирига зид равишда уйғунлашиши Ўзбекистон мустақилликка эришганда, ирригация соҳасидаги вазиятнинг қандай даражада эканлигини ёрқин ифодасидир.

Ирригация ва дренаж инфратузилмасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва фойдаланиш учун бажариладиган ишларга маблағлар ажратиш кескин камайиб, коллектр ва дренажларни таъмирлаш ҳамда тозалаш ишлари ҳажми кескин қисқарди, каналлар ва гидроиншоотларни қайта қуриш ишлари тўхтади. Сув хўжалиги инфратузилмасига хизмат кўрсатишни 191 миллиарддан (2000 йилда) 184 миллиардга (2003йилда) тушиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил октябридаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги № ПФ – 3932 сонли фармони ҳамда 2007 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги № ПҚ – 718 сонли қарорлари қабул қилиниши бу борадаги ишларни тубдан яхшиланишига ва янада жадаллашишига олиб келди.

Иқтисодиёт тармоқлари томонидан сур ресурсларидан фойдаланиш

Бугунги кунда Ўзбекистон ички дарёларнинг 11,5 км³ ва трансгегаравий дарёларнинг 42,0 км³ миқдорига оқимдан фойдаланиш имкониятига эга. Сув ресурслари ҳажмининг 84 фоизи оладиган суғориладиган деҳқончилик сув ресурсларининг энг катта истеъмолчиси ҳисобланади. Барча истеъмолчиларнинг сувдан лимит асосида фойдаланиши тенг таъминланиш тамойили бўйича амалга оширилади.

Сув билан биринчи навбатда таъминланиш устуворлиги қуйидагича:

— ичимлик ва коммунал-хўжалик сув таъминоти;

саноат;

қишлоқ хўжалик сув таъминоти;

— ҳукуматнинг махсус қарори билан тасдиқланган сув истеъмолчилари.

суғориш тизмлари ва кичик дарёлар бўйича санитар оқимлар.

Сувдан ичиш ва коммунал эҳтиёжлар учун фойдаланиш. Коммунал хўжаликнинг асосий хусусияти — фойдаланилаётган сувга, айниқса, ичимлик суви сифатига қатъий талаб қўйишида намоён бўлади. Ирригацияга алоқаси бўлмаган истеъмолчилар орасида бу тармоқ сув олиш ҳажми, қайтарилмайдиган сув истеъмоли ва аҳоли пунктлар канализацияси сувларини оқизиш бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Ҳар йили ичимлик ва коммунал эҳтиёжлар учун ирригацияга алоқаси бўлмаган тармоқлар сув истеъмолининг ярмини ташкил этадиган — 4,05 км³ ҳажмда сув олинади. Бу ўринда таъкидлаш керакки, коммунал хўжалик томонидан йилига 1,97 км³ ҳажмда қайтарилмайдиган сув истеъмол қилинади.

Ичимлик-хўжалик сув таъминотининг анчагина қисмини ер ости сувлари ташкил этади. Халқ хўжалиги мақсадлари учун олинadиган жами 6,205 км³ ер ости сувларнинг 1, 142 км³ шаҳарларнинг ичимлик-хўжалик эҳтиёжлари учун, 1,423 км³ қишлоқ аҳоли пунктлари учун фойдаланилади.

Саноат эҳтиёжлари. Республика саноати ўз эҳтиёжлари учун ҳар йили 1,2 км³, шундан атиги 0,58 км³ ҳажмдаги сув қайтарилмайди. Фойдаланилаётган сув ҳажмининг қарийб ярими сифат нуқтаи назаридан атроф-муҳитга хавф туғдирадиган саноат оқова сувлари сифатида қайтиб келади. Очiq сув ҳавзаларига 502 та саноат объекти 0,14-0,17 км³ оғир металллар тузлари, фторидлар, фенол, нефть маҳсулотлари, азот гуруҳи элементлари, биологик ва муайян соҳалар учун хос бўлган бошқа зарарли моддалардан иборат тозаланмаган оқова сувларни оқизади.

Қишлоқ хўжалик сув таъминоти. Қишлоқ хўжалик сув таъминоти қишлоқ аҳолиси хўжалик-ичимлик, коммунал-маиший эҳтиёжлари ҳамда қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини (шу жумладан, ерларни суғориш) қондиришни назарда тутди. Бу йирик сув истеъмолчиси коммунал хўжалиги муаммоларига ўхшаш, баъзан бундан жиддийроқ муаммоларга дуч келади. Ҳар йили қишлоқ сув таъминоти учун олинadиган 0,906 км³ сувдан 90 фоизи қайта ишлатилмайди. Демак, ундан пайдо бўладиган оқава сувлар ҳажми кўп эмас.

Суғориладиган деҳқончилик. Умумий сув истеъмолида ирригациянинг улуши 84 фоизни ташкил этади. Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳамда 16 млн. дан зиёд қишлоқ аҳолисининг ҳаётий таъминоти, даромадлари ва фаровонлигини шу омилга бевосита боғлиқлигини эътиборга оладиган бўлсак, тармоқни тегишли тарзда сув билан таъминлаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда ерларни суғориш учун ўртача 57 км³ сув олинади. Сирдарё ҳавзасида сув истеъмоли улуши гектарига 10,4 минг км³, Амударё ҳавзасида эса 12,5 минг км³ ни ташкил этади. Сувдан тежамкорлик билан фойдаланмаслик ва унинг самарадорлиги пастлиги суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омилдир. Паст самарадорликнинг асосий сабаблари — магистрал каналларда, ички хўжалик тармоғида ва бевосита суғориш жараёнида филтрлашув оқибатида сув йўқотилишидир. Сув манбасидан олинган сувнинг кам қисмигина мақсадли фойдаланилади.

Кейинги йилларда ҳукумат томонидан магистрал сув иншоотлари, сувни етказиб беришни яхшилашга йўналтирилган бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳалқаро ташкилотлар ва донор-давлатларнинг саъй-ҳаракатлари мамлакатнинг турли минтақаларида суғоришнинг оқилона ёндашув ва схемалари, ирригация тизимларининг турли даражасида сувни бошқариш механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган. Бироқ уларни кенг кўламда жорий этиш ишлари маблағларнинг етишмовчиги ва деҳқончилик соҳасида талай муаммоларнинг мавжудлиги туфайли чекланмоқда. Бу вақтда эса сувнинг ифлосланиш даражаси ва унинг оқибатлари барқарор тарақ-қиётга ўтиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни қийинлаштириб, тобора кескин тус олмоқда.

Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш чора-тадбирлари

Жамиятнинг ҳаётий таъминоти ва экотизимни узоқ муддатда сақлаб қолиш мақсадида мамлакатнинг сув тармоғининг бошқа соҳалар билан боғлиқ ҳолда истиқболдаги ривожланишининг учта сценарийси қабул қилинган:

— “Ёмонлашув сценарийси” (“Минимум”) — макроиқтисодий ривожланиш ва ўзгаришларнинг паст даражаси, сув инфратузилмаси ва қишлоқ хўжалигига инвестиция миқдорининг камлиги;

— “Мустаҳкамланиш сценарийси” (“Оптимум”) — ташқи инвестициялар ва иқтисодий фаолликни рағбатлантириш чоралари воситасида иқтисодиётни жадал барқарорлаштириш ва қайта қуриш;

— “Тикланиш сценарийси” (“Максимум”) — ички ва ташқи инвестициялар асосида қишлоқ хўжалиги, ирригация ва дренаж соҳаларида макроиқтисодий ривожланиш ва тузилмавий ўзгаришларнинг энг юқори даражаси.

Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан йирик ва ўта муҳим сув-хўжалик объектларини қайта тиклаш, таъмирлаш ва янги сув иншоотларини барпо этиш орқали улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича қатор қарорлар қабул қилинган.

Сирдарё ҳавзасида Арнасой сув омбори барпо этилган (энг кўп сув ҳажми 1,0 км³), шунингдек Наманган вилояти ҳажми 0,2 км³ ни ташкил этадиган Резаксой сув омборини қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур тадбирлар мажмуининг амалга оширилиши сувга бўлган эҳтиёжни қопламаса ҳам, белгиланган лимитлар доирасида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, йил давомида сувни тақсимлаш имкониятини яратади. Бу муаммолар минтақавий тус олгани сабабли республикалараро даражада ҳал этилиши лозим. Дунёнинг бошқа минтақаларида сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш тажрибасининг кўрсатишича, қисқа муддатли даврда Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш баробарида миллий даражада сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни кафолатли етказиб бериш каттагина даромад келтириши ва харажатларни оқлаши мумкин.

Суғориладиган деҳқончилик. Суғориладиган деҳқончилик аввалгидек сув ресурсларидан энг кўп фойдаланадиган, истеъмолчи ҳамда аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини таъминловчи мамлакат иқтисодиётидаги етакчи тармоқ ҳисобланади.

Суғориладиган деҳқончилик тармоғида каналлар ва суғориш майдонларидаги сув йўқотишларини камайтириш мақсадида суғориш ва дренаж тизимларини реконструкция қилиш ва унга хизмат кўрсатишни ўз ичига олган техник, сув-хўжалик ва табиатни муҳофаза этиш борасида тадбирлар мажмуи, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ва сув камчил бўлган ҳудудларни сув таъминотини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. “Оптимум” сценарийсига кўра, суғориш тизимларининг фойдали иш коэффиценти 2015 йилда 0,70 гача, 2025 йилга бориб — 0,75 гача оширилиши даркор.

Экинларни диверсификациялаш, ерга ишлов бериш, ўғитлар сифати ва уларни қўллаш тизими, ўсимликларни ҳимоя қилишни яхшилаш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда замонавий технологияларни жорий этиш орқали сувдан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқин кезда суғориш техникаси фойдали иш коэффицентини ўртача 0,69, 2025 йилга бориб эса 0,74 гача кўтариш режалаштирилмоқда.

Ичимлик ва коммунал сув таъминоти. Келажакда тармоқдаги асосий вазифа — аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сув таъминоти даражаси, меъёрлари ва эҳтиёжга қараб талабни қондирадиган марказлаш-тирилган сув таъминоти эвазига шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг коммунал-маиший эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

Келажакда тармоқнинг яқин ва ўрта истиқболдаги эҳтиёжлари қуйидагича:

яқин истиқболда — йилига 6,2 км³ (2010);

ўрта истиқболда — 8,1 км³ (2025).

Қишлоқ хўжалиги сув таъминоти. Тармоқ бўйича асосий вазифа — чорвачиликни сув билан таъминлаш, деҳқончиликнинг ишлаб чиқариш соҳасининг техник, агрохимёвий ва бошқа эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Келажакда унинг эҳтиёжлари қуйидагича бўлиши мумкин:

яқин келажакда — 1,5 км³ (2010);

ўрта истиқболда — 1,7 км³ (2025).

Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмаси ривож

Ўзбекистонда 4 млн. гектардан ортиқ суғориладиган ерлар бор. Ирригация мақсадларига сув асосан икки манбадан — Сирдарё ва Амударё ҳамда катта-кичик каналлар тармоғи орқали истеъмолчиларга етказиб берилади. Қишлоқ хўжалиги сувдан фойдаланувчи асосий

истеъмолчи ҳисобланади - сувнинг 90 фоиздан ортиқроғи ана шу тармоқ эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

Йирик хўжаликларнинг жадал тугатилиши ва кўплаб мустақил ишлаб чиқариш бирликлари — фермерлар хўжаликларнинг ташкил этилиши, илгарилари ширкат хўжаликлари қарамоғида бўлган ички хўжалик ирригация ва дренаж тизимини бошқаришда ва молиялаштиришда маълум бўшлиқнинг вужудга келиши олиб келди. Ҳукумат мазкур бўшлиқни тўлди-риш мақсадида сув истеъмолчилари уюшмаларини (СИУ) ташкил этишни рағбатлантирмоқда. СИУ мутлақо янги институт бўлмай, каттагина тарихга эгадир. Аксарият ривожланган мамлакатларда СИУ сув тизимларини талаб даражасида сақлаш ва молиялаштириш имкониятини берадиган сув истеъмолчиларининг барқарор ва самарали фаолият юритадиган ташкилоти ҳисобланади. Мазкур давлатлар тажрибаси айнан ана шу ташкилотлар ички хўжалик ирригация ва мелиорация тизимларини самарали бошқариш имкониятини берадиган ташкилотлар эканини кўрсатади. Ўзбекистонда ушбу СИУлар 1999-2000 йилларда, яъни самарасиз ишлаётган жамоа хўжаликлари ўрнига уюшмаларга бирлашган фермер хўжаликларини ташкил этиш даврида пайдо бўлган, кейинчалик ана шу хўжаликлар асосида сув истеъмолчиларининг дастлабки 13 ассоциацияси шакллантирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январидан қабул қилинган “Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сонли қарори ҳамда унда баён этилган “Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида сув-хўжалик муносабатларини бошқариш тартиби”дан кейин СИУ ташкил этиш жараёни янада жадал тус олди.

Ҳозирги вақтда СИУ моддий-техника базаси ҳам, кадрлар потенциали ҳам заифлигича қолмоқда. Шунингдек улар молиявий менежмент, сув ресурсларини стратегик бошқариш, суғориш ва коллектор-дренаж тизимини режалаштириш, хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш борасида катта тажрибага эга эмас.

СИУнинг фаолияти ўз аъзолари, яъни фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг натижаларига бевосита боғлиқдир.

Бу ўринда қуйидаги асосий муаммоларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

— СИУ аъзолари ҳисоб рақамларида ҳар доим ҳам эркин маблағлар бўлмаслиги сабабли, улар аъзолик бадалларини ва СИУнинг хизматлари ҳақини ўз вақтида тўлаш имкониятига эга эмас;

фермерларга нефть-ёқилғи маҳсулотлари, ўғит ва МТП хизмат ҳақини тўлаши учун имтиёзли, мақсадли кредитлар ажратилади. Аммо бу

кредитларда СИУ хизмат ҳақини тўлаш учун ажратилган маблағлар СИУ харажатларини қопламайди. Шу муносабат билан, СИУ аъзоларида юқори даражадаги кредиторлик ва дебиторлик қарзлари пайдо бўлади;

СИУ нодавлат ва нотижорат ташкилот сифатида қўшимча қиймат солиғидан озод этилиши керак, аммо ундан солиқ ундириб олинмоқда;

ирригация тизими ва СИУ бошқаруви мутахассислари малака-сининг пастлиги.

СИУ ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий базани таъминлаш учун СИУ фаолиятига оид, жумладан, СИУ ҳақидаги қонун, солиққа тортиш бўйича меъёрий ҳужжатлар мажмуи каби қонунчилик ва ҳуқуқий меъёрий ҳажжатлар ишлаб чиқилиши зарур.

Йилдан-йилга сув ресурсларининг мавжудлиги билан боғлиқ вазият тобора кескинлашиб бораётгани қарамай, мамлакатимизда сувни бепул етказиб бериш амалиёти давом этмоқда. Бундай ёндашув бу қадар қимматли ва зарур ресурсдан оқилона фойдаланишга рағбатлантиради дейиш қийин. Шу билан биргаликда, мазкур тамоқнинг нафақат истикболдаги ривож, балки бугунги кунда жамият эҳтиёжларини талаб таражасида таъминлаш учун ушбу соҳага катта миқдорда маблағ йўналтириш зарур. Сувдан тежамкорлик билан фойдаланишни рағбатлантириш учун жаҳондаги кўплаб давлатларда пуллик тўлов тизими жорий этилган. Турли мамлакатларда сувга бўлган харажатларни қоплаш тури ва даражасини ўша давлатларнинг шарт-шароитлари ва сув истеъмолчилари имкониятларига қараб фарқланади. Деярли барча мамлакатларда саноат-коммунал сув истеъмоли учун энг юқори тўлов миқдори белгиланган (у сув-хўжалик комплексининг ушбу соҳага хизмат кўрсатиш борасидаги харажатларини тўлиқ қоплайди). Ирригация сув истеъмолчилари эса бу борада муайян имтиёзли ҳолатда бўлиб, фойдаланиш харажатларнинг бир қисминигина қоплайди. Ўзбекистонда сувдан фойдаланишнинг пуллик хизмат турини жорий этиш борасида дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу ўринда сўз мамлакатимизда ресурс сифатида сув учун пул тўлаш хусусида эмас, уни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ хизмат харажатларининг бир қисмини қоплаш ҳақида бормоқда.

Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Республикамизда амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислохотларнинг туб негизларидан бири сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари такомиллаштириш масаласидир. Ҳозирги кунда сув хўжалигида муаммолар келиб чиқишига сув хўжалиги инфратузилмаларининг техник ҳолати етарли даражада такомиллашмаганлиги, кўплаб саноат корхоналари, комумунал- маиший хўжаликларининг сувдан самарасиз фойдаланаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Маълумки, республикамиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг асосий қисми - 4,2 млн. гектари суғориладиган ерлардан иборат бўлиб, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 фоизидан ортиғи мана шу ерлар ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон Республикасида бир йилда ўртача 67 млрд. м³ сув истеъмол қилинадиган бўлса, шундан 50 млрд. м³ да кўпроғи суғорма деҳқончилик учун сарфланади. Ҳар бир гектар суғориладиган ерга ўртача 11-12 минг м³ сув сарфланади. Агар сувнинг 20 фоизи мамлакатимизда ҳосил бўлишини қолгани эса Қирғизистон ва Тожигистон республикаларидан оқиб келишини инобатга олса, мамлакатимиз учун сув қанчалик қадрли, ундан самарали фойдаланиш, сув хўжалигини бошқаришга янгича ёндашув зарур эканлиги аён бўлади.. Шу боис ички хўжалик суғориш тармоқларини техник ҳолатини яхшилаш, замонавий суғориш тармоқлари ва иншоотлари қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва қайта тиклаш долзарб муаммолардан биридир.

Республика бўйича суғориладиган ерлар майдони ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили, сўнгги йилларда суғориладиган ерлар майдони ва лимитга нисбатан ҳақиқатда фойдаланилган сув ҳажми камайганлигини кўрсатди (1-жадвал).

Республика бўйича суғориладиган ерларни мелиоратив ва шўрланиш ҳолати ҳамда салмоғининг таҳлили, мелиоратив ҳолати яхши бўлган ерлар майдони ошганлигини ва мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлган ерлар майдони камайганлигини кўрсатди.

Сув хўжалигида мавжуд муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан кенг фойдаланиш яхши самара беради. Буларни қуйидагиларда эътироф этиш мумкин:

-сувдан оқилана фойдаланишнинг муаммоларини ҳал қилиш мақсадида менежмент, “Суғориладиган ерларнинг мелиорацияси”, “Деҳқончилик”, курсларини илғор услубларидан фойдаланиш, уларни амага ошириш зарурлигини иқтисодий асослаб бериш асосида сувдан фойдаланиш коэффицентини ошириш йўллари белгилаб беради. Бу эса экин майдонининг ҳар бир гектарига тўғри келадиган кўрсаткичларини

яхшилаш, сув сарфи, кишлок хўжалик ишлаб чиқаришининг сарф-харажатларини кескин туширади, сув ресурсларини тақчиллигини пасайтиришга таъсир кўрсатади, кишлок хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради;

- сув хўжалигида ташкилий тадбирларни ишлаб чиқиб, меҳнат тақсимоти ва кооперацияси, унинг рационал шакллари асослаб беради;

-илғор услублардан фойдаланиб, сув хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни иқтисодий жихатдан асослаб беради;

-сув исрофгарчилигига йўл қўймайдиган технологияларни (томчилаб суғориш тизими, оралатиб суғоришнинг янги услублари) уларни қўллаш соҳаларини оптималлаштириш асосида жорий этиш йўллари белгилаб беради;

-йирик насос станцияларида, сув омборлари ва гидротехник иншоотларида компьютер технологиялари ҳамда бошқа электрон техникалардан фойдаланишни кўзда тутувчи бошқаришнинг масофавий автоматлаштирилган тизими мажмуини яратиш ва жорий этиш йўллари белгилаб беради;

-турли сувни тежовчи хориждаги ва ватанимиздаги технологияларни тажрибавий асосда синовдан ўтказиш йўли билан Ўзбекистон шароитида қабул қилиш мумкин бўладиган энг самарали технологияларни республика сув хўжалигида кенг қўламда жорий этишни иқтисодий жихатдан асослаб беради;

-суғориш иншоотларини қуришнинг янги материалларини қидириб топиш, тажриба участкаларини синовдан ўтказиш, улардан суғориш тизимини эксплуатация қилишда фойдаланиш бўйича техник ҳужжатларни тайёрлаш ишларини амалга оширади.

2. Ўзбекистон Республикасида сув ресурслари чекланган. Шунинг учун сув ресурсларини бутун чора- тадбир ва усулларни қўллаган ҳолда тежаш ва самарали фойдаланиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Чунки сув ресурсларисиз халқ хўжалиги тараққиётини таъминлаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда республикада сув давлат мулки бўлиб, уни бошқарувчи ташкилотлар давлатга қарашлидир. Булар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва уларнинг тизимидаги ирригация тизими бошқармалари ҳисобланади. Бу ташкилотлар суғориш тизимларидан фойдаланишда, сув тақсимотини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунига асосланган ҳолда иш юритади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда сув ресурсларини бошқариш асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ихтиёридадир. Юқоридан пастга қараб унинг таркибида фаолият юритувчи ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, улар тизимидаги ирригация тизими бошқармалари, йирик магистрал каналлар ва сув омборлари, вилоятлар таркибида туманлараро каналлар ва сув омборлари, сувдан фойдаланувчи уюшмалари ва бошқа ташкилотлар иш олиб бормоқдалар.

Маълумки, сув ресурсларини режалаштириш ва тақсимлаш билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг тизимидаги ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, улар таркибидаги ирригация тизими бошқармалари бевосита шуғулланадилар.

Сувдан фойдаланишни режалаштириш учун суғориш мавсуми (вегетация даври) бошланишидан олдин сув истеъмолчилари ўзларининг сувга бўлган эҳтиёжларини ирригация тизими бошқармасига берадилар. Бошқарма эса ўз навбатида туманнинг сувга бўлган эҳтиёжини умумлаштириб, режа тузади ва уни ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига топширади. Ҳавза бошқармаси эса тизим бўйича сувга бўлган эҳтиёжни умумлаштириб режа тузади ва бу режани Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига топширадилар. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ушбу маълумотларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, натижада республика бўйича мавжуд бўлган сув манбаларининг имкониятини олдиндан башорат қилиб, йирик сув истеъмолчилари ва вилоятлар бўйича сув тақсимлаш ишларига киришади. Бу вазифани одилона бажариш учун вилоятлар ва ички манбалар бўйича сувнинг аниқ лимитлари белгилаб чиқилади. Манбада сувнинг кўп ёки кам бўлиши рўй берганда лимитлар миқдорини у ёки бу томонга ўзгартирилиши мумкин.

Сув хўжалигининг юқори даражада сув ресурслари билан таъминланганлиги, улардан самарали фойдаланиш, инфратузилманинг ҳолати, қишлоқ хўжалигини худудий ривожлантиришнинг стратегия ва тактикасига ҳамда сув хўжалиги иншоотларидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тадбирларни амалга оширишга катта таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш ўзига хос жиҳатдан ёндашувни талаб этади. Бунини эса ички имкониятларни инобатга олиб бозор иқтисодиёти тамойилларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони билан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ирригация тизимларини ҳавзалар бўйича бошқариш

тамойиллари асосида ер усти сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва барча даражаларда сувдан фойдаланишнинг бозор таможилларини жорий этиш вазифаси юклатилди. Ушбу фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги 320-сонли қарори билан ирригация тизимларини бошқариш маъмурий-худудий таможилдан ҳавза таможилига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларини бошқаришнинг олдинги таркибида жами 260 та ташкилотлар фаолият юритган бўлса, амалдаги таркиб эса ўз ичига 101 та ташкилотни бирлаштиради ёки улар сони 159 тага қисқартирилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги «Сув хўжалиги бош бошқармаси» зиммасига: Давлатлараро сув хўжалиги комиссияси, Амударё ва Сирдарё сув ҳавзалари, Марказий диспетчерлик хизмати, Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари фаолиятини самарали ва бозор таможиллари ҳамда механизмлари асосида ташкил қилиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

-Биринчидан, сув ресурсларининг захиралари жуда чекланганлиги.

-Иккинчидан, сув ресурсларининг худудлар бўйича турлича тақсимланганлиги.

-Учинчидан, сув ресурсларининг ҳосил бўлиши кўп жиҳатдан табиий иқлим шароитларига боғлиқлиги.

-Тўртинчидан, сув ресурсларини бошқариш давлат аҳамиятига моликлиги.

-Бешинчидан, сув хўжалигининг мавсумий характерга эга эканлиги.

-Олтинчидан, ирригация ва мелиорация иншоотларини қуриш ва таъмирлаш ишларини тўлиқ амалга ошириш, кўп жиҳатдан давлат томонидан ажратиладиган маблағлар миқдорига боғлиқлигидир.

Буларнинг барчаси ўз навбатида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди ва мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топган шароитда, уларни бошқаришга алоҳида ёндашувни ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Бугунги кунда сув хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришнинг объектив зарурияти қуйидагилардан иборат:

-иқтисодийнинг барча тармоқлари сингари сув хўжалигида ҳам бозор муносабатларининг шаклланиши;

-турли мулкчилик шаклларидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг вужудга келиши;

-сув ресурсларининг захиралари чекланганлиги боис ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг суғориш сувига бўлган талабининг ўсиб бориши;

- ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга оширишда давлат томонидан ажратилаётган маблағларининг етишмаслиги ва сув хўжалиги ташкилотларининг

Сув хўжалигини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари уни самарадорлигини баҳолашга ҳам ўзига хос жиҳатдан ёндашувни талаб этади. Бу эса ўз навбатида сув хўжалиги тизимини бошқаришга алоҳида ёндашувни тақозо этади.

4.Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги «Сув ресурсларини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан республикада ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий – ҳудудий принципдан ҳавза принципига ўтказилди. Сув ресурсларини бошқаришнинг ҳудудий принципдан ҳавза принципига ўтиш сув хўжалиги тизимида қуйидаги ижобий натижаларга эришишга олиб келди ва бир қатор имкониятларни яратди:

-бир неча маъмурий ҳудудлардан ўтадиган ирригация тизимини бир ҳавза бошқармаси билан бошқариш имконини берди;

-маълум ирригация тизими ҳавзаси учун сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, илғор технологияларни кенг жорий этиш имконини берди;

- истеъмолчиларни ўз вақтида сув билан узлуксиз таъминлаш, ирригация ва мелиорация иншоотларининг ҳолатини яхшилаш, техник ишончлилигини оширишга кенг шароит яратилди;

- сув манбаи бўйича барча истеъмолчиларни уларнинг талабига қараб

пропорционал таъминлаш имконини берди;

- истеъмолчилар бўйича сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисобини таъминлаш бўйича ягона сиёсат олиб боришни таъминлади;

-сувдан фойдаланишни режалаштириш ва тақсимлашни ҳамда бошқаришни илмий асосда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга шароит яратилди;

-сув манбаи билан сувни бевосита истеъмолчилари ўртасида ортиқча оралиқ бўғинлари бартараф этилди;

- сув хўжалиги ташкилотларида раҳбар ва ходимларнинг масъулиятини ошириш ҳамда сувдан фойдаланиш интизомига риоя қилишини таъминлади;

- бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилишни енгиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш имконини берди.

Сув хўжалигини бошқаришнинг ҳудудий принципига ўтиш натижасида сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш, сув олиш ва ундан фойдаланиш бўйича лимитларни белгилаш, сув олиш ва ундан фойдаланиш юзасидан шартномалар тузиш, сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш ва ҳужжатларда тубдан ўзгаришлар юзага келди.

Сув хужалиги ишлаб чиқаришида илмий-техника тараккиёти ва сифатни бошқариш

Илмий - техника тараккиёти деганда биз меҳнат предметлари ва курулларини узлуксиз ривожий ва тараккиётини, янги қурилиш материаллари яратишни, такомиллашган технология ва техникани жорий этишни, илгор бошқаришни, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари ва шакллари тушунамиз.

Хозирги пайтда илмий - техника тараккиётининг сифат курсаткичларидан бири шундаки, фан бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланиб бормокда, кул кучини камайтириш, меҳнатни енгиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсусот сифати ва мустаҳкамлигини оширишга ва узок вақт хизмат қилишини таъминлашга, ишлаб чиқаришни мҳанизациялаш ва автоматлашга қаратилгандир.

Илмий - техника ютуқларидан объектив зарурияти туфайли сув хужалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда фойдаланиш бир нечта сабаблар билан аникланади: илмий-техника тараккиёти қурилишнинг индустриал усуллари асосланган ҳолда ишни олиб бориш; капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, мелиорация қилинган ерларни қайтадан ишга туширишни тезлаштириш ва пировард натижада кишлок хужалигини ривожлантиришни тезлаштириш ва табиатнинг унга булган салбий таъсирини камайтириш имконини беради.

Мелиорация туб моҳиятига қура илмий - техника тараккиётининг шакли ва йуналиши ҳисобланади. Мелиорация жараёни куп қиррали булиб, у қуйидаги тадбирлар мажмуини уз ичига олади: сугориш, ерни шурини ювиш, ерни текислаш ишларини олиб бориш, сув-хаво режимини тартибга солиш, сув чиқариш, ерни маданийлаштириш, ерни тошлардан тозалаш, уни

текислаш, сугориш карталарини йириклаштириш оркали техника ва кишлок хужалик машиналаридан фойдаланишни яхшилаш, юкори унумли яйловларни яратиш, тупрокни гипслаш, сув ва шамол эрозиясига карши курашиш. Сув окимини тартибга солиш ва бошқалар. Алохида кайд этиш жоизки, мелиорациянинг барча турлари меҳнат шароитини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим роль уйнайди.

Илмий - техника тараккиёти сув хужалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда катор илмий-техника вкртиха - кидирув йшлари сув хужалиги қурилиши эксплуатация ташкилотлари- ҳамда қупгина бошқариш апарати ходимларини жалб қилиш оркали амалга йширилади. Бунда илмий - техника тараккиёти катор бир-бирига боғлиқ бугинларни уз ичига олади. Бу йуналишда қуйидаги туртта босқични алохида курсатиб утиш мумкин:

- Тегишли тармоқда фан ва ишлаб чиқаришнинг бирлигини таъминлашга қаратилган вертикал буйича илмий-техника тараккиётини бошқариш;
- Алохида олинган тармоқдарни халқ хужалигининг бошқа тармоқлари билан узвий алоқадорлиги ва боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда горизонтал буйича амалга ошириладиган илмий - техника тараккиётини бошқариш.

Шундан кейин илмий - техника тараккиётини акс эттирувчи курсатқичлар тизимини урганишга утиш лозим. Шу муносабат билан қуйидаги курсатқичлар гуруҳини ташкил этиш мумкин:

- Иқтисод қилинган жорий ва капитал харажатларни узида акс эттирувчи умумлашган иқтисодий қиймат курсатқичлари;
- Илмий - техника тараккиётининг натижавий (электр энергияни, металлни; ёқилгини иқтисод қилиш) ҳолатини баҳолашда қулланиладиган техник-иқтисодий курсатқичлар;
- Материал ва конструкцияни мустаҳкамлигини, техниканинг ишончилигини ва унинг аниқ ишлашини қафолатловчи техник курсатқичлар.

Илмий - техника тараккиётини бошқариш.

Илмий - техника тараккиёти ва унинг натижаларини қурилишга жорий этиш бу жараённи бошқаришни талаб этади. Бошқариш усуллари ичида энг муҳими режалаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш ҳисобланади.

Ўзбекистан Кишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги тизимида илмий ишларни режалаштириш ва мувофиқлаштириш бевосита илмий - техника бош бошқармаси томонидан амалга оширилади. Унинг зиммасига илмий -

таддикот институтлари фаолиятини назорат қилиш ва ташкил этиш вазифаси юклатилган. Бошқарма тугалланган илмий ишлар буйича тайёрланган таклифлардан фойдаланиш ва илмий-таддикот ишларини самарадорлигини ошириш буйича масъул ҳисобланади.

Илмий - техника тараққиётининг дастлабки босқичи истикболни аниқлаш (баҳоратлаш)дир. У қуйилган масалани ечишнинг бир нечта вариантларини уз ичига олади. Кейин ушбу вариантлардан энг маъқули танлаб олинади.

Мелиоратив қурилиш соҳасида истикболни ишлаб чиқиш қатор тармоқларда ҳужжатларга асосланган бўлиб, истикболдаги илмий - техника тараққиётини узида акс эттиради. Унга "қурилишни жойлаштириш, ривожлантириш схемаси ва унинг базази", "қурилиш - монтаж ташкилотларининг ишлаб чиқариш ва техника базасийинг ривожлантириш қурилишнинг техник даражасини ошириш, унинг қийматини қамайтиришнинг асосий йуналишлари" қабиларни қиритиш мумкин. Бу дастурий ҳужжатлар ягона техника сиёсатини яқин келажак учун аниқлаб беради.

Сув ҳужалиги қурилиши ташкилотларида илмий - техника тараққиёти тармоқларий истикболни аниқлаш орқали олиб борилади. Хусусан унга "сув ресурсларидан- оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни илмий.-техник истикболларни мелиорация оптимал тизимини аниқлаш, тупрокни эрозиядан сақлаш ва унинг унумдорлигини ошириш усуллар»" ва бошқалар қиради. Қурилиш ташкилотларида техника тараққиёти даражасини таҳлил қилиш учр!" коэффициентлар ёрдамида ҳисоб - қитоб қилинган қатор қурсатқичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунга меҳнатни механизациялаш қурсатқичини мисол қилиб қурсатиш мумкин. Бу қурсатқич механизациялаш буйича миқдорий баҳолаш имконини беради. У икки қурсатқич орқали аниқланади:

Илмий-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлган муаммо маҳсулот сифати ва меҳнат сифати ҳисобланади. Алоада таъқидлаш жоизки илмий-техника даражаси албатта сифатга таъсир этадиган маҳсулотни, техникани ва иш жойини аттестациялашда қулланилади.

Бу мавзунини урганишдан олдин сифатни бошқаришнинг объектив зарурлигини яхши англаб етмоқ лозим. Бунинарфқ қурилиш маҳсулотларини бошқариш тизими мажмуини (КМБТМ), унинг тузилиши ва фаолийати принципларини, ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш тартиб қоидаларини қилиш лозим.

Маҳсулот сифатини бошқаришнинг ягона Давлат тизими принципи туғрисида тухталиб утиш мақсадга мувофиқдир. Бу тизим сифат

курсаткичини ишлаб чиқаришни бошқариш тизими билан, яъни махсулот ҳаётий циклини уз ичига олган лойихалаштириш, қурилиш ва эксплуатация ишларини ягоналигини таъминлаш асосида олиб борилади. Сув ҳужалиги ишлаб чиқариши сифатини таъминлаш бошқариш ва ташкил этишининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Мелиоратив объектларнинг сифатини ошириш унинг узок муддат ишлашини таъминлайди, ишончилигини оширади, узлаштириш ва эксплуатация жараёнида ҳаражатларни камайтиради, капитал маблағлар самарадорлигини оширади. Мелиоратив объектларнинг талаб даражасидаги сифатига эришиш муаммоси мураккаб бўлиб уни ечиш системали ёндашишни талаб этади.

Сифатни бошқаришга қуйидагича таъриф бериш мумкин. "Махсулот сифат даражасини урнатиш, таъминлаш, сақлаш, лойихалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш жараёнида узлуксиз назорат ишларини олиб бориш ҳамда мақсадга мувофиқ равишда сифат шартига ва омилларига таъсир этишдир".

1. Нуксон ва камчиликларни тузатиш учун сарф қилинган ҳаражатлар;
2. Сифат даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар;
3. Ҳаражатлар йиғиндиси.

Бундан қуриниб турибдики, объектнинг сифати лойиха ҳужжатларини ишлаб чиқишдан бошланади, шаклланади ва фойдаланиладиган қурилиш материаллари, конструкция, буюмлар, крлаверса ишлаб чиқаришда бажариладиган ишлар сифатига боғлиқ бўлади. Объектнинг хизмат муддатига ва иш қобилиятига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири қурилиш тугагандан кейин ундан фойдаланишдир. Шу муносабат билан объектдан фойдаланиш сифати нафақат қурилган иншоотлардан бевосита фойдаланишни, балки тугри техник хизмат қурсатиш тизимини уз вақтида таъмирлаш, мелиорация тизимини ҳамда гидротехник иншоотларни такомиллаштиришни уз ичига олади.

Ҳар бир тарихий босқичда сифатга бўлган талаб аниқланади. Бу талаб фан ва техниканинг ривожланиш даражаси, иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, эришиш имкониятлари, фойдаланиш ишончилиги аниқланади. . Шу билан бирга сифатнинг усиши билан нуксонларни ва камчиликларни тузатиш учун сарф қилинадиган ҳаражатлар камаяди. Шунингдек конкрет шароит учун махсулот сифати учун оптимал талаб даражасини урнатиш мумкин . Учинчи эгри қизикдан шундай хулоса чиқариш мумкин. Махсулот сифатининг энг юқори ва паст даражаларига бир хил умумий ҳаражатлар сарфлаб эришиш мумкин . Табиийки халқ

хужалиги нуктаи назаридан истеъмолчилар энг юкори сифат курсаткичига эришиши мумкин.

Сифат куурсаткичига курилиш ишлари хажми купайиб бориши билан талаб усиб боради, чунки ишдаги кичик бир нуксон хам катга йукотишларга олиб келиши мумкин.

Сув хужалиги объектлари сифати хар хил боскичларда катор омиллар ва шароитлар таъсирида шаклланади. Лойихани ишлаб чиқиш сифати умумий талаблардан ташкари илмий янги натижаларни ва ишлаб чиқариш тажрибаларини, кабул килинган истикболли иктисодий хамда техник асосланган карорларни, жорий килинган янги технологияни, янги турдаги материаллар конструктив карорларни хисобга олишни талаб этади. Лойиха карорларини реализация килишда лойихалашнинг дастлабки боскичда барча имкониятлардан фойдаланиш, замонавий техника ва технология асосида барча курилиш ишларини имкон даражасида бажаришни талаб этади.

Курилиш ишларига талаб катор меъёрий хужжатлар оркали тартибга солиниб турилади ва аникланади. Бундан меъёрий хужжатларга (СНиП)-курилиш нормалари ва коидалари, (СН)-курйдаш нормалари, давлат стандартлари (ГОСТ, ОСТ), техник шароитлар.. (ТУ, РТИ), хар хил йуриқномалар, курсатмалар, тавсияномалар ва нихоят лойиха хужжатларининг курсатмалари киради.

Ишлаб чиқариш ишлари бажарилаётган жойларда назорат бевосита бажарувчилар, унга рахбарлик килувчилар, ишчилар, бригадирлар, мастерлар, прораб, инженер ва участка бошликлари томонидан олиб борилади.

Ишнинг натижавий сифат курсаткичларига юкори ташкилот УК, КМБ, корхона, бирлашма, бош бошкарма мутахассислари маъсул хисобланади.

Ташки назорат ва объектни кабул килишда буюртмачининг техник назорати, лойиха ташкилотининг муаллифлик назорати, сифат буйича давлат курилиш инспекцияси, ишчи кабул комиссияси, давлат кабул хайъати комиссияси иштирок этади.

Курилиш ташкилотлари томонидан ишнинг сифатини назорат килиш ва унга бахо бериш тегишли булинма бош инженери рахбарлигида олиб борилади.

Курилишнинг боскичлари ва бажарилишига караб куйидаги текширув ва назорат ишларига амал килинади:

Барча бажариладиган иш турлари буйича назорат (бригадир, ишчилар томонидан олиб борилади).

Ускуна, буюм, конструкция ва материалларга оид техник хужжатларни текшириш (прораб, мастер томонидан олиб борилади).

Х,ар бир ишни бажариш сифатини бахолаш буйича назорат (прораб, мастер томонидан олиб борилади).

Танлов-текширув (бош инженер, техник инспекция, жамоа назорати оркали олиб борилади).

Вакти-вактида олиб бориладиган танлов-текширув (корхона бош инженери, давлатнинг техник инспекцияси).

Сифатини текширишдан мақсад талаб килинган меъёрга ва лойиха маълумотларига бажарилган ишни ёки курилган объектни мое келишини аниқлашдир. Умумий ҳолда текширув куйидаги курсаткичлар оркали олиб борилади: 1) меконда объектнинг ҳолати (режа буйича); 2) иншоотнинг геометрик хажми; 3) фойдаланиладиган материалларнинг (махаллий, узи ишлаб чиққан ёки ташиб келтирган) сифати ва хусусияти; 4) иншоотни куришда материалларнинг сифати ва хусусияти, яъни детал ва конструкциялар сифати (иншоотнинг бетон ва темир бетон қисмларининг сифати, гидроизоляция химояси, филтрацияга қарши курилмалар сифати ва бошқалар), пардозлаш ва эстетик элементлар сифати.

Барча назорат ишлари аниқ ва четлашишнинг меъёрий чегараси доирасида бажарилган бўлиши лозим. Агар бажарилган ишлар четлашишнинг меъёрий даражасидан чиқиб кетган бўлса, уни тузатиш лозим бўлади. Агар тузатиш имкони бўлмаса, фойдаланишга яроқсиз деб топилади ва объект қайтадан янгиланади ёки тикланади.

Бажарилган ишлар учта курсаткич билан аниқланади: "аъло", "яхши", "қоникарли". "Аъло" баҳога. эга бўлган объектларга куйидаги талаблар қуйилади: Объект лойиханинг барча техник ва меъёрий талабларига жавоб бериши ва унга мос келиши лозим. Меъёрий курсаткичлардан четлашиш минимал бўлиши пардозлаш ишлари юқори дид билан бажарилган ва биринчи қуриқдаёқ фойдаланишга қабул қилиниши лозим. "Яхши" баҳо объект туда, лойиханинг меъёрий курсаткичларига мое равишда курилган бўлса, рухсат берилган меъёрий четлашиш уртача бўлса ва биринчи қуриқдаёқ фойдаланиш учун қабул қилинганда берилади. "Қоникарли" баҳо қурилиш лойиха меъёрий курсаткичлари чегарасидан утмаган, топширик қайта ишланган, биринчи қуриқда эмас, иккинчи, баъзидан учинчи қуриқда қабул қилинадиган объектларга берилади.

Назорат саволлари

1. Сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари.

2. Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг афзалликлари.
5. Илмий-техника тараққиётининг сув хўжалигидаги аҳамияти ва моҳияти.
6. Илмий-техника натижаларидан фойдаланишнинг объектив зарурлиги.
7. Сув хўжалигида илмий-техника тараққиётини ўзида акс эттирувчи кўрсаткичлар.
8. Илмий-техника тараққиётини бошқариш ва унинг ишлаб чиқаришда жорий этилиши ҳақидаги асосий тушунчалар.
9. Сув хўжалигида сифатни бошқаришнинг асосий йўналишлари.
10. Сифатни баҳолаш кўрсаткичлари. Сифатни назорат қилиш босқичлари.
11. Сув хўжалиги инфратузилмаси деганда нимани тушунасиз?
12. Сув хўжалиги инфратузилмаси мазмун ва моҳияти нималардан иборат?
13. Иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан қандай фойдаланилади?
14. Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш чора-тадбирлари нималардан иборат?
15. Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмаси ривожланиши бўйича қандай тасаввурга эгасиз?
16. Сув хўжалиги инфратузилмаси фаолиятини яхшилаш йўллари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Stephen P. Robbins, Timothy A. Judge. Essentials of Organizational Behavior (14th Edition) 14th Edition. Pearson; 14 edition (January 14, 2017). ISBN-10: 0134523857. 400 pages
2. Thomas Bournaris (Editor), Julio Berbel (Editor), Basil Manos (Editor), Davide Viaggi (Editor). Economics of Water Management in Agriculture 1st Edition, Kindle Edition. CRC Press; 1 edition (August 26, 2014). International Standard Book Number-13: 978-1-4822-3840-2 (eBook - PDF)
3. Scott J. Callan (Author), Janet M. Thomas (Author). Environmental Economics and Management: Theory, Policy, and Applications (Upper Level Economics Titles) 6th Edition. Cengage Learning; 6 edition (September 26, 2012)
4. Ў.П.Умурзоқов, И.Л. Абдурахимов. Сув хўжалиги менежменти. Тошкент. “Иқтисод - молия”, I ва II жилдлар. 2008 йил. 900-бет.
5. Султонов А.С. Умурзоқов Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. ТИМИ. 2008 йил. 248-бет.

3-мавзу: Ўзгариш концепцияси

Режа:

1. Ўзгариш концепцияси (concepts of change), ўзгариш моделлари, ўзгариш омиллари (драйверлари),
2. Ўзгариш тоифалари (тактик ва стратегик, шу жумладан), тўсиқлар / қаршилик, ўзгариш жараёнини бошқариш
3. Сув хўжалиги ташкилотида ўзгаришларни тушуниш

Таянч иборалар: Сув хўжалиги ташкилоти; ўзгариш концепцияси (concepts of change), ўзгариш моделлари, ўзгариш омиллари (драйверлари), ўзгариш тоифалари (тактик ва стратегик, шу жумладан), тўсиқлар / қаршилик, ўзгариш жараёнини бошқариш. Ўзгариш тизимлари (systems for change).

Самарадорлик ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Бозор шароитларида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасида, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

“Самара”, “самарадорлик”, “ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик,

илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Самарадорлик ўз-ўзидан автоматик равишда келмайди. Фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, тежамкорликка риоя қилиш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва оқилона инвестицион сиёсат самарадорликни оширишнинг муҳим омили ва йўналиши бўлиб хизмат қилади.

2. Самарадорликнинг асоси харажатларни минималлаштириш ва фойдани максималлаштиришдадир. Корхона хўжалик юритишининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар сифатида меҳнат маҳсулдорлиги, фонд қайтими ва фонд сиғими, материал сиғими, меҳнат сиғими, рентабеллик ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Самарадорлик ўз навбатида иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий самарадорликка бўлинади.

Иқтисодий самарадорлик самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар (ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, улар соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади: иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан, фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи - фойда (даромад) ўз-ўзидан юзага келмайди. Турли корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўллардан фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самарадорликка қисқа ёки узок муддатларда эришишни

мўлжаллашда асосий вазифалардан бирини бажаради. Масалан, корхона олаётган фойдасини қисқа вақт мобайнида маҳсулот сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган маблағларни камайтириш йўли билан кўпайтириши мумкин. Узоқ муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва ҳаттоки корхонанинг бозордаги ўрнини йўқотиши натижасида инқирозга учрашига олиб келиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, самара ва самарадорлик қотиб қолган категориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самарадорлик ва сифатли меҳнат туфайли корхона биринчидан, ўзининг иқтисодий барқарорлиги ва бозордаги рақобатчиликка бардош беришини таъминлайди, иккинчидан, ўз имиджини яхшилайти ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди, учинчидан, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилайти. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари қидириш, харажат ва натижаларни тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, ҳудудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъий назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади.

3. Бошқарув тизими самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳозирги кунгача нафақат сув хўжалиги корхоналари, балки барча тармоқдаги корхона ва ташкилотларда ҳам тўлиғича ўз ечимини топмаган ўта мураккаб муоммо бўлиб ҳисобланади. Мазкур муаммони услубий ва амалий ечими бошқарув фаолиятини оқилона ташкил этиш йўналишларини белгилашга муҳим замин яратади. Аксарият тадқиқотчилар ишлаб чиқаришнинг ривожланишини яқуний натижаларига бевосита бошқарувнинг таъсирини аниқлаш лозим деган фикрни илгари сурадилар, чунки жамиятда кўплаб омиллар ўзаро алоқадорликда бўлади. Лекин у ёки бу мақсадга эришишда бошқарув самараси улушини ажратиб олиш ўта мураккаблигича қолмоқда. Ушбу муаммони ечимини топишга олимлар турлича ёндошганлар. Айримлари, бошқарув самарадорлиги масаласи ечими мавжуд эмас, деган фикрни илгари сурса, бошқалари уни аниқлашда мавжуд услубиётлар (янги техника ёки капитал қуйилмалар иқтисодий самарадорлигини аниқлаш)дан фойдаланиш мумкин деган қарашларни таъкидламоқда. Учунчилари, фақатгина бошқарувнинг қуйи бўғинидаги самарани аниқлаш билан чегараланмоқда. Тўртинчилари миқдорий баҳолаш умуман мумкин эмас деган фикрни билдиришмоқда.

Бошқарув фаолияти корхона ва ташкилотларда маълум ишлаб чиқариш натижаларига эришишга қаратилган, мақсадли йўналтирилган бўлиши лозим. Шу боис ҳам бошқарув органлари ишининг сифати ва уни тўғри баҳолаш ва унга эришиш йўллари аниқ белгилаб олишга

боғлиқдир. Туғри ва аниқ қўйилмаган мақсадлар қўтилган ишлаб чиқариш самарасини бермайди.

Кенг маънода менежмент самарадорлиги деганда, фаолиятнинг якуний натижаси, корхона жамоасининг ҳаракати, чоралар мажмуи яхлитлигини тушуниш мумкин.

Бошқарув ходимлари меҳнати унумли бўлиб, бевосита ишчилар меҳнатига тенг баҳоланади, шу билан бирга сифат жиҳатидан улар меҳнатидан фарқ қилади, чунки, интеллектуал фаолият бўлиб бевосита тайёр маҳсулот яратмайди. Бошқарув аппарати ходимлари фаолияти ахборотни йиғиш, жамлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш бўйича меҳнат жараёни сифатида намоён бўлади. Шу тариқа, мақбул бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва уларни бажарилишини таъминлашга йўналтирилган ахборот жараёнлари бошқарув ходимлари меҳнати предмети бўлиб ҳисобланади.

Корхона ва ташкилотларда бошқарув фаолияти натижавийлиги, аввало, бошқарувнинг сифат жиҳатларини акс эттирувчи, самарадорлик мезонлари ёрдамида баҳоланади. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- бошқарувнинг тезкорлиги – қарорларни ўз вақтида тайёрлаш, қабул қилиш ва ижрочиларга етказиш, шунингдек тескари алоқадорлик механизмларини яхши йўлга қўйиш;

- бошқарув тизимининг ишончлилиги, ахборотни ҳаққонийлиги ва ўз вақтида тақдим этилиши, иш услуби ва қоидаларини илмий-техник тараққиётнинг замонавий даражасига мувоффиқлиги, ходимларни тайёргарлик даражаси, иш стажи ва барқарорлиги;

- бажарилаётган вазифалар сифати, техника воситалари билан таъминланганлиги;

- бошқарув тизими мақбуллиги – қарорларни қабул қилишда мақбул услубларни қўллаш даражаси, поғонавийликка (иерархия) асосланганлиги, шунингдек муайян шароитларда бошқарувни марказлашганлиги ва марказлашмаганлиги, бошқарув меъёрлари ва ҳокозолардир.

Қайд этилган мезонлар бошқарув тизими самарадорлигининг маълум жиҳатларини тавсифлаш билан бирга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари сифатида номоён бўлади. Шунинг учун уларни корхонани ишлаб чиқариш молиявий фаолиятининг якуний кўрсаткичлари билан ўзвий алоқадорликда кўриб ўтиш жоиз. Шу билан бир қаторда, бошқарув самарадорлигини баҳолаш ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисобга олиш орқали ўзининг мустақил йўналишига эга бўлиши лозим.

Ишлаб чиқаришни бошқариш тизими самарадорлигини хўжалик фаолиятининг якуний натижалари ёрдамида аниқлаш, бошқарув жараёни ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми бўлганлиги боис мураккаблик келтириб чиқаради. Шунинг учун унинг натижалари бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш самарадорлигининг бир қатор омилларини таъсири билан боғланиб кетади. Шу боис, кўриб ўтилаётган мезон бўйича бошқарув самарадорлигини баҳолаш, ишлаб чиқаришнинг муайян шароитларида тадқиқот объектини қатор кўрсаткичлар бўйича таққослаш имконини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Бошқариш объектини таққосланишини таъминлаш учун кўрсаткичлар орасидан ишлаб чиқаришни объектив иқтисодий шароитларини тавсифлаб берадиганини ажратиб олиш лозим. Мазкур шароитларни тенг таъсири шу билан бирга якуний кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш орқали, бошқариш тизимлари самарадорлигини баҳолаш мумкин.

Корхона ва ташкилотларда бошқариш самарадорлигини баҳолашни ишлаб чиқариш самарадорлиги ва бошқариш шароитларини тавсифлаб берувчи кўрсаткичлар алоқадорлигини маълум даражада акс эттирувчи, алоҳида мезонлар бўйича ҳам амалга ошириш лозим. Бошқариш самарадорлигининг асосий мезонларига бошқарув меҳнати натижавийлиги ёки унумдорлиги ва бошқарув аппарати харажатлари тежамлилигини киритиш мумкин. Бошқарув ходимлари меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг ўзига хос томонлари, бевосита аниқлаш имкони бўлмаган бошқарув фаолиятининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Демак, меҳнатни тўғридан-тўғри баҳолаш мумкин бўлган бошқарув ходимларининг индивидуал унумдорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Бошқарув ходимлари учун ушбу усул билан айрим турдаги ишлар унумдорлигини ҳисоблаш мумкин.

Раҳбар ва мутахассислар меҳнати натижаларини якуний баҳолаш билвосита корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятининг пировард натижалари орқали маълум кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бошқарув тизими тежамлилиги уни амалга ошириш учун сарфланган харажат миқдори билан тавсифланади. Лекин бошқаришга кетган харажатлар тежамлиликни баҳолашда асосий белгиловчи кўрсаткич бўла олмайди. Шунинг учун уларни ишлаб чиқаришга сарфлаган жами харажат ва бошқа кўрсаткичлар билан таққослаш зарур. Маълум харажатларни талаб этувчи ишлаб чиқаришни бошқаришда техника воситаларини қулланишнинг иқтисодий самарадорлигини алоҳида ҳисоблаш лозим.

4. Бошқарув вазифаси ишлаб чиқаришда максимал самарага эриши бўлганлиги сабабли, бошқарув тизими самарадорлиги ҳам нафақат бошқарув жараёнининг ўзида балки бошқарув объектидаги ўзгаришларда ҳам акс эттирилиши лозим. Бу ўринда ишлаб чиқаришни бошқариш

самарадорлигининг умумий мезони, бошқарув объекти олдидаги мақсадга кам харажат эвазига эришишни таъминловчи, бошқарув тизими фаолиятининг натижаси деб эътироф этиш мумкин.

Муайян шароитларда бошқарув даражаси ер, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишга таъсир кўрсатади ва шу тариқа, ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларидаги жумладан меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, фойда миқдори, рентабелликни ўзгаришига олиб келади.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш натижаларини, уларга эришиш учун сарфланган ресурслар билан таққослаш орқали тавсифланади. У натижавийлик ва иқтисодий кўрсаткичлари билан тавсифланади. Масалан, ишлаб чиқаришдаги юқори кўрсаткичлар, меъёридан ортиқ ресурсларни сарф қилиш эвазига эришилиши мумкин, иқтисод қилиш эса кам харажат ҳисобига паст ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришилади. Шундай қилиб, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш фақатгина натижавийлик ва иқтисодий кўрсаткичлари ёрдамида амалга оширилиши лозим.

Корхона ва ташкилотларни бошқаришнинг иқтисодий самарадорлигини асослаш кўп ҳолларда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш масаласининг бир қисми бўлиб ҳисобланади ва уни аниқлаш умумуслугий тамойиллар асосида амалга оширилиши лозим. Бошқарув самарадорлигини аниқлашда, натижаларга эришишга сарфланган харажатлар ҳисобга олинади. Шу билан бирга ишлаб чиқаришни бошқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, бошқарув фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқувчи ва ишлаб чиқаришни бошқариш тизими натижавийлигини баҳолашга бевосита таъсир этувчи ўзига хос хусусиятларига эга.

Бошқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш бошқарув меҳнати харажатларини тежаш, ишлаб чиқаришда бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини ошишини таъминлайди. Шунинг учун, бошқаришда техника воситаларини қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг услубий тамойиллари бошқарув самарадорлигини аниқлашнинг умумий тамойилларига асосланиши лозим. Ўзгарувчан кўплаб омилларга боғлиқ бўлган бошқарув самарадорлиги даражаси турли корхоналарда бир хил эмас, буни таққослама таҳлил ёрдамида аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, бошқарув ходимлари меҳнати унумли бўлиб, бевосита ишчилар меҳнатига тенг баҳоланади.

5. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиб бориши билан давлат ва хўжалик бошқарувининг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Бозорни бошқариш дастлаб бевосита юқори пировард натижаларга эришиш, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги тизимидаги корхоналар ўртасида

мувозанатлашган мутаносибликни ўрнатишдир. Шу муносабат билан сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув ходимларининг бошқариш жараёнидаги тутган ўрни ва аҳамияти ошиб боради. Бозор муносабатларини тартибга солиш режали – тақсимот тизими шароитида ишлаб чиқаришни бошқаришга нисбатан мураккабдир. Шунинг учун бошқариш органлари давр талабига жавоб бера оладиган функция ва талабларга, ташкилий тузилмага ва мутахассислар таркибига эга бўлмоғи лозим. Раҳбар ходимлар ишчанлик ва малакавий қобилиятлари туфайли иқтисодий субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш муаммоларини ечиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим.

Корхоналарда бошқариш тизимини такомиллаштириш, бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро таъсирини мувофиқлаштириш мақсадида дастлаб вертикал тузилма бўйича ижрочиларнинг иш фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштириш зарур.

Корхоналарда хўжалик механизмини тартибга солишдаги роли бевосита иқтисодий механизмлар ва моддий рағбатлантириш орқали ўсиб бориши лозим.

Сув хўжалиги ташкилотларида раҳбар ходимларнинг бошқариш самарадорлигини оширишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш ва уларга амал қилиш лозим:

- ташкилот раҳбарларини замонавий билимлар асосида мунтазам малакасини ошириб бориш;
- хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланиш;
- замонавий ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларини бошқарув тизимига кенг жорий этиш;
- чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш;
- бошқарувнинг замонавий, илғор технологияларини жорий этиш;
- илмий-тадқиқот ва инновацияларни жорий этиш ишларини жадаллаштириш;
- ходимларнинг ташаббусларини қўллаб – қувватлаш ва самарали меҳнатини мунтазам рағбатлантириб бориш;
- корхона мақсадига эришиш, изланиш, ўз устида ишлаши учун ходимларга имкон бориша эркинлик бериш ва зарур шарт-шароитларни яратиб бериш;
- ходимлар фаолияти назоратини бир меъёрда олиб бориш;
- корхонада соғлом психологик муҳитни яратишга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

- ходимларнинг ваколатига мувофиқ вазифа ва топшириқларни тўғри ва одилона тақсимлаш, ортиқча вазифалар ва юкламаларни ўз зиммасига олмаслик;
- ўз имконияти ва бажара олиши мумкин бўлган доирасидаги ишларни бажариш;
- бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда тизимли ёндашувдан кенг фойдаланиш;
- корхона мақсадларини ходимларнинг шахсий мақсадлари билан мувофиқлаштириш;
- бошқариш самарадорлигига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш;
- ўз меҳнатининг сифати учун ҳар бир ходимга маъсулиятни ва жавобгарликни тўлиқ юклаш.

Назорат саволлари

1. Самара нима?
2. Самарадорлик нима?
3. Бошқарув самарадорлиги деганда нима тушунилади?
4. Бошқарув самарадорлиги нималарга боғлиқ?
5. Ўзгариш концепцияси (concepts of change)?
6. ўзгариш моделлари, ўзгариш омиллари (драйверлари)?
7. Ўзгариш тоифалари (тактик ва стратегик, шу жумладан), тўсиқлар / қаршилик, ўзгариш жараёнини бошқариш?
8. Сув хўжалиги ташкилотида ўзгаришларни тушуниш?

Фойдаланилган адабиётлар

5. Stephen P. Robbins, Timothy A. Judge. Essentials of Organizational Behavior (14th Edition) 14th Edition. Pearson; 14 edition (January 14, 2017). ISBN-10: 0134523857. 400 pages
6. Thomas Bournaris (Editor), Julio Berbel (Editor), Basil Manos (Editor), Davide Viaggi (Editor). Economics of Water Management in

Agriculture 1st Edition, Kindle Edition. CRC Press; 1 edition (August 26, 2014). International Standard Book Number-13: 978-1-4822-3840-2 (eBook - PDF)

7. Scott J. Callan (Author), Janet M. Thomas (Author). Environmental Economics and Management: Theory, Policy, and Applications (Upper Level Economics Titles) 6th Edition. Cengage Learning; 6 edition (September 26, 2012)

8. Ў.П.Умурзоқов, И.Л. Абдурахимов. Сув хўжалиги менежменти. Тошкент. “Иқтисод - молия”, I ва II жилдлар. 2008 йил. 900-бет.

5. Султонов А.С. Умурзоқов Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. ТИМИ. 2008 йил. 248-бет.

4-мавзу: Инсон ресурсларини бошқариш

Режа:

1. Сув хўжалигида меҳнат жараёнларини бошқариш
2. Сув хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда кадрлар тизими

Таянч иборалар: Инсон ресурсларини бошқариш, ташкилий маданият, етакчилик (лидерлик) ва бошқарув услуги, жамоавий иш, таъсир, ўзгариш ва стресс. Бошқарув ахборот тизимлари.

Бошқарув меҳнати, товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнатини ажралмас қисми, бошқарувнинг функциялари оператив бажарилиши тўғри ташкил қилинишига боғлиқ бўлади ва ишлаб чиқариш натижасига таъсир кўрсатади. Бошқарув меҳнати ақлий, ижодий ҳарактерларни ўзида мужассам этади.

Бошқарув меҳнатининг предмети ишлаб чиқаришнинг моддий элементи эмас, балки ахборот, ҳар-хил ҳужжатлар, бошқарув ечимлари ҳисобланади. Бошқарув меҳнатида ва техник бажарувчиларнинг улуши - бу меҳнат харажатларини олиш учун ахборотни қайта ишлаш, таъминлаш ва сақлаш асосий ўринни эгаллайди.

Бошқарув мақсадга йўналтирилган жараёндек, авваламбор инсонларни бошқаришдир.

Бошқарув меҳнати бошқарувчи ҳаракатларида, бошқарув операцияларида, яъни инсонлар бошқарув жараёнида намоён бўлади. Бошқарув жараёни қўйилган мақсаддан бошланиб, вазифа ва вазифанинг ечилиши билан якунланиб, мақсадга эришиш билан тугайди. Масала

ечилгандан кейин, мақсадга эришишда, яна бошқа вазифа қўйилади, янги мақсад ва яна бошқарув жараёни бошланади.

Мақсад → ҳаракат → натижа.

Лекин бунда бошқарув жараёни назарий жиҳатдан тўғри бўлади, амалиётда бошқарув кўпгина, бир-биридан фарқланадиган жараёнларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Сув хўжалиги корхоналарида менежер меҳнати қўйидаги кўпгина масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлади:

- техник, яъни ускуналардан фойдаланиши, меҳнат шароитларини, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва ҳ.к.;
- технологик, яъни лойиҳалаштириш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш билан боғлиқ ишлар;
- иқтисодий, яъни корхона ички ва ташқи муҳитида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш;
- ташкилий, яъни ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишда бошқарув структурасини такомиллаштириш билан боғлиқ ишлар ва ҳ.к.;
- ижтимоий, яъни ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш билан боғлиқ ишлар ва ҳ.к.

Менежер меҳнати қўйилган мақсадга эришишдаги жамоа аъзоларининг ҳаракатини мувофиқлаштиришга қаратилган. У корхона ривожига асосий ўрин тутди.

Шундай вазиятлар бўлганки, бунда янги тайинланган раҳбар зарар билан ишлаётган корхонани фойда келтирадиган корхонага айлантирган. Бу шундан далолат берадики, бошқарув органи хўжалик фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Замонавий бошқарув ходимларининг ўзига хос хусусиятлари - юксак профессионализм ва ишбилармонлик хусусиятлари, бошқарув билими асослари ва иқтисодий фикр юритишдан хабари бўлиши керак. Юксак маърифатли ва маданиятли, демократик, мохирлик, халқнинг эҳтиёжини билиши керак. Бундан ташқари мақсадни кўра олиш ижтимоий муаммоларни еча олиш, жамоани бирлаштира олиш ва бир мақсадга йўналтириш хусусиятларига эга бўлиши керак.

2. Рағбатлантириш - бу инсон омилини кенг демократик асосида фаоллаштириш, унинг манфаатлари йўлида ғамхурлик қилишни бошқаришдир. Меҳнатни пировард натижасига қараб ходимларни рағбатлантириш амалга оширилади. Бунда моддий рағбатлантириш усули қўлланиладики, натижада бу катта самара беради.

Рағбатлантириш ҳар доим ҳам менежерлар учун муҳим ва эътиборли функция бўлиб келган. Бунинг муҳимлиги шундаки, менежерлар доимо ишчилар билан, одамлар билан ишлайдилар, мулоқотда бўладилар. Менежерлар ташкилотни мақсадларга эришиши учун, одамларни бирлаштириш учун уларни хулқ - атворини қандайлиги тўғрисида бир қанча маълумотларни олиш учун рағбатлантиришни амалга оширадилар.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш фаолиятининг муҳим томонини хилма-хил рағбатлантириш омилларидан фойдаланиш ташкил этади. Бу омиллар жамоани ижтимоий ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ва режаларини бажариш, биргаликда куч-ғайрат сарфлаш натижаларини ошириш соҳасидаги фаол ишларга ундайди. Бунга ижтимоий ривожлантириш ишида ташаббус кўрсатиб, яхши намунаси билан ажралиб турадиган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш киради

Ҳар бир корхона ва ташкилот ўз ходимларини маълум бир шаклда рағбатлантиради, яъни улар корхона ва ташкилотнинг мақсадларига эришиши учун меҳнат қилиб, сарфлаган вақтлари, куч-қувватлари, ақл-идроклари ўрнини тўлдирадидилар. Рағбатлантиришнинг энг кўп тарқалган ва одатдаги шакли албатта, пул билан мукофотлаш ёки иш ҳақини оширишдир. Лекин ходимларни рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам борки, булар корхонада лавозими бўйича кўтаришдир.

Шундай қилиб, ташкилот муваффақиятли ривожланиши учун кадрларни танлаш, ўқитиш, баҳо бериш ва рағбатлантириш, бошқариш, яъни мазкур жараёнларни ташкил этишнинг алоҳида усуллари, тадбирларини ишлаб чиқиши, фойдаланиши ва уларни такомиллаштириш зарур. Биргаликда олинган бу усуллар, тадбирлар, дастурлар инсон ресурсларини бошқариш тизимларидан иборатдир. Анъанавий равишда бундай тизимлар тўртта бўлиб, улар инсон ресурсларини бошқаришнинг асосий вазифаларига тўғри келади - бу тизимлар кадрларни танлаш, кадрларни ўқитиш ва малакаларини ошириш, уларга баҳо бериш ва рағбатлантиришдир. Баъзан бу сўнгги икки тизим бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли улар бирлаштирилади.

Рағбатлантириш тўғрисида кўплаб назариялар мавжуд бўлиб, улар менежерларга инсонларни самарали фаолиятини ташкил қилишда турли хил йўл йўриқлар кўрсатади.

Рағбатлантириш бу фақат бир ходимнинг ишини бажара олиш даражасига таъсир қилиш эмас, балки корхонанинг барча ходимларига таъсир қилишдир.

Рағбатлантиришнинг иккита омили мавжуд бўлиб, “истеъдод” ва “қобилият” омилларидир. Рағбатлантириш, истеъдод ва қобилият омиллари доимо ўзаро боғланишда амалга оширилади. Чунки қобилиятли ва истеъдодли ишчи ходимлар рағбатлантирилади.

Алоҳида олинган ҳар бир ходимдан самарали фойдаланиш унинг талаб қилинган ишни бажара олиш қобилиятига боғлиқдир. Қобилият дейилганда ходимда ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун касб малакасининг мавжудлиги, етарли даражадаги жисмоний куч-қувват ва чидамлилик, ўқувлилик, умумий маданият борлиги ва шу кабилар тушунилади. Масалан, олийгоҳ ўқитувчиси учун қобилият фанни дастурини билиш, талабалар руҳиятини тушуниш, тингловчилар олдида сўзлай олиши, уларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиш ва уларга маслаҳатлар бера олиш ва мураббийлик қилиш тушунилади.

Менежментнинг эволюцион босқичларида таъкидланишича, менежерлар рағбатлантиришнинг қуйидаги учта усулини қўллаганлар:

1. Аънавий усул.
2. Инсоний муносабатлар усули.
3. Инсоний ресурслар усули.

Менежерлар рағбатлантиришнинг мазкур усули орқали одамларни белгиланган тартибда бошқаришга ишонч ҳосил қилганлар.

Аънавий усул Ф. Тейлор ва бошқа илмий бошқариш мактабларининг илмий изланишлари билан боғланган бўлиб, бошланғич усул ҳисобланади. Бу усул асосан, менежерлар қандай қилиб ўз касбларини ҳамда ишчи ходимларини рағбатлантиришда иш ҳақи тизимини тўғри қўллашни кўриб чиқади.

Тажриба шуни кўрсатадики, айрим ишчилар одатда дангасароқ бўладилар ва менежерлар бу шароитни англаган ҳолда ишчиларни молиявий мукофот билан тақдирлаб, қисман бўлса ҳам уларнинг ишларига кўмак берадилар. Кўп вазиятларда бу усул самаралидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аънавий тизимлардан ташқари хорижий тажрибани ҳам ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тизимлар тадбиқ этилади, фойдада иштирок этиш, ҳиссадорлар сармоясида қатнашиш, транспорт харажатларига ҳақ тўлаш ёки раҳбар ходимларга транспорт воситаларини бириктириб қўйиш, тиббий хизмат кўрсатиш дастури, таълим дастури, турли хил суғурталар, имтиёзлар ва компенсациялар, имтиёзли қарз олиш тизими ва шу кабилар. Бу тизимдан кўплари меҳнатнинг нуфузини, шахсни ташаббускорлигини, ижодий фаоллигини, яъни унинг асослаш ўзаги турли томонларини рағбатлантиришга қаратилган.

Рағбатлантиришнинг анъанавий усули узоқ давом этмади. Э.Мейо ва илмий-тадқиқот институти ходимлари “Инсоний муносабатлар усули” устида ишлаганлар. Э.Мейо ва бошқа олимлар шунга амин бўлдиларки, менежерлар ишчиларнинг ижтимоий эҳтиёжларини билган ҳолда ҳамда уларни корхона ишини муҳим ва фойдали эканлигини ҳис қилишга даъват этиш орқали рағбатлантира оладилар.

Анъанавий усулда ишчилар томонидан ишлаб чиқилган ва ишчилар томонидан амалга ошириладиган самарали тизим орқали юзага келиши мумкин бўлган катта миқдордаги иш ҳақи натижасида бошқаришнинг ваколатларини қабул қилиш кутилади.

Инсоний муносабатлар усулида эса ишчилар раҳбарларни, уларга нисбатан маънавий муносабатда бўлишини ва уларнинг эҳтиёжига доимо диққат эътибор қилишлари натижасида бошқаришнинг ваколатларини қабул қилишлари керак.

Кейинчалик Марк Грейгор ва Маслоу каби назарийчилар ҳамда Аргрис ва Лайкрет каби илмий изланувчилар инсоний муносабатлар усулини танқид қилдилар. Бу назарийчиларнинг фикрича, ишчилар ёки уларнинг эҳтиёжларини қондириш каби омиллар билан эмас, балки ютуққа ҳамда мазмунли иш учун эҳтиёжларни қондириш мумкин. Бу ижобий ресурслар усулининг асосий мазмунини ташкил этади. Шундай қилиб ишчиларга қарорлар қабул қилиш учун ҳамда ўз вазифаларини амалга оширишлари учун маъсулиятлар берилади.

Инсон эҳтиёжларининг миқдори ва хилма-хиллиги ниҳоятда катта бўлиб, бошланғич эҳтиёжлар ажратиб кўрсатилади. Булар инсон физиологияси томонидан вужудга келтириладиган озиқ-овқатга ва бошқаларга бўлган эҳтиёжлар бўлиб, улар инсоннинг биологик тур сифатида мавжуд бўлишини таъминлайди.

Иккиламчи эҳтиёжлар ҳаётининг тажрибани ривожлантириш ва ҳосил қилиш жараёнида пайдо бўлади. Улар бирламчи эҳтиёжлардан анчагина хилма-хилроқ бўлиб, шахснинг психологик ривожланишига, турмуш шароитига, жамиятда, гуруҳда қабул қилинган ижтимоий меъёрларга боғлиқдир.

Шахс эҳтиёжларининг бутун хилма-хиллиги унинг фаолиятининг манбаини, сабабини ташкил этади. Сабаб - инсоннинг нима учун ҳаракат қилишини кўрсатувчи, фаолиятга ички ундовчи нарса бўлиб, у муайян эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқдир.

Яхши ҳақ олиб ишламайдиган мутахассис ходимнинг даромадлироқ янги иш излаши муқаррардир. Бундай ҳатти-ҳаракатнинг сабаби ишдан қониқмаслик, бажараётган вазифаларига қизиқишнинг пасайганлиги,

эхтимол, бошлиқ билан муносабатларининг бузилиши, жамоадаги шароитнинг ўзгарганлиги ва ҳамкасблари билан муносабатларида кескинликнинг кучайганлиги ва бошқа сабаблар бўлиши мумкин.

Бу барча ҳолларда мутахассис ходимлар ҳулқ-атворининг ҳақиқий сабабларини ўрганиб бориш ўз навбатида яхши ходимдан ажралиб қолишнинг олдини олиш, жамоадаги эҳтимол тутилган низони олдини олиш имконини беради.

3. Бугунги кунда кадрлар фаолиятини баҳолашда аттестация усули кенг тарқалган. Ушбу аттестацияни ўтказиш учун раҳбар буйруғи билан раис, котиб ва бошқалардан таркиб топган аттестация комиссияси тузилади. Ушбу комиссия таркибини юқори малакали мутахассислардан, имтихон бўлаётганларнинг бевосита раҳбарларидан, юқори малакали ишчилардан ва жамоа ташкилотлари вакиллари ташкил этади. Аттестация бўлаётган ҳар бир кишига ўзининг раҳбари тавсифнома тузади, бу тавсифномада ўша кишининг ижтимоий ва иш фаолияти ўз аксини топади.

Аттестация бўлаётган ишчи аввалдан тавсифнома билан танишиши шарт. Комиссия ушбу материалларни кўриб чиқади, аттестация бўлаётган кишини тинглайди ва қарор қилади:

- а) Эгаллаб тўрган лавозимига лойиқ.
- б) Шартли ўтди, 6 ойдан сўнг қайта аттестация қилинади.
- в) Эгаллаб тўрган лавозимига нолайиқ.

Комиссия баъзи ишчиларни мартабасини юксалтиришга ва баъзи хизматлари учун тақдирлашга ва бошқа ишга ўтказишга тавсия қилиши мумкин.

Менежерларнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини яна ҳам объектив баҳолаш учун аттестациядан ташқари бошқарув амалиётида уч гуруҳга бўлинадиган турли хил усуллар қўлланилади:

1-гуруҳ. Ходимнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини баҳолайдиган, субъектив характерга эга бўлган таъриф берувчи ёки сифат усулларини ўз ичига олади. Уларга «кадрлар ҳисоб варағи» ва «Таржимаи ҳол» бошқарувчи талабига даъвогарлик қилувчи талабгорнинг «Таржимаи ҳол» тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш, раҳбарлардан шу ходим ҳақида маълумот йиғиш киради.

2-гуруҳ. Ходимнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини етарли даражадаги объективликдан миқдорий баҳосини аниқлаш таъминлайди. Энг кўп тарқалган усул балл бўйича баҳолаш усулидир. Бу усул бўйича ходимнинг ҳар бир бажарган вазифаси ва эришган ютуқларига қараб баллар қўйилиб борилади ва унинг ўртача балл чиқарилиб аниқланади.

3-гуруҳ. Юқоридаги 2 та гуруҳни, яъни таъриф берувчи ва миқдорий усулларни ўз ичига олади. Улардан энг кўп тарқалгани тест усули бўлиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган масалалар натижаларига қараб баҳо берилади. Раҳбарлар ва мутахассисларнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини балл бўйича баҳолаш учун ходим хусусиятларини балл бўйича баҳолаш ёки аттестация ўтказиш билан аниқлаш мумкин. Бунинг учун ходимнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини баҳолаш учун энг камида 2 та қўл остидаги ишчиси, 2 та раҳбари ва 2 та ҳамкасбини баҳолашларини ҳисобга олишади. Охирги натижавий баҳони комиссия беради. Кадрларни баҳолаш мезони битта бўлиши керак, яъни аниқ бажарилган ишлар.

Аттестация раҳбар ходимларнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини баҳолаш усули бўлиши билан бирга уларни қайта тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Раҳбар ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш - бу таълимнинг илмий асосланган тизими бўлиб, маълум соҳада фаолият кўрсатиш учун билим, тажриба ва йўл-йўриқ кўрсатади.

Ҳозирги вақтда бозор иқтосодиётига ўтиш шароитида кадрларнинг сифатига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бошқарув ходимларининг сифатини аниқлашнинг муҳим жиҳатларидан бири уларнинг фаолиятини баҳолашдир. Чунки бу ишда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайёрлаш асосий масала ҳисобланади. Бошқарув ходимларини баҳолашда, танлаш, жой-жойига қўйишда қуйидаги сифатларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим:

Биринчи гуруҳ - умум ижтимоий сифатлар - бу инсонда мужассамлашган сифат ҳисобланади. Бунга:

- тартиблилик;
- инсонийлик;
- сиполик;
- талабчанлик;
- одиллик;
- қатъийлик;
- мулоҳазалик;
- мардлик;
- ўзини - ўзи идора қила олишлик;
- одамларга ғамхўрлик.

Иккинчи гуруҳ - касбий сифатлар. Бунга:

- соҳаси бўйича фикр юритишнинг тизимлилиги;
- тадбиркорлик;
- ишчанлик;

- ҳаракатчанлик;
- касбга лаёқатлилиқ;
- амалий тажрибага эгаллик;
- касбга доир махсус билимларга эгаллик.

Учинчи гуруҳ - табиий – генетик сифатлар. Бунга:

- соғлиқ –саломатлик;
- жисмоний бақувватлик;
- жўшқинлик;
- чаққонлик;
- серғайратлик;
- серҳаракатлик.

Тўртинчи гуруҳ - педагогик сифатлар: Бунга:

- маслаҳат бера олишлиқ;
- кўрсатма бера олишлиқ;
- насиҳат бера олишлиқ;
- ҳар бир ходим кўнглига йўл топа олишлиқ;
- самарали ишни маънавий рағбатлантира олишлиқ;
- жамоани ўзига ишонтира олишлиқ;
- етакчилиқ қила олишлиқ.

4.Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув меҳнати ташкил этишда бошқарув аппаратидаги ҳар бир ижрочининг иши чекланган ва нисбатан бир турда бўлишига эришиш талаб қилинади. Бу меҳнат унумдорлиги ортиши, иш сифати яхшиланиши ва ҳар бир ижрочи тажрибаси ортиб боришига имкон яратади. Ихтисослашувни мажбуриятлар доирасини шундай белгилаш лозимки, бунда ҳар бир ишловчи масаласи имкони борича тўлиқ ишга солинсин.

Меҳнатни кооперация қилиш бошқарув ташкилотлари билан бошқарув аппарати турли бўлинмалари ходимлари ўртасида алоқа ўрнатилишини кўзда тутди. Бошқарув жараёнида, ҳам шу корхонада, ҳам ундан ташқаридаги алоҳида ходимлар, хизмат ва бўлинмалар фаолияти бирлаштирилади.

Раҳбар ходимлар меҳнати тақсимлаш ва кооперация қилиш йўллари таркибий бўлинмалар ҳақида қоидалар ва бошқарув аппарати ходимлари лавозим қўлланмаси томонидан белгиланган бўлади. «Корхоналар тўғрисида» ги қонун асосида корхона ва унинг бўлинмаларида ҳар бир раҳбар, мутахассис ва техникавий ижрочи учун лавозим қўлланмалари ишланади. Лавозим қўлланмалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари яқка бошчилиқ тамойили асосида мансабдор шахсларнинг бўйсунуши, топширилган вазифа учун жавобгарлиги белгиланади.

Лавозим қўлланмалари ва қоидалар даврий равишда қайта курилиб, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарув жараёнлари такомиллашиб борганлигини ҳисобга олган ҳолда тузатилиб, тўлдирилиб борилиши керак.

Бошқарув аппарати меҳнати учун санитар-гигиена меъёрлари, шунингдек меҳнат ва дам олиш тартибларини ҳисобга олган ҳолда шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат унумдорлигига - психологик омил, ходимлар ва раҳбар, шунингдек ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Уларнинг кайфияти, меҳнат фаоллиги, охир натижада меҳнат натижалари бу омилга боғлиқ бўлади.

Бошқарув самарадорлиги асосан раҳбар ўз вазифасини қанчалик муваффақиятли бажариш билан боғлиқ бўлади. Ҳозирги давр бошқарув меҳнати ва бошқарувни ташкил этишнинг янги илмий ва техникавий ечимлари, усулларини қўллаши, ишлаб чиқариш имкониятларини иқтисодий равишда кенгайтириши лозим. Менежер ҳам ташкилотчи, тарбиячи, ҳам изланувчи, маъмуриятчи сифатларига эга бўлиши керак.

Раҳбар ходимлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар мураккаблиги ва жавобгарлик ортиши бажариладиган ишлар турли - туманлиги улардан вақтни унумли тақсимланиши талаб қилади. Ўз фаолиятини режалаштиришни билмайдиган, фақат жорий масалалар билан шуғулланувчи раҳбар ходимлар фақат бошқарув жараёнида вужудга келувчи у ёки бу вазият натижаларини таҳлил қилишгагина улгуриб, келажакда қилиниши лозим бўлган ишларни ҳал этиш учун вақт тополмай қоладилар.

Раҳбар ходимлар фаолияти мақсадини белгилашда аввало ундан юқорироқ бошқарув тизими олдида турган вазифалардан келиб чиқиши лозим, чунки акс ҳолда бутун тизим фаолиятига тўғри келмайдиган (ёки қарама-қарши) иш кўриши мумкин.

Раҳбар иши суръатининг тезлиги унинг меҳнат фаолияти тўлақонли дам олиш билан, шунингдек иш куни давомида меҳнат турлари алмашилишини талаб этади, чунки фақат шундай қилинганда меҳнат юқори самарали бўлиши, иш қобилияти тўлиқ тикланиши мумкин.

Раҳбар ходимлар меҳнатида мақбул иш суръатини, улар амалга оширувчи ҳаракатларнинг доимий тартибини ўрнатиш жуда муҳимдир.

Мутахассис эгаллаган билимлар тез эскиргани сабабли, уни доимо такомиллаштириб бориш лозим. Агар раҳбар ўз билимини такомиллаштириб бормаса, эски билимларига таяниб қолиши, ишлаб чиқариш бундан зарар кўриши мумкинлигини тажрибада кўриш мумкин. Олинган махсус билимга доимо тўлдирилиб борилиши лозим бўлган асос сифатида қараш керак. Бозор муносабатлари шароитида техник маълумотга

эга бўлган ишлаб чиқариш раҳбарлари айниқса, иқтисодиёт, маркетинг, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш масалаларини чуқур ўрганишлари керак.

Ўз дунёқарашини кенгайтириш бўйича мустақил ишлаш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Сув хужалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда кадрлар тизими

Ходим — бу ижтимоий-иқтисодий ёки бошқарув операцияларини бажарувчи, меҳнат воситаларидан фойдаланган ҳолда меҳнат ашёларини қайта ишлаш билан банд кадрдир.

Бошқарув кадрлари замирида профессионал (касб) фаолияти тўла ёки қисман ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ ходимлар тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кадрлар ўрни ғоят ўсиб бормоқда. Бу бошқарувни демократлаштириш, бошқарувнинг турли ташкилий – ҳуқуқий шаклларига ўтиш (хусусий, кичик, кўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари ва бошқалар) билан, мустақил бошқарув қарорини қабул қилишга қадар замонавий раҳбар ва мутахассисларни тайёрлаш, «инсон омили»нинг ўсиши билан боғлиқдир.

Мустақиллик шароитида яқка ҳокимликдан демократик бошқарувга ўтилди. Бироқ бу бозор ходим билан ишлашга жиддий таъсир кўрсатди. Яқкабошчилик, қатъий (қаттиққўллик билан) бошқарув ва назорат; адолат; амалий ва дўстона муносабатларни аниқ ажратиш; максимал даражада кўп ва иштиёқ билан ишлаш ходимларнинг ҳам шундай ишлашларига эришиш; ўз интуициясига ишониш; корхонани омадсизлар макони билан чалкаштирмаслик.

Бошқарув ходими икки асосий гуруҳга: раҳбарлар ва мутахассисларга бўлинади.

Раҳбарларнинг мутахассислардан асосий фарқи, қарорлар қабул қилиш ҳамда барча ходимларнинг бўйсунинининг юридик ҳуқуқи билан ифодаланади.

Бошқарувнинг барча функциялари бўйича қарор қабул қилиш учун жавоб берадиган йўналиш раҳбарлари ва бошқарувнинг айрим функцияларини амалга оширувчи функционал раҳбарлар ҳам фарқ қилинади.

Бундан ташқари, корхона бошқарувининг юқори даражадаги (раҳбар ва унинг ўринбосарлари), ўрта даражадаги (бўлим бошлиқлари) ва куйи даражадаги (участка бошлиқлари ва мастерлар) раҳбарлар фарқ қилади.

Мутахассисларни меҳнатлари натижаларига кўра уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

Функционал мутахассислар, фаолиятлари натижаси бошқарув ахбороти ҳисобланади (иктисодчилар, бухгалтерлар, молиячилар, маркетинглар ва бошқалар).

Мутахассис-инженерлар, уларнинг фаолиятлари натижасида конструктор-технологик ёки техника, ишлаб чиқариш технологияси жабҳасидаги лойиҳа ахбороти (технологлар, инженерлар, конструкторлар, қурувчилар, лойиҳа тузувчилар ва бошқалар) ҳисобланади;

Хизматчилар – техник мутахассислар (операторлар, дастурчилар, курьерлар ва бошқалар), улар бошқарув жараёнида ёрдамчи ишларни бажарадилар.

2. Ҳозирги вақтда, бозор иқтисодиёти шароитида сув ҳўжалиги ташкилотларида бошқарув кадрларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу биринчи навбатда бошқарувни демократизациялаш билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан турли ташкилий – ҳуқуқий бошқарув шаклига ўтиш билан, замонавий раҳбар мутахассисларни тайёрлашнинг аҳамиятини ошириш билан ва ниҳоят ходимларни ижтимоий талабини тушуниб етиш билан боғлиқдир.

Бошқарув кадрлари тушунчаси икки, жумладан, кадрлар сиёсати ва кадрлар билан ишлаш тушунчалари ўзвий боғлиқдир.

Кадрлар сиёсати - бу керакли амалий, профессионал ва ишбилармонлик хусусиятларига эга, бошқарувнинг юқори малакали кадрларини тайёрлаш, қайта таайёрлаш, танлаш ва таркибини мунтазам такомиллаштириб боришдан иборат.

Кадрлар сиёсати ўз стратегияси ва тактикасига эга.

Кадрлар стратегияси корхона ривожининг муайян босқичида кадрлар билан ишлашнинг асосий мақсадлари, вазифа ва воситаларини белгилаб беради.

Кадрлар иши тактикаси кадрлар билан ишлаш, аниқ шароитларда кадрлар сиёсати тамойилларини изчил амалга оширишни ташкил этади. Бу - кадрларни тўғри танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, бошқарув кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдир.

Кадрлар билан ишлаш тизимли ёндошувга асосланиш зарур. Бошқарув ходими билан ишлаш шакллари, усуллари, йўналиш ва мезонлари *кадрлар иши тизимини яратади*.

Кадрлар билан ишлаш, режалаштириш, ташкил этиш ва кадрларни саралаш, жойлаштириш, тайёрлаш, уларни жойини ўзгартириш ва кўтаришга раҳбарлик қилишни ўз ичига олади.

Кадрлар ишининг тактикаси деб кадрлар билан бўладиган ишга айтилади. Бу ерда ҳозирги аниқ шароитда кадрлар сиёсатини маълум тартибда амалга ошириш қоидалари кўзда тутилади.

Кадрлар билан бўладиган ишни самарадорлиги мақсадида тизимли ёндашуви асосланмоғи керак. Кадрлар иши тизимини бошқарув ходимлари билан бўладиган ишни шакли, усули йўналиши ва ўлчовларининг бирлашмаси ташкил қилади. Кадрлар билан бўладиган иш: кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бир жойдан иккинчисига ўтказиш ва уларни юқори лавозимларга кўтариш, ишларини режалаштиришни ташкил қилиш ва раҳбарлик қилиш ишларини ўз ичига олади.

3. Сув хўжалиги ташкилотларида ходимларни режалаштириш ташкилот манфаатлари нуқтаи назаридан ҳам, унинг ходимлари манфаатларини кўзлаб ҳам амалга оширилиши лозим. Ташкилот учун керакли вақтда, керакли ўринда, зарур миқдорда ҳамда тегишли малакага эга бўлган шундай ходимларга эга бўлиш муҳимки, улар ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилиш, унинг ўз мақсадларига эришиши учун зарур бўлади. Ходимларни режалаштириш юқори меҳнат унумдорлигини қўлга киритиш ва ишдан қониқиш ҳосил қилиш учун шарт-шароитлар яратиб бериши лозим. Одамларни биринчи навбатда, ўз қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлари мавжуд, юқори ҳамда доимий иш ҳақи олиб туриш кафолатланган иш ўринларига эга бўлган корхона ва ташкилотлар жалб қилади. Ташкилотдаги барча ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ходимларни режалаштириш вазифаларидан бири ҳисобланади. Ходимларни режалаштириш ташкилотдаги умумий режалаштириш жараёнига қўшилиб кетган тақдирдагина самарали бўлади.

Ходимларни режалаштириш ходимлар билан ишлашнинг тезкор режасида бирлаштирилган ва ўзаро бир-бири билан боғланган бутун бир тадбирлар мажмуини амалга ошириш орқали рўёбга чиқарилади.

Кадрлар ишининг асосий масаласи – унинг таркибини такомиллаштиришдир. Бозор иқтисодиёти шароитида сув хўжалиги ташкилотларида раҳбар ва ходимлар ишини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

Биринчи йўналиши. Кадрлар сиёсатини тубдан такомиллаштириш – бу бошқарув аппаратида банд бўлган ходимлар сонини қисқартиришдан иборатдир. Бизнинг маълум соҳалардаги бошқарув тизимимизни самарасизлигини, бошқарув тизимини оператив ишламаслигининг асосий сабаби – уни сифатини такомиллашмаганлигидадир. Бу иш тизимни сонидан эмас, балки сифатини ўзгартириш заруратидадир.

Иккинчи йўналиш – бу замонавий бошқарув ходимларини, яъни янги турдаги иқтисодий фикр юритувчи субъектларни тайёрлаш. Бу бозор иқтисодиёти шароитида янги турдаги муносабатни, яъни эркин тадбиркорлик муносабатини кўзда тутати. Бу муносабатларга раҳбарлик идораларини

аралашуви аввалга қараганда камроқ бўлади. Бозор муносабатларини шаклланишида ишбилармон раҳбарларнинг сифатлари, жумладан тадбиркорлик, маркетинг, кичик бизнесни бошқариш ва ҳоказолар биринчи даражали вазифасини ўтайди.

Учинчи йўналиш – кадрлар захираси билан ишлашда янги услубларни шакллантириш ва ривожлантириш (танлов эълон қилиш ва бошқа усуллар орқали энг яхши номзодни танлаш).

Тўртинчи йўналиш – бу раҳбар ва ходимларни иқтисодий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш. Бу йўналишни моҳияти шундай иқтисодий дастакларни, яъни зарур ҳаётий шароитларни яратиш (уй-жой бериш, юқори маош тайинлаш ва ҳоказо) натижасида раҳбар ва ходимларни иш самарадолигини оширишдан иборатдир.

Бешинчи йўналиш – бу бошқарув амалиётига меҳнатни илмий асосида ташкил қилишни жорий қилиш, турли фан мутахассисларини, турли тармоқ илмий ходимларини, раҳбарларни ўқитиш учун жалб қилишдан иборатдир.

Олтинчи йўналиш–бу бошқарув ходимларини меҳнатини компьютерлаштириш. Бу ходимларни бир хилдаги, такрорланувчи катта ақлий иш талаб қилмайдиган ҳаракат ва операциялардан озод этишдир. Шунга мувофиқ инсон ҳам шунинг ҳисобига ижодий меҳнат қилиш имконига эга бўлади.

Замонавий бошқарув ходимларининг характерли хусусиятлари - юксак профессионализм ва ишбилармонлик хусусиятлари, бошқарув билими асослари ва иқтисодий фикр юритишдан хабари бўлиши керак. Юксак маърифатли ва маданиятли, демократик, мохирлик, халқнинг эҳтиёжини билиши керак. Бундан ташқари мақсадни кўра олиш ижтимоий муаммоларни еча олиш, жамоани бирлаштирира олиш ва бир мақсадга йўналтириш хусусиятларига эга бўлиши керак.

4.Бошқарув меҳнатини ташкил этишда бошқарув аппаратидаги ҳар бир ижрочининг иши чекланган ва нисбатан бир турда бўлишига эришиш талаб қилинади. Бу меҳнат унумдорлиги ортиши, иш сифати яхшиланиши ва ҳар бир ижрочи тажрибаси ортиб боришига имкон яратади. Ихтисослашув мажбуриятлар доирасини шундай белгилаш лозимки, бунда ҳар бир ишловчи масаласи имкони борича тўлиқ ишга солинсин.

Меҳнатни кооперация қилиш бошқарув ташкилотлари билан бошқарув аппарати турли бўлинмалари ходимлари ўртасида алоқа ўрнатилишини кўзда тутати. Бошқарув жараёнида, ҳам шу корхонада, ҳам ундан ташқаридаги алоҳида ходимлар, хизмат ва бўлинмалар фаолияти бирлаштирилади.

Раҳбар ходимлар меҳнатини тақсимлаш ва кооперация қилиш йўллари таркибий бўлинмалар ҳақида қоидалар ва бошқарув аппарати ходимлари лавозим қўлланмаси томонидан белгиланган бўлади. «Корхоналар

тўғрисида» қонун асосида корхона ва унинг бўлинмаларида ҳар бир раҳбар, мутахассис ва техникавий ижрочи учун лавозим қўлланмалари ишланади. Лавозим қўлланмалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари якка бошчилик тамойили асосида мансабдор шахсларнинг бўйсунуши, топширилган вазифа учун жавобгарлиги белгиланади.

Лавозим қўлланмалари ва қоидалар даврий равишда қайта қурилиб, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарув жараёнлари такомиллашиб борганлигини ҳисобга олган ҳолда тузатилиб, тўлдирилиб борилиши керак.

Бошқарув аппарати меҳнати учун санитар-гигиена меъёрлари, шунингдек меҳнат ва дам олиш тартибларини ҳисобга олган ҳолда шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат унумдорлигига - психологик омил, ходимлар ва раҳбар, шунингдек ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Уларнинг кайфияти, меҳнат фаоллиги, охир натижада меҳнат натижалари бу омилга боғлиқ бўлади.

Бошқарув самарадорлиги асосан раҳбар ўз вазифасини қанчалик муваффақиятли бажариш билан боғлиқ бўлади. Ҳозирги давр бошқарув меҳнати ва бошқарувни ташкил этишнинг янги илмий ва техникавий ечимлари, усулларини қўллаши, ишлаб чиқариш имкониятларини иқтисодий равишда кенгайтириши лозим. Менежер ҳам ташкилотчи, тарбиячи, ҳам изланувчи, маъмуриятчи сифатларига эга бўлиши керак.

Раҳбар ходимлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар мураккаблиги ва жавобгарлик ортиши бажариладиган ишлар турли - туманлиги улардан вақтни унумли тақсимланиши талаб қилади. Ўз фаолиятини режалаштиришни билмайдиган, фақат жорий масалалар билан шуғулланувчи раҳбар ходимлар фақат бошқарув жараёнида вужудга келувчи у ёки бу вазият натижаларини таҳлил қилишгагина улгуруб, келажакда қилиниши лозим бўлган ишларни ҳал этиш учун вақт тополмай қоладилар.

Раҳбар ходимлар фаолияти мақсадини белгилашда аввало ундан юқорироқ бошқарув тизими олдида тўрган вазифалардан келиб чиқиши лозим, чунки акс ҳолда бутун тизим фаолиятига тўғри келмайдиган (ёки қарама-қарши) иш кўриши мумкин.

Раҳбар иши суръатининг тезлиги унинг меҳнат фаолияти тўлақонли дам олиш билан, шунингдек иш куни давомида меҳнат турлари алмашилишини талаб этади, чунки фақат шундай қилинганда меҳнат юқори самарали бўлиши, иш қобилияти тўлиқ тикланиши мумкин.

Раҳбар ходимлар меҳнатида мақбул иш суръатини, улар амалга оширувчи ҳаракатларнинг доимий тартибини ўрнатиш жуда муҳимдир.

Мутахассис эгаллаган билимлар тез эскиргани сабабли, уни доимо такомиллаштириб бориш лозим. Агар раҳбар ўз билимини такомиллаштириб

бормаса, эски билимларига таяниб қолиши, ишлаб чиқариш бундан зарар кўриши мумкинлигини тажрибада кўриш мумкин. Олинган махсус билимга доимо тўлдирилиб борилиши лозим бўлган асос сифатида қараш керак. Бозор муносабатлари шароитида техник маълумотга эга бўлган ишлаб чиқариш раҳбарлари айниқса иқтисодиёт, маркетинг, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш масалаларини чуқур ўрганишлари керак.

5. Кадрлар захираларини режалаштириш ходимларни лавозимлар буйича кутариш ва у билан боғлиқ булган тадбирларни ишлаб чиқиш истикболли мақсадни аниқлашни талаб этади. У ходимларнинг ишдан кетиши, лавозимлар буйича кутариш каби масалаларни уз ичига олади.

Захирага номзодларни танлашнинг асосий критерияси куйидагилардан иборатдир;

- Касб тайёргарлиги ва билим даражасининг мос келиши
- Одамлар билан ишлаш тажрибаси;
- Ташкилотчилик қобилияти;
- Шахсий сифатлари;
- Соғлиги ва ёши;

Кадрлар захирасини шакллантириш манбалари куйидагилар ҳисобланади: малакали мутахассислар; булинма раҳбарлари муовинлари; паст бугинда раҳбарлик лавозимида фаолият курсатаётган ходимлар; ишлаб чиқаришда ишчи сифатида ишлаб келаётган ходимлар.

Ташкилотларда кадрларни танлаш ва кадрлар захирасига киритиш буйича маълум тартиб таркиб топган. Номзодларни танлаш рақобат асосида олий маълумотли, ишлаб чиқаришда узини курсата олган тажрибали мутахассислар уртасида утказилади.

Мехнат ресурсларини бошқариш вазифалари ва моҳияти ташкилий-техник, иқтисодий, маъмурий, ижтимоий - психологик ва ғоявий тадбирлар мажмуини узиди акс эттиради ва корхонани малакали мутахассислар билан таъминлаш ва улардан самарали фойдашишига қаратилган булади.

Мехнат ресурсларини бошқариш" раҳбарликнинг барча босқичларида амалга оширилади. Сув хужалиги корхоналарида бундай бошқаришнинг бош бугинлари, яъни мехнатни ва иш хақи ташкил этиш, кадрлар ва уларни тайёрлаш юкори ташкилотлар ҳисобланади.

Мехнатни бошқаришнинг асосини уни режалаштириш ташкил этади. Мехнат буйича режа таркибига мехнат-унумдорлигини ошириш, махсулот таннархини камайтириш, кул кучи билан бажариладиган ишлар ҳажмини қискартириш, ишчи кучининг чекланган сони буйича топширик ва бошқалар

киради. Шу билан бирга иш вақтидан- фойдаланишни бошқариш, меҳнатни меъёрлаштиришни ҳамда уни ташкил этишни бошқариш, меҳнат интизоми ва иш сифатини бошқариш ишлари олиб борилади.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш нафақат ички ишлаб чиқариш ва тармоқларда ишчи кучларидан фойдаланишни, балки тармоқдараро ва ҳудудлар буйича ишчи кучининг ҳаракати ва ҳолатини урганишни тақозо этади. Шу муносабат билан асосий эътиборни меҳнат балансини ишлаб чиқиш асосида ҳудудлар ва тармоқлар буйича меҳнат ресурсларидан фойдаланишни бошқариш, уларни қайта таксимлаш, бандлик хизматини ташкил этиш каби муаммоларга қаратмоқ лозим.

Назорат саволлари:

1. Бошқарув меҳнати, унинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари
2. Меҳнатни рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари
3. Раҳбар ходимларнинг бошқарув меҳнатини баҳолаш
4. Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув меҳнатини оқилона ташкил этишнинг асосий йўналишлари
5. Ишлаб чиқаришни чикаришни бошқаришда кадрларнинг тутган урни ва аҳамияти.
6. Бозор иқтисодиёти шароитида кадрлар сиёсати.
7. Кадрлар ишини шакллантириш.
8. Кадрлар ишини такомиллаштириш.
9. Кадрлар захирасини шакллантириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Stephen P. Robbins, Timothy A. Judge. Essentials of Organizational Behavior (14th Edition) 14th Edition. Pearson; 14 edition (January 14, 2017). ISBN-10: 0134523857. 400 pages
2. Thomas Bournaris (Editor), Julio Berbel (Editor), Basil Manos (Editor), Davide Viaggi (Editor). Economics of Water Management in Agriculture 1st Edition, Kindle Edition. CRC Press; 1 edition (August 26, 2014). International Standard Book Number-13: 978-1-4822-3840-2 (eBook - PDF)
3. Scott J. Callan (Author), Janet M. Thomas (Author). Environmental Economics and Management: Theory, Policy, and Applications (Upper Level Economics Titles) 6th Edition. Cengage Learning; 6 edition (September 26, 2012)
4. Ў.П.Умурзоқов, И.Л. Абдурахимов. Сув хўжалиги менежменти. Тошкент. “Иқтисод - молия”, I ва II жилдлар. 2008 йил. 900-бет.

5. Султонов А.С. Умурзоқов Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. ТИМИ. 2008 йил. 248-бет.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот

Сув хўжалигида бошқарувни ташкил этиш


Ишдан мақсад: Сув хўжалиги ташкилотлари ва муассасалари, ва уларнинг институционал таҳлили; Сув хўжалиги ташкилотлари инфратузилмаси ўрганиш.

Методик кўрсатма: Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг сув хўжалиги тизимидаги тутган ўрни ва аҳамияти. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг моҳияти. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг турлари (биологик, техник, технологик, ижтимоий-сиёсий, корпоратив ва бошқалар) тўғрисида қисқача тавсифнома. Сув хўжалиги менежментининг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқадорлиги. Бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар. Иқтисодий ҳуқуқий, ахлоқий ва руҳий муносабатлар ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги. Сув хўжалиги менежментининг предмети (менежмент қонуниятлари, принциплари, ташкилий тузилма, усуллари, функциялари, бошқариш технологияси, санъати маданияти ва бошқалар). Сув хўжалиги менежментининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берувчи жиҳатлари (сувнинг экстриториал ресурслиги, суғориш тизимининг мавсумийлиги, сув хўжалиги объектларининг географик жойланиши ва бошқалар).

Таянч иборалар: *Бошқариш объекти, бошқариш субъекти, бошқарувчи тизим, бошқарилувчи тизим, бошқариш технологияси, бошқаришнинг маданияти, корпоратив бошқарув, экстриториал ресурс, ижтимоий муносабатлар, муомала жараёни.*

1-Топшириқ. Сув хўжалиги инфратузилмаси фаолияти нима учун зарур?


“Нима учун” схемаси



2-Тоширик: Сув хўжалиги инфратузилмаси объектларининг самарадорлик омиллари

“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



3-Тоширик: Сув хўжалиги инфратузилмаси фаолиятини яхшилаш йўллари нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

Савол	Сув хўжалиги инфратузилмаси фаолиятини яхшилаш йўллари нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?
(Ф) -Фикрингизни баён этинг	
(С) -Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) -Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У) -Фикрингизни умумаштиринг	

Мавзу бўйича хулоса

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар бир неча босқични босиб ўтди. Ислохотларнинг дастлабки босқичида йирик ишлаб чиқариш бирликлари - колхоз (совхоз) лар оилавий пудратга асосланган ширкат хўжаликларига айлантирилди. Ислохотларнинг кейинги босқичлари ширкатларга нисбатан ўз самарадорлигини яққол намоён этган фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилди. Йирик хўжаликларнинг жадал тугатилиши ва кўплаб мустақил ишлаб чиқариш бирликлари - фермерлар хўжаликларнинг ташкил этилиши, илгарилари ширкат хўжаликлари қарамоғида бўлган ички хўжалик ирригация ва дренаж тизимини бошқаришда ва молиялаштиришда маълум бўшлиқнинг вужудга келиши олиб келди. Ҳукумат мазкур бўшлиқни тўлди-риш мақсадида сув истеъмолчилари уюшмаларини (СИУ) ташкил этишни рағбатлантирмоқда. СИУ мутлақо янги институт бўлмай, каттагина тарихга эгадир.

2-Амалий машғулот

Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Ишдан мақсад: Иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланишнинг асосий йуналишлари. Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш чора-тадбирлари. Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмасини ривожланиши. Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Методик кўрсатма: Сув хўжалиги объектларининг халқ хўжалигида

тутган ўрни ва аҳамияти. Сув хўжалиги объектларини лойиҳалашга бўлган муносабат. Сув хўжалиги объектларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий меъёрий асослари. Сув хўжалиги объектларини лойиҳалашни бошқариш. Сув хўжалиги объектларини қуриш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш. Лойиҳа ташкилотларининг ташкилий тузилмаси.

Қурилиш ташкилотлари тизими ва ташкилий тузилмалари, Қурилиш ташкилотлари вазифалари. Сув хўжалиги объектлари ҳолатини назорат қилиш.

Таянч иборалар: Рекриация, ТИА, мониторинг, сув қонунчилиги, вегетация, сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчилари, оператив, сув ҳисоби, сув назорати, сугориш усуллари.

1-Топшириқ: Сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш деганда нимани тушунасиз? Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

Савол	Сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш деганда нимани тушунасиз? Сизнинг фикрингиз?
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумаштиринг	

2-Топшириқ: Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг афзалликларини ва камчиликларини ёзиб чиқинг?

Т-жадвал

АФЗАЛЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
?	

	?
--	---

3-Топширик: “Нилуфар гули” чизмаси ёрдамида Иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланиш омилларини аниқланг.

	Сув ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари	

	Сув хўжалиги тизими	

	Янги техника ва технологиялар билан жихозлаш	

Мавзу бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, сув ресурсларининг захиралари жуда чекланганлиги.

Иккинчидан, сув ресурсларининг ҳудудлар бўйича турлича тақсимланганлиги.

Учинчидан, сув ресурсларининг ҳосил бўлиши кўп жиҳатдан табиий иқлим шароитларига боғлиқлиги.

Тўртинчидан, сув ресурсларини бошқариш давлат аҳамиятига моликлиги.

Бешинчидан, сув хўжалигининг мавсумий характерга эга эканлиги.

Олтинчидан, ирригация ва мелиорация иншоотларини қуриш ва таъмирлаш ишларини тўлиқ амалга ошириш, кўп жиҳатдан давлат томонидан

Буларнинг барчаси ўз навбатида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди ва мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топган шароитда, уларни бошқаришга алоҳида ёндашувни ва такомиллаштиришни тақозо этади.

3-Амалий машғулот.

Ўзгариш концепцияси

Ишдан мақсад: Сув хўжалиги ташкилотида ўзгаришларни тушуниш; ўзгариш концепцияси (concepts of change), ўзгариш моделлари, ўзгариш омиллари (драйверлари), ўзгариш тоифалари (тактик ва стратегик, шу жумладан), тўсиқлар / қаршилик, ўзгариш жараёнини бошқариш. Ўзгариш тизимлари (systems for change).

«Блиц-сўров» саволларга жавоб беринг.

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнининг мазмуни нималардан иборат?	
2.	Ишлаб чиқариш воситалари ва унинг сув хўжалигини бошқаришдаги ўрни нималардан иборат?	
3.	Ишлаб чиқаришни бошқариш мақсади ва уларга қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?	
4.	Иқтисодий қонунларнинг бошқариш фаолиятида туган урни қандай?	
5.	Асосий ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнининг бир-биридан фарқи?	
6.	Менежмент қонунлари деганда нимани тушунасиз?	
7.	Менежментнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?	
8.	Сув хўжалиги ташкилотлари қандай объектларни қуришга ихтисослашган бўлади?	

Кичик гуруҳларда ишлаш қондаси:

1. Тингловчилар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учрамаслиги хақида огохлантирилади.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари ва уларга йуриқнома берилиши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқатда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.


«Давра суҳбати» мунозарасини ўтказиш бўйича йўриқнома

1. Сўзга чиққанларни диққат билан бўлмасдан тингланг.
2. Маърузачининг фикрига қўшилманг, ўз фикрингизни билдиришга рухсат сўранг.
3. Маърузачининг фикрига қўшилсангиз, кўриб чиқиладиган масала бўйича қўшимча фикр билдиринг.


1-Топшириқ. Ишлаб чиқаришни бошқаришда мақсадини амалга ошириш бўйича вужудга келадиган муаммолар.

“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



2-Топшириқ. Ишлаб чиқаришни бошқаришда қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?



3-Топшириқ: Менежмент қонунлари деганда нимани тушунасиз?
Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

Савол	Менежмент қонунлари деганда нимани тушунасиз? Сизнинг фикрингиз?
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	

(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумаштиринг	

Мавзу бўйича хулоса. Менежмент жамият қонунлари тизимига асосланади. Назарий жиҳатдан тушунмай ва асосланмаган ҳолда бирорта йирик амалий масала ҳал этилиши мумкин эмас. Назария янгилашнинг муҳим усулидир. Фан эса воқелик ҳақида объектив билимларни ўрганиш ва тартибга солишга қаратилгандир. Билимларни тартибга солиниши қонунларда ифодаланади.

Қонун - фалсафий категория бўлиб, борлиқ воқеаларнинг барқарор, такрорланувчан алоқаси ва муносабатини, ҳодисалар юз беришининг аниқ тартибда бўлишига олиб келувчи томонларини акс эттиради. Қонунларни билиш ривожланишнинг объектив йўналишларини аниқлаш, амалий вазифаларни ҳал этиш имконини беради. Шу сабабли иқтисодий бошқариш қонунларни билиш, уларни амалда усталик билан қўллаш олишга асосланиши керак.

Умумий фалсафий қонунлар материя, ҳаракат, макон, замон, микдор, сифат, сабаб, оқибат, шакл, мазмун каби категориялар воситасида ифодаланади. Иқтисодий назария қонунлари иқтисодий категориялар воситасида (мулк, ишлаб чиқариш, талаб, тақлиф, тақсимот, айирбошлаш, қиймат, нарх, фойда, товар, пул, мувозанатланиш) ифодаланади

4-Амалий машғулот

Инсон ресурсларини бошқариш

Ишдан мақсад: Инсон ресурсларини бошқариш, ташкилий маданият, етакчилик (лидерлик) ва бошқарув услуги, жамоавий иш, таъсир, ўзгариш ва стресс. Бошқарув ахборот тизимлари ҳақида ўрганиш

Методик кўрсатма: Бошқарув меҳнатининг моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Бошқарув меҳнатини илмий ташкил этишнинг асосий йўналишлари (комплекс характерга эга бўлиши, тизимли ёндашиш, ихтисослашиш, барқарорлик, меъёрий ҳужжатларга асосан бошқариш, ижодий ёндашув ва унинг мақсадга йўналтирилганлиги). Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш ва унга қўйилган талаблар. Меҳнат натижаларига

қараб рағбатлантириш. Меҳнатга ҳақ тўлаш усуллари ва тамойиллари. Меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси. Бошқарув меҳнатини механизациалаш. Меҳнатни нормалаш. Бошқарув меҳнатининг самарадорлигини ошириш йўллари.

***Таянч иборалар:** Рационал, меҳнат тақсимоти, комплектность, регламентация, ижодий ёндашув, меҳнат кооперацияси, меҳнат мотивацияси, универсал, вақтбай, ишбай, ижтимоий адолат, меҳнатни нормалаш, бошқарув нормаси, вақт нормаси, делегировация, ритеигность, пропорционал, параллел.*

«Блиц-сўров» саволларга жавоб беринг.

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Сув хўжалиги тизимида кадрларнинг тутган ўрни ва аҳамияти нималардан иборат?	
2.	Ишлаб чиқаришни бошқаришда кадрлар тизимини қандай тушунасиз?	
3.	Лавозимлар бўйича жой алмашиш жараёни қандай тартибда амалга оширилади?	
4.	Кадрлар захирасини шакллантириш манбаларини изоҳлаб беринг?	
5.	Меҳнат ресурсларини бошқаришни қандай тушунасиз?	
6.	Меҳнат ресурсларини бошқаришнинг асосини нима ташкил этади?	
7.	Меҳнат ресурсларини бошқаришнинг долзарб муоммолари нималардан иборат?	
8.	Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни қандай тушунасиз?	

Кичик гуруҳларда ишлаш қондаси:

1. Тингловчилар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учрамаслиги ҳақида огохлантирилади.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари ва уларга йуриқнома берилиши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқатда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

«Давра сухбати» мунозарасини ўтказиш бўйича йўриқнома

1. Сўзга чиққанларни диққат билан бўлмасдан тингланг.
2. Маърузачининг фикрига қўшилманг, ўз фикрингизни билдиришга рухсат сўранг.
3. Маърузачининг фикрига қўшилсангиз, кўриб чиқиладиган масала бўйича қўшимча фикр билдиринг.


Мустақил иш учун вазифа.

1-гурух учун топшириқ.

Корхона ва ташкилотларнинг ривожланиш даражасига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар.

“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



2-гурух учун топшириқ.

“Кадрлар менежменти тўғрисида нималарни биласиз?”

Савол	Кадрлар менежменти тўғрисида нималарни биласиз?
-------	---

(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумаштиринг	

3-гурух учун топшириқ.

Кадрлар захирасини шакллантиришни афзалликлари ва камчиликлари

АФЗАЛЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
?	?

Мавзу бўйича хулоса

Бозор иқтисодиёти шароитида кадрлар ўрни ғоят ўсиб бормоқда. Бу бошқарувни демократлаштириш, бошқарувнинг турли ташкилий – ҳуқуқий шаклларига ўтиш билан, мустақил бошқарув қарорини қабул қилишга қадар замонавий раҳбар ва мутахассисларни тайёрлаш, «инсон омили»нинг ўсиши билан боғлиқдир.

Мустақиллик шароитида яқка ҳокимликдан демократик бошқарувга ўтилди. Бироқ бу бозор ходим билан ишлашга жиддий таъсир кўрсатди.

Ташкилот учун керакли вақтда, керакли ўринда, зарур миқдорда ҳамда тегишли малакага эга бўлган шундай ходимларга эга бўлиш муҳимки, улар ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилиш, унинг ўз мақсадларига эришиши учун зарур бўлади. Ходимларни режалаштириш юқори меҳнат унумдорлигини қўлга киритиш ва ишдан қониқиш ҳосил қилиш учун шарт-шароитлар яратиб бериши лозим.


Ташкилотдаги барча ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ходимларни режалаштириш вазифаларидан бири ҳисобланади. Ходимларни режалаштириш ташкилотдаги умумий режалаштириш жараёнига қўшилиб кетган тақдирдагина самарали бўлади.

Мустақил иш учун вазифа

1-Тошириқ: Кадрлар ишини такомиллаштириш омилларини аниқланг

“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



Кадрлар ишини такомиллаштириш
1. Кадрлар сиёсатини тубдан такомиллаштириш – бу бошқарув аппаратида банд бўлган ходимлар сонини қисқартиришдан иборатдир.
2.
3.
4.
5.
6.

2-Тошириқ: Захирага номзодларни танлашнинг асосий критерияларини аниқланг


Захирага номзодларни танлашнинг асосий критериялари
-Кадрлар захираларини режалаштириш ходимларни лавозимлар буйича кўтариш ва у билан боғлиқ булган тадбирларни ишлаб чиқиш истиқболли мақсадни аниқлашни талаб этади.
-касб тайёргарлиги ва билим даражасининг мос келиши;
-

-
-
-
-

3-Тошириқ: Мехнат ресурсларини бошқаришнинг долзарб муоммолари нималардан иборат?

“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



5- Кўчма амалий машғулот

Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Ишдан мақсад: Сув хўжалигида илмий-техника тараққиёти ва сифатни бошқариш. Илмий- тадқиқот институтлари фаолиятини бошқариш. Сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш.

Методик кўрсатма. Сув хўжалигида илмий – техника тараққиётининг моҳияти. Сув хўжалигида илмий – техника тараққиёти натижаларидан фойдаланишнинг афзаллиги. Илмий – техника тараққиётининг кўрсаткичлари. Илмий – техника тараққиётини бошқариш.

Сув хўжалиги қурилиш ташкилотларида илмий – техника тараққиёти даражасини аниқлаш кўрсаткичлари . Сифатни бошқариш меъёрлари. Сифатни баҳолаш . Сув хўжалиги объектарини сифатини аниқловчи

кўрсаткичлар тизими. Сув хўжалиги объектларининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Сув хўжалиги қурилишида сифатни назорат қилиш.

«Блиц-сўров» саволларга жавоб беринг.

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Сув хўжалиги тизимида илмий - техника тараққиётининг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат?	
2.	Илмий - техника ютуқларидан фойдаланишнинг объектив зарурлигини тушунтиб беринг?	
3.	Мелиорацияда илмий - техника тараққиёти қандай шаклларда намоён бўлади?	
4.	Сув хўжалиги тизимида илмий - техника тараққиётини амалга ошириш босқичлари нималардан иборат?	
5.	Илмий – техникани бошқаришни қандай тушунасиз?	
6.	Сув хўжалиги қурилиш ташкилотларида илмий - техника тараққиёти даражасини ташкил қилиш кўрсаткичларини тушунтиб беринг?	
7.	Сифатни бошқариш деганда нимани тушунасиз?	
8.	Сифатни бошқариш қандай меъерий ҳужжатлар асосида амалга оширилади?	

Кичик гуруҳларда ишлаш қондаси:

- 1.Тингловчилар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
- 2.Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
- 3.Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
- 4.Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учрамаслиги хақида огохлантирилади.
- 5.Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари ва уларга йуриқнома берилиши лозим.
- 6.Нима бўлганда ҳам мулоқатда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

«Давра суҳбати» мунозарасини ўтказиш бўйича йўриқнома


1. Сўзга чиққанларни диққат билан бўлмасдан тингланг.
2. Маърузачининг фикрига қўшилманг, ўз фикрингизни билдиришга рухсат сўранг.
3. Маърузачининг фикрига қўшилсангиз, кўриб чиқиладиган масала бўйича қўшимча фикр билдиринг.

Мустақил иш учун вазифа.

1-гурӯх учун топшириқ. Илмий – техникани бошқариш омиллари нимадан иборат?

“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



2-гурӯх учун топшириқ. Илмий - техника тараққиёти тўғрисида нималарни

биласиз? Сизнинг фикрингиз?

Савол	Илмий - техника тараққиёти тўғрисида нималарни биласиз? Сизнинг фикрингиз?
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумаштиринг	

--	--

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

3-гурух учун топшириқ. Илмий - техника тараққиётини амалга ошириш босқичларини аниқланг?

Илмий - техника тараққиётини амалга ошириш босқичлари	
?	?

Мавзу бўйича хулоса. Илмий - техника тараққиёти - меҳнат предметлари ва қуролларини узлуксиз ривожий ва тараққиёти, янги қурилиш материаллари яратиш, такомиллашган технология ва техникани жорий этиш, илгор бошқариш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари ва шаклларида иборатдир. Илмий - техника тараққиёти қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда қатор илмий-техника лойиха - кидирув ишлари сув хўжалиги қурилиши эксплуатация ташкилотлари ҳамда кўпгина бошқариш аппарати ходимларини жалб қилиш орқали амалга оширилади. Бунда илмий - техника тараққиёти қатор бир-бирига боғлиқ буғинларни уз ичига олади. Бу йуналишда қуйидаги туртта босқични алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- тегишли тармоқда фан ва ишлаб чиқаришнинг бирлигини таъминлашга қаратилган вертикал бўйича илмий-техника тараққиётини бошқариш;
- алоҳида олинган тармоқларни халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан узвий алоқадорлиги ва боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда горизонтал бўйича амалга ошириладиган илмий - техника тараққиётини бошқаришдан иборат.


Сув хўжалиги ишлаб чиқариши сифатини таъминлаш бошқариш ва ташкил этишнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Мелиоратив объектларнинг сифатини ошириш унинг узок муддат ишлашини таъминлайди, ишончлигини оширади, узлаштириш ва эксплуатация жараёнида харажатларни камайтиради, капитал маблағлар самарадорлигини оширади.

Мустақил иш учун вазифа


1-Тошириқ: Сув хўжалиги тизимида илмий - техника тараққиётини амалга ошириш бўйича вужудга келадиган муаммолар.

“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.




2-Тошириқ. Илмий - техника ютуқларидан фойдаланишнинг объектив зарурлигининг сабабларини аниқланг?



3-Тошириқ. Мелиорацияда илмий - техника тараққиётини шакллантириш зарур ва бу қандай шаклларда намоён бўлади?

“Қандай?” диаграммаси



4-Топшириқ: Сув хўжалиги тизимида илмий - техника тараққиётини амалга ошириш босқичлари нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

Савол	Сув хўжалиги тизимида илмий - техника тараққиётини амалга ошириш босқичлари нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?
(Ф) -Фикрингизни баён этинг	
(С) -Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) -Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У) -Фикрингизни умумаштиринг	

--	--

КЕЙСЛАР ВА ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Кейс №1

Бошқарувга асосланган станоклар ишлаб чиқариш учун фирма президенти маркетинг тадқиқотлари гуруҳига илгари ишлаб чиқарилган маҳсулотни такомиллаштириш ва бунда унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишни назарда тутишга буюртма берди. Топшириқ олгач, тадқиқотлар бўлими раҳбари ходимлар олдида қуйидаги вазифаларни қўйди:

1. Гуруҳини бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш ва турли йўналишлар бўйича тадқиқотчилар гуруҳлари тузиш.

2. Ушбу соҳадаги энг малакали мутахассислардан ташаббускор гуруҳ тузиш ҳамда бўлим фаолиятининг мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш.

3. Тадқиқотларнинг энг илғор усуллари ва ишни бажариш босқичларини аниқлаш:

юзага келган вазиятни ўрганиш, мамлакат ичида ва хорижда керакли классдаги станоклар тайёрлаш бўйича маълумотлар тўплаш. Патент лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

тадқиқотларнинг кетма-кетликдаги режасини тасдиқлаш;

янги станок моделини ишлаб чиқиш, уни танқидий муҳокама қилиш ҳамда бу моделнинг илғорлиги ва рақобатбардошлиги ҳақида якуний қарор чиқариш.

Кейс № 2

Қўшма корхона дастурий бошқарувга асосланган станоклар ишлаб чиқаради. Станокларни оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, бу маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга чиқариш вазифаси кўндаланг бўлди. Бироқ қўшма корхона Россия ҳудудида фаолият кўрсатади, унинг ходимлари эса рақобат учун жуда муҳим бўлган бу масалада унчалик тажрибага эга эмас, чунки маҳсулот Россия ҳудудида ва хорижга режа-буйруқ асосида жўнатилади эди. Ягона қийинчилик маҳсулотни ўз вақтида истеъмолчига жўнатиб юбориш эди, холос.

Ҳозирги пайтда маҳсулотнинг рақобат кучли бўлган Европа бозорларига чиқарилиши сабабли корхона президенти сотув бўлимига вазиятни таҳлил қилиш ҳамда товарни силжитишни жадаллаштириш бўйича мас келувчи тадбирларни қўллаш вазифасини топширди. Аниқ ва муайян вазифалар ҳам белгиланди, хусусан:

1. Янги станок моделини оммавийлаштириш бўйича маҳаллий реклама органлари қандай ишлашини баҳолаш.

2. Савдо агентларини аттестациядан ўтказиш, уларнинг ишбилармонлик хислатларини баҳолаш ва уларнинг станокларни бозорга чиқаришдан қанчалик манфаатдор эканликларини аниқлаш.

3. Қўшма корхона маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи воситачилар доирасини аниқлаш.

4. Бозордаги савдогарлар функцияларини, уларнинг меҳнати қанчалик интегративлигини аниқлаш.

5. Корхона маҳсулотини силжитишнинг энг самарали усулларини танлаш.

6. Қилинган таҳлил натижалари бўйича олдиндан маркетинг ва сотув бўлимлари ходимлари билан муҳокама қилгандан сўнг корхона президентига доклад қилиш ва станокларни бозорга силжитиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Кейс №3

Самарали ва нормал иш фаолиятини ташкил қилиш учун, ходимлар бўлими раҳбари фирма президентида корхонани малакали маркетинг тадқиқотчи ходимлар билан таъминлаш вазифасини олди.

Янги ходимлар бўлими функциялари бошқа анъанавий фаолият кўрсатувчи ходимлар бўлими функцияларидан фарқ қилишини ҳисобга олиб, президент белгиланган вазифаларни аниқ қилиб қўйди:

1. Ходимлар бўлими бошқарув тузилмасини тасдиқлаш ва маркетинг тадқиқотлари функцияларни ишлаб чиқиш.

2. Ходимларни танлаш ва жойлаштириш тамойилларини, ходимлар малакасини ошириш тизимини, корхонани маркетинг тадқиқотлари учун зарур кадрлар билан таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш.

3. Бунинг учун қуйидагиларни аниқлаш:

кадрларга бўлган талаб;

касб тайёргарлиги даражаси;

меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси.

4. Корхона жамоасида маънавий-психологик муҳитни шакллантириш услубиятини ишлаб чиқиш.

5. Корхона маркетинг тадқиқотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш.

6. Амал қилаётган иш билан таъминлаш тизимига баҳо бериш ҳамда корхонани маркетинг тадқиқотлари хизматчилари билан таъминлашнинг ички ва ташқи манбаларини аниқлаш.

Президентдан топширини олгач, ходимлар бўлими раҳбари бир қатор вазифаларни бевосита функционал бўлинмаларга топширди. Бунда у киритилувчи таклифлар муҳокама учун ходимлар бўлими Кенгашига киритилиш лозимлигини айтиб ўтди.

Кейс №4

Қўшма корхона, бошқа ҳар қандай корхона каби, маркетинг бўлими ва маркетинг тадқиқотлари гуруҳини ташкил қилмасдан фаолият кўрсата олмайди. Маркетинг фаолият масаласи кутиб тура олмаслиги сабабли қўшма корхона президенти иқтисодий масалалар бўйича вице-президентга корхона маркетинг фаолиятини бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш, маркетинг бўлими бажариши лозим бўлган функцияларни ҳисобга олган ҳолда бўлим учун кадрларни танлаб олиш вазифасини топширди.

Ўз навбатида вице-президент маркетинг бўлими раҳбарига бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш, бўлим фаолияти турларини аниқлаш ва бундан келиб чиқувчи вазифаларни белгилаш вазифасини топширди:

1. Бўлимни бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш.

2. Кадрларни танлаш ва ўқитиш.
3. Маркетинг бўлимида ички фаолият турларини аниқлаш.
4. Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш, материал сарфи ва юклама харажатларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш.
5. Товар заҳиралари ва уларнинг айланмаси тезлиги, товар заҳираларини назорат қилиш усулларини таҳлил қилиш.
6. Режалаштириш ва назорат мақсадида маркетинг тадқиқотлари бюджетини ишлаб чиқиш:
 - бюджетни ишлаб чиқиш мақсадлари;
 - бюджетни тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этиш;
 - қўшма корxonанинг бошқа бўлимлари билан маркетинг бўлимининг алоқаси;
 - касса бюджети ва ундан нақди пулни бошқаришда фойдаланиш.
7. Капитал харажатлар режасини баҳолаш:
 - ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига қўйилмалар ҳажми;
 - капитал харажатларни режалаштириш;
 - капитал қўйилмалар ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар;
 - капитал харажатларни тежашни баҳолаш усуллари.
8. Корxonанинг маркетинг фаолияти ҳақида ҳисобот тузиш жараёнини ишлаб чиқиш. Вазиятли масалани қўшма корxonанинг маркетинг бўлими ва экспертлар йиғилишида кўриб чиқиш ҳамда унинг фаолияти бўйича маркетинг тадқиқотлари асосида тавсиялар ишлаб чиқиш зарур. Вазиятни таҳлил қилиш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш учун 24 соат вақт ажратилади.

Кейсни бажариш босқичлари :

- Кейсдаги муаммоларни келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Кейсда келтирилган муаммоларни бартараф қилишда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

Тест саволлар тўплами

1. Ишлаб чиқаришни бошқариш моҳияти?

- А) ишлаб чиқаришни онгли, режали ва мақсадга мувофиқ равишда ташкил этиш;
- В) жамоа фаолиятини мақсадни амалга оширишга йўналтириш;
- С) бозор қонунлари талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни бошқариш ва уни бевосита бозор талабларига буйсундириш;
- Д) А, С жавоблари тўғри;

2. Иқтисодий тизимлар?

- А) меҳнат воситалари, предметлари, ишлаб чиқариш технологияси;
- В) ижтимоий маҳсулот тақсимооти ва муомила жараёни;
- С) биргаликда меҳнат жараёни, иқтисодий алоқалар ва муносабатлар тизими;
- Д) А, В жавоблари тўғри;

3. Бошқарувчи тизим?

- А) бошқаришда иштирок этувчи раҳбар ходимлар;
- В) бошқарув субъекти-бошқарув органлари ва ходимлари;
- С) бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар;
- Д) расмий бошқарув ва уларнинг фаолияти;

4. Бошқарилувчи тизим?

- А) бошқариш объекти-ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар ва улар ихтиёридаги меҳнат предметлари ва қуроллари;
- В) моддий неъмат ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар;
- С) фаолияти хизматни кўрсатишга қаратилган жамоа;
- Д) В, С жавоблари тўғри;

5. Ишлаб чиқаришни бошқариш бошқариш фанининг объекти?

- А) сув хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари;
- В) сув хўжалигини сув билан таъминловчи корхоналар;

С)лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари, сув хўжалиги иншоотларини бошқарувчи корхоналар;

Д) сув хўжалиги иншоотларини таъмирловчи ташкилотлар;

6. Ишлаб чиқаришни бошқариш фанининг предмети?

А) ишлаб чиқариш жараёнидаги мунособатлар;

В) фанга оид қонуниятлар, принциплар, бошқариш функциялари ва усуллари, ахлоқи, маданияти, техника ва технологияси;

С) А, В жавоблари тўғри;

Д) ишлаб чиқариш жараёнидаги иқтисодий, психологик ташкилий, ҳуқуқий жараёнларни бошқариш;

7. Ишлаб чиқаришни бошқариш принциплари моҳияти?

А) ишлаб чиқаришни меъерий ҳужжатлар асосида бошқариш;

В) бошқариш қоидалари, воситаларидан ташкил топган бўлиб раҳбар ходимлар фаолиятини тартибга солиб туради;

С) бошқариш қонунлари ва қонуниятларидан оқилона фойдаланиш воситаси ҳисобланади;

Д) А ва С жавоблари тўғри;

8. Ташкилий структура моҳияти?

А) бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлашга қаратилган ягона тузулмадир;

В) бошқарув органлари ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни акс эттирган тузилмадир;

С) қўйидан юқорига қараб бошқарув органларининг бўйсиниш тартибини, горизонтал йўналишда бошқарув органларининг жойланишини ва улар ўртасидаги алоқадорликни ўзида акс эттиради;

Д) А ва В жавоблари тўғри;

9. Чизиқли - ташкилий структуранинг афзаллиги?

А) бошқарувчининг ягоналиги, соддалиги, маъсулятнинг аниқлиги, қарорларни қабул қилиш тезлиги;

В) бўлинма фаолиятининг тақдири учун шахсан бўлинма раҳбарининг жавобгарлиги;

С) бошқарув бўғинлари ўртасида алоқанинг тезкорлиги;

Д) В ва С жавоблари тўғри;

10. Чизиқли - ташкилий структуранинг камчилиги?

А) раҳбарнинг барча функциялар бўйича самарали бошқарув тажрибасига ва билимига эга бўлиш;

В) раҳбарга талабнинг юқорилиги, қарорлар қабул қилишда ортиқча бўғиннинг йўқлиги, бошқарувнинг марказлашуви, соқанинг мураккаблиги;

С) топшириқлар, бўйруқлар, кўрсатмалар корхона раҳбари томонидан қабул қилиниши ва унинг бажарилишини назорат қилиб бориши;

Д) А ва С жавоблари тўғри;

11. Функционал ташкилий структуранинг афзаллиги?

А) пухта қарорлар қабул қилинади, бўйруқлар ва топшириқларни такрорланиши бўлмайди, бошқарувнинг функционал бўғинлари эркинлиги таъминланади;

В) ходимлар касби билан боғлиқ масалалар бўйича пухта ва сифатли қарорлар қабул қилади;

С) корхона раҳбари муаммони чуқур таҳлил қилишдан озод бўлади;

Д) қарорларни қабул қилишда маслаҳатчилар ва экспертларни жалб қилиш имкони тўғилади;

12. Функционал ташкилий структуранинг камчиликлари?

А) ўзгаришларга бўлган мунособатнинг пассивлиги;

В) бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнининг узунлиги;

С) функционал бўлинмалар ўртасида ўзаро алоқадорликни таъминлашда қийинчиликларнинг пайдо бўлиши;

Д) А, В ва С жавоблари тўғри;

13. Матрицали бошқарув структурасининг афзаллиги?

А) ташкилотнинг ички ва ташқи муҳитга тезда мослашуви;

В) компьютер база маълумотлари асосида мижозларни ўрганиш;

С) дастурни бажаришда шахсий маъсулятнинг ошиши;

Д) А, В ва С жавоблари тўғри;

14. Матрицали бошқарув структурасининг камчиликлари?

А) ташкилий структура мураккаб бўлиб, ҳамма вақт ҳам топшириқларни сифатли бажариш имкони бўлмайди;

В) дастур раҳбарлари ўртасида носоғлом рақабат муҳити пайдо бўлади;

С) янги дастурлар бўйича янги тажрибаларни ўзлаштиришда маълум қийинчиликлар туғилади;

Д) А, В ва С жавоблари тўғри;

15. Ташкилий структурани такомиллаштириш усуллари?

А) диагностика, ташкилий-таҳлил, таққослаш, норматив усуллари;

В) бошқарувчи тизимнинг таркибини ва бошқарув жараёнини ўрганиш;

С) бошқарувчи тизимдаги меҳнат шароитини ўрганиш;

Д) В ва С жавоблари тўғри;

16. Қарорларни қабул қилиш технологияси?

А) қарорларни ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий қонунларга ва ишлаб чиқариш шароитига мос келиши;

- В) ахборотларнинг аниқлиги, тўлалиги ва ўз вақтида етказиб берилиши;
- С) бевосита ижрочи ва бажарилиш вақти кўрсатилиши;
- Д) А, В ва С жавоблари тўғри;

17. Бошқарув қарорларининг моҳияти?

- А) вақт доирасида бошқариш органларининг мантиқий, хиссий-психологик ва ташкилий-ҳуқуқий фаолиятининг маълум мақсадга йўналтирилганлиги;
- В) бошқариш учун тегишли буйруқлар, топшириқларни ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;
- С) раҳбарлар фаолиятини амалга ошириш воситаси;
- Д) В ва С жавоблари тўғри;

18. Бошқариш услублари?

- А) сиёсий, ахлоқий, ташкилий, мафкуравий;
- В) автократ ёки авторитар, демократик, либерал;
- С) сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий;
- Д) А ва С жавоблари тўғри;

19. Қурилиш ташкилотлари тизими?

- А) ерларни мелиорация қилишда иштирок этадиган корхоналар;
- В) сув хўжалиги объектларини қуришда иштирок этадиган корхоналар;
- С) акционер жамиятлари, маъсуляти чекланган ташкилотлар қурилиш участкалари;
- Д) А ва В жавоблари тўғри;

20. Лойиҳалаш ташкилотларининг функцияси?

- А) лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш;
- В) қуриладиган объектнинг техник-иқтисодий асосномаси;
- С) техник лойиҳа ва ишчи чизмалар;
- Д) А, В ва С жавоблари тўғри;

21. Сув хўжалиги тизимида илмий-техника тараққиёти моҳияти?

- А) меҳнат предметлари ва қурилмаларининг узликсиз ривожини;
- В) янги қурилиш материалларини яратиш, такомиллашган техника ва технологияни жорий этиш;
- С) меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор усулларини жорий этиш;
- Д) А, В ва С жавоблари тўғри;

22. Сифатни бошқариш?

- А) сифат даражасини ўрнатиш, таъминлаш, сақлаш, лойиҳалаш, қуриш;
- В) қурилиш объектларидан фойдаланишда узликсиз назорат ишларини олиб бориш;

- С) А ва В жавоблари тўғри;
- Д) бошқарув жараёнида сифат шартига ва омилларга таъсир этиш;

23. Меҳнат ресурсларини бошқариш?

- А) бошқариш вазифалари ва моҳияти, ташкилий техник тадбирлар мажмуи;
- В) иқтисодий, маъмурий, ижтимоий-психологик ва ғоявий тадбирлар мажмуи;
- С) А ва В жавоблари тўғри;
- Д) корхонани малакали кадрлар билан таъминлаш ва улардан самарали фойдаланиш;

24. Меҳнат ресурсларини бошқаришда далзарб муаммолар?

- А) илмий-техника тараққиёти натижасида ортиқча ишчи кучларини озод қилиш;
- В) ухшаш касбларни ўрганиш, хизмат худудларини кенгайтириш;
- С) интенсив меҳнат даражасини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини қўллаш;
- Д) А, В ва С жавоблари тўғри;

25. Ташкилий структуранинг иқтисодий самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар?

- А) мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган ташкилий структурадаги бўғинлар ва раҳбар ходимлар сони;
- В) бошқаришга сарф қилинган харажатлар ва унинг умумий харажатдаги салмоғи;
- С) А ва В жавоблари тўғри;
- Д) бир дошқарув ходими ҳисобига тўғри келган соф фойда;

26. Ташкилотга хос умумий тавсифномалар?

- А) ташкилотнинг ташкилий тузилмаси ва унинг таркибига кирган бошқарув органлари;
- В) ресурслар, меҳнат тақсимоти, ташқи муҳитга боғлиқлиги бўлинмалар ёки бошқарув органлари;
- С) бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар;
- Д) А ва С жавоблари тўғри;

27. Ташкилот фаолиятига таъсир этувчи бевосита омиллар?

- А) меҳнат ресурслари, истеъмолчилар, рақоботчилар, давлат органлари, хомашё етказиб берувчилар, илмий-техника фаолияти;
- В) демографик омиллар, рақобатчилар, сиёсий омиллар иқтисодиёт ҳолати, халқаро омиллар, банк тизими ва унинг фаолияти;
- С) ижтимоий ташкилотлар, пулнинг кадрсизланиши, истеъмолчилар, хомашё етказиб берувчилар;
- Д) В ва С жавоблари тўғри;

28. Ташкилот фаолиятига таъсир этувчи ички омиллар?

- А) ташкилий структура, ишлаб чиқариш технологияси ахборотлар тизими, кадрлар малакаси;
- В) мақсад, ташкилий тузилма, ахборотлар, кадрлар, моддий ва таъбий ресурслар;
- С) ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш технологияси, молиявий ресурслар;
- Д) таъбий, меҳнат ва моддий ресурслар, мақсад, ташкилий тузилма, маҳсулот ҳажми ва сифати;

29. Расмий ташкилотлар?

- А) ташкилот олдида қўйилган мақсадни амалга ошириш учун расмий фаолият кўрсатувчи одамлар гуруҳи;
- В) расмий ташкилий тузилма ва ягона раҳбарлик асосида фаолият кўрсатувчи жамоа;
- С) расмий раҳбарлик асосида фаолият кўрсатувчи бошқарув ходимлари фаолияти;
- Д) ягона мақсадга йўналтирилган бошқарув ходимлари фаолияти;

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан, интернет ресурсларидан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- дарс давомида тўлиқ бажарилмаган топшириқларни охиригача етказиш ва улар бўйича хулосалар қилиш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил ишларни бажаришда ҳар бир тингловчи алоҳида ишлайди.

Мустақил таълим мавзулари

1. Сув хўжалигида қурилиш ишларини ташкил этиш ва бошқариш.
2. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини давлат томонидан тартибга солиш.
3. Сувдан фойдаланишда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш.
4. Сув хўжалиги инфратузилмаларининг таркибий тузилиши ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик.
5. Сув хўжалигида олиб борилган иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар.
6. Сув хўжалигида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш.
7. Сув хўжалиги инфратузилмаларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.
8. Сув хўжалиги тизимида инновацион ўзгаришлар ва унинг самарадорлиги.
9. Минтақа доирасида сув ресурсларини иқтисодий баҳолаш усули.
10. Сув хўжалигида инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг услубий асоси.
11. Сув хўжалиги ташкилотларини замонавий техник воситалар билан таъминлашда “Узмелиомашлизинг” давлат компанияси фаолияти тахлили.
12. Сув таъминотини яхшилаш суғорма деҳқончиликни ривожлантиришнинг асосий омилдир.
13. Сув хўжалиги ташкилотларининг тавсифномаси ва ташкилий тузилмалари.
14. Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш технологияси.
15. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси ва уни такомиллаштириш.
16. Сув истеъмолчилари уюшмаларининг институционал асослари.
17. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш.
18. Иқтисодий тармоқларда сувдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи.
19. Сувни тежаш технологиялари ва самарадорлиги.
20. Сув ресурсларини интеграциялашган бошқаруви ва унинг афзалликлари.

21. Сув ресурсларининг сифати ва уни яхшилаш йўллари.
22. Бошқаришнинг иқтисодий усули ва унинг сув хўжалигида амал қилиши.
23. Ташкилий тузилмани такомиллаштириш усуллари.
24. Сув хўжалигида бошқариш самарадорлигини аниқлаш усуллари.
25. Мелиорацияга йўналтирилган молиявий сармояларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усуллари.
26. Бошқаришни ташкил этиш технологияси ва уни амалга ошириш босқичлари.
27. Замоनावий менежмент усуллари ва сув хўжалигида улардан фойдаланиш имкониятлари.
28. Сув хўжалиги ташкилотларини диагностика қилиш ва истиқболини аниқлаш.
29. Менежернинг замонавий бошқариш услубини эгаллаш қобилиятини ўстириш.
30. Сув хўжалигини молиялаштириш ва уни бошқариш.
31. Сув хўжалиги қурилиш ташкилотларида сифатни бошқариш.
32. Менежернинг ўзини-ўзи бошқариш қобилиятини ўстириш имкониятлари.
33. Сув хўжалигида кадрларни аттестациялаш ва бошқариш самарадорлигини ошириш.
34. Ташкилий тузилманинг туркумлари, афзалликлари ва камчилиги.
35. Менежернинг муоммоларни ечиш тажрибасини ўстириш.
36. Сув хўжалигидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини топиш йўллари.
37. Бошқарув меҳнатини илмий ташкил этишнинг асосий йўналишлари.
38. Сув истеъмолчилари уюшмаларини ташкил этиш ва бошқариш.
39. Сув истеъмолчилари уюшмаларининг иқтисодий механизми.
40. Сув истеъмолчилари уюшмаларини молиялаштириш ва такомиллаштириш.
41. Ирригация тизими бошқармасининг ташкилий тузилмаси ва уни такомиллаштириш.
42. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг асосий функциялари ва уни такомиллаштириш.
43. Менежернинг аниқ мақсадни аниқлаш қобилиятини ўстириш имкониятлари.
44. Мотивация ва бошқариш самарадорлиги ўртасидаги ўзаро алоқадорлик.

45. Модернизациялаш сув хўжалигини бошқариш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишидир.
46. Сув истеъмолчилари уюшмаларини фаолиятини диверсификациялаш ва барқарор ривожлантириш.
47. Суғориладиган ерларни қайта тиклашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усули.
48. Сув хўжалигига инвестицияларни жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати ва фойдаланиш имкониятлари.
49. Бошқаришнинг социал - психологик усули ва уни амалга ошириш имкониятлари.
50. Коммуникация жараёни ва унинг бошқариш самарадорлигига таъсири.
51. Сув истеъмолчилари уюшмалари бюджетининг шаклланиши ва ундан фойдаланиш.
52. Сув истеъмолчилари уюшмасини бошқаришнинг ҳуқуқий асоси.
53. Сув истеъмолчилари уюшмаларини бошқаришнинг жаҳон тажрибаси.
54. Сув истеъмолчилари уюшмаларида ирригация бадалларини ҳисоблаш усуллари.
55. Сув хўжалигида бошқарувнинг маъмурий –ташкилий усули.
56. Сув хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари.
57. Менежернинг шахсий қадр-қиммати ва уни тушуниб етиш имкониятлари.
58. Сув хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш боқичлари.
59. Сув хўжалигида асосий фондлар ва уларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.
60. Сув хўжалиги қурилиш ташкилотларида машина ва механизмлардан фойдаланиш самарадорлиги.

ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Айланма маблағлар	Корхоналар томонидан ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ харажатларга сарфланадиган маблағлардир. Айланма маблағлар - айланма фондлар (хом ашё, ёқилги, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, тугалланмаган маҳсулот ва ҳ.к.га ҳамда муомала фондлари (тайёр маҳсулотлар, банкдаги ва корхонадаги пул маблағлари)га бўлинади.	a current asset is any asset which can reasonably be expected to be sold, consumed, or exhausted through the normal operations of a business within the current fiscal year or operating cycle (whichever period is longer).
Акционер	Акциялар эгаси, акциядор жамият, ширкат аъзоси; акциядор.	A shareholder (also stockholder) is an individual or institution (including a corporation) that legally owns one or more shares of stock in a public or private corporation.
Акционерлик жамияти	Йирик корхона, ташкилот ва якка шахс, яъни акция эгаларининг уюшган шакли. Акционерлик жамияти сармояси муомалага акциялара чиқариш йўли билан ташкил топади жамият акцияларини сотиб олувчи, яъни унинг сармоясини ташкил этишда қатнашувчи дивиденд шаклида даромад олишга ҳақли.	A corporation is an organization, usually a group of people or a company, authorized to act as a single entity (legally a person) and recognized as such in law.
Акция	Акционерлик жамияти сармоясига маълум бир улуш кўшилганлик тўғрисида гувоҳлик берувчи қимматбаҳо қоғоз бўлиб, акционерлик жамияти даромадларидан маълум бир фойда (дивиденд) олиш ҳуқуқини беради. Акция қимматбаҳо қоғозлар бозорида, йирик компанияларнинг акциялари эса қимматбаҳо қоғозлар биржасида сотилади ва сотиб олинади. Акцияда кўрсатилган қиймат унинг баҳоси,	The stock (also capital stock) of a corporation is all of the shares into which ownership of the corporation is divided.

	<p>бозорда сотилиш баҳоси эса курси дейилади. Компания акцияларининг курси бозор биржа белгиланган нархга бўлиб, одатда, акция курси фонд биржаларида белгиланади ва биржа ахборотлари журналида эълон қилиб борилади.</p>	
Бозор	<p>Мол ва пуллар ҳаракатини таъминловчи, ишлаб чиқариш билан истеъмол, сотувчи билан харидор ўртасида вужудга келадиган муносабатларнинг мураккаб тизими. Бозор мавжуд бўлишининг биринчи ва асосий шarti эркин тадбиркорликдир. Товар ишлаб чиқарувчи мустақил равишда ўз имкониятларига ва бозор талабларига кўра ишлаб «чиқаришнинг тузилиши ҳамда ҳажмини белгилаши, хўжалик юритишнинг шакллари ҳамда усуллари тақомиллаштириши керак. Сотувчи ва харидор бир-бирларини бозорда топадилар ва нарх хусусида келишадилар. Тадбиркорлик эркинлиги - бу одамларнинг талаблар ва рақобатдан эмас, балки давлатнинг хўжалик юритиш фаолиятига тўғридан-тўғри аралашувидан эркинликдир. Пул талаби ва бозор рақобати ишлаб чиқарувчини жамиятга зарур молларни чиқаришга буйруқлар ва қарорларга қараганда анча яхшироқ мажбур қилади. Бозор молларни сотиш борасидаги иқтисодий алоқалар ва муносабатларнинг мажмуи сифатида меҳнат тақсимоти ривожланган ҳар қандай иқтисодий тузумнинг муҳим таркибий қисмидир. Бозор хўжалиги бозорнинг хилма-хил турлари мавжуд бўлишини тақозо этади. Товар ишлаб чиқарувчилар фойда олиш манфаатдорлигига асосланган халқ хўжалигининг самарали ишлаб туришини таъминловчи иқтисодий муносабатлар тизими.</p>	<p>A market is one of the many varieties of systems, institutions, procedures, social relations and infrastructures whereby parties engage in exchange.</p>
Бозор инфраструктураси	<p>Бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи ҳар хил соҳалардан иборат. Унга банклар, тижорат банклари, биржалар, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари, давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари, солиқ ундирувчи ташкилотлар, тижорат ва соҳибкорлик</p>	<p>Efficient marketing infrastructure such as wholesale, retail and assembly markets and storage facilities is essential for cost-effective</p>

	<p>идоралари, воситачи фирмалар, савдо-сотик уюшмалари, консорциум ва бошқалар қиради. Бозор инфраструктураси мол ишлаб чиқарувчиларнинг савдо-сотик молия-кредит ишларига шерик топишга, ишчи кучи ёллашига ёрдамлашади, давлатнинг иқтисодий тартибга солувчи тадбирларини амалга оширади. Бозор инфраструктураси фақат давлат идоралари эмас, балки мустақил уюшма, ташкилот ва фирмалардан ҳам иборат бўлиб, улар кўрсатган хизматлари учун ҳақ оладилар.</p>	<p>marketing, to minimize post-harvest losses and to reduce health risks.</p>
<p>Бозор механизми</p>	<p>Бозор иқтисодийнинг амал қилишини тартибга солишда ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришда дастак ва воситаларнинг йиғиндиси.</p>	<p>In economics, the market mechanism is a mechanism by which the use of money exchanged by buyers and sellers with an open and understood system of value and time trade-offs in a market tends to optimize distribution of goods and services in at least some ways.</p>
<p>Бозор муносабатлари</p>	<p>Сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабатлар. Унинг бир қатор қоидалари мавжуд:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Масалан, эркин, ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли бўлиш. 2. Мавжуд нархлар ва таклифлар асосида юзага чиқиши. 3. Харидор ва сотувчи бир-бирини ўз ихтиёри билан танлаши. 4. Биронта бозор иштирокчисининг монополь ҳуқуқга эга бўлмаслиги. 5. Иштирокчилар ўртасидаги алоқалар соғлом рақобатга асосланиши керак. 	<p>A market is one of the many varieties of systems, institutions, procedures, social relations and infrastructures whereby parties engage in exchange. While parties may exchange goods and services by barter, most markets rely on sellers offering their goods or services (including labor) in exchange for money from</p>

		buyers.
Бозор муҳофазаси	Миллий бозорнинг ёки айрим моллар бозорининг давлат томонидан экспорт-импортни тартибга солувчи тадбирлари воситасида ҳимоя қилиши. У четдан мол келтиришни чеклаш, таъқиқлаш ёки бож тўловини ошириш орқали амалга оширилади. Шу сабабли бож тўловлари ўзгариб туради. Бир неча мамлакат учун умумий бозор ҳосил бўлгач, бозор муҳофазаси учун ўрин қолмайди.	Market conservation
Бозор объекти	Бозорга, айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолиятнинг натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлар.	Market Objects
Бозор субъекти	Бозорнинг айирбошлаш муносабатларининг қатнашчилари.	The subject of the market
Бошқарув	Белгиланган мақсадни амалга ошириш учун фаол ижтимоий тузилмани яратишга қаратилган зарур бўлган шарт-шароитни танлаш ва оптималлаштириш бўйича фаолият. Ташкилот доирасида узлуксиз ўзаро боғланган ҳатти-ҳаракатлар ёки вазифаларнинг умумий ҳажми.	Management
Брокер	Мижозлар ўртасида олди-сотдини амалга оширишга кўмаклашувчи воситачи. Брокерлар одатда мижоз топшириғига кўра, улар номидан олди-сотди ишларини амалга оширади. Одатда шахслар, фирма ва аксарият йирик компания ҳисобланган ташкилотлар брокерлик вазифасини бажарадилар.	Broker
Валюта	Бирор мамлакатнинг пул тизимига асос қилиб олинган бирлик, шунингдек, пул тизимининг тури (олтин, кумуш, қимматбаҳохо қоғозлар ва ҳақозо) ўз навбатида «валюта» атамаси халқаро тўлов муомаларида қатнашувчи чет эл пулларини белгилаш учун ҳам ишлатилади.	Currency
Валюта курси	Муайян мамлакат пул бирлигининг бошқа бир мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳосидир. Валюта курсининг икки тури мавжуд: 1. Қатъий қайд этилган. 2. Ўзгариб турадиган. Қатъий қайд этилган валюта курси -	Exchange rate

	<p>валюта бозорлари ва валюта курсини аниқлаш ишида давлатнинг аралашувига асосланади.</p> <p>Ўзгариб турадиган валюта курси эса, бутунлай валюта бозоридаги у ёки бу валютага бўлган эркин талаб ва тақлифга асосланади.</p>	
Венчур корхона	<p>Бирор-би лойиҳани амалга ошириш учун корхона ва шахсларнинг шартнома асосида бирлашиши.</p>	<p>Venture Enterprises is a group of innovative individuals who believe that everyone is competent and valuable</p>
Венчур корхоналар	<p>Фаннинг салмоғи юқори бўлган соҳаларига оид кичик корхоналар бўлиб, улар илмий-муҳандислик ишлари бўйича янгиликларни яратиш ва уларни татбиқ этишга асосланган бўлади.</p>	<p>Venture enterprises</p>
Венчур фирмаси	<p>Тижоратчи илмий-техникавий ташкилот. Улар маҳсулотнинг янги турларини яратиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишда, асосан сармоядан таваккал фойдаланиш (венчур) ҳисобига янги технологияларни қўллашга ихтисослашган. Янгиликлардан фойдаланиш, истиқболли, лекин қалтис лойиҳаларни амалга ошириш, тез янгилаш, асосий воситалар эскиришини тезроқ тиклаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини тез-тез алмаштириш венчур фирмаларга хос белги. Венчур фирма сармояси бошланғич манбани таъсирчиларнинг шахсий жамғармалари ва қарзлар ташқил қилади.</p>	<p>Venture firm</p>
Давлат мулки	<p>Давлат тасарруфидаги мулклар давлат мулкидир. Ҳалқ ҳўжалигининг энг асосий ва устувор аҳамиятга эга бўлган тармоқлари: ёқилғи, нефть ва газ саноати, электр энергетикаси, йўллар, темир йўл, ҳаво ва сув транспорти, алоқа, сув ва газ таъминоти тизими, ирригация иншоотлари, уларни қуриш ҳамда фойдаланиш, миллий ҳавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган корхоналар давлат</p>	<p>State ownership</p>

	тасарруфидадир.	
Даромад	Инсонни меҳнати эвазига ёки мулк хисобига оладиган пул маблағи суммаси. Даромадлар иккита, яъни: а) меҳнат эвазига олинадиган; даромад (иш ҳақи, фойда); б) мулкдан олинадиган даромад (фоиз, рента, дивиденд) турга бўлинади. Ташкилот ишининг якуний натижаси.	Income
Даромадлар ва харажатлар баланси	Молиявий режа бўлимларидан бири бўлиб, молиявий-хўжалик фаолияти натижаларнинг пул шаклини акс эттиради.	Income and expense balance
Дастурий таъминот	Компьютер техникаси воситасида маълумотларни қайта ишлаш тизимини яратиш ва фойдаланиш дастурий воситалари йиғиндиси.	Software
Дилер	Кўпроқ ўз номи ва ҳисобидан маҳсулотларни олиб сотиш билан шуғулланувчи шахс ёки фирмалар ҳақидаги умумлаштирилган тушунча. Дилернинг фойдаси маҳсулотни сотиб олиш ва сотиш баҳолари орасидаги фарқдан ташкил топади.	Dealer
Жамоатчилик фикри	Ижтимоий гуруҳнинг умумий манфаатларига тегишли ижтимоий ҳаёт воқеалари ёки муаммоларга нисбатан маълум бир мулоҳазалари, ғоялари ва тасаввурлари.	Public Opinion
Жорий баҳолар	Айнан амал қилаётган баҳо ва тарифлар.	Current ratings
Жорий назорат	Бу ишни амалга ошириш жараёнида бевосита амалга ошириладиган назорат процедураси.	Current control
Жувонмард	Сахий, мард, очик кўнгилли.	Samaritan
Зарурий иш вақти	Сарфланган иш вақтининг бир қисми. Зарурий иш вақти давомида ишчи ўзининг яшаш шароитини таъминлаш учун зарур бўлган қийматдаги меҳнат маҳсулотини яратади. Зарурий иш вақтининг умумий сарфланган иш вақтидаги улуши миқдори ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги даражаси, меҳнатнинг интенсивлиги, иш ҳақи даражаларига боғлиқ бўлади. Зарурий иш вақти ишчи сарф этган жисмоний ва ақлий қувватини қайта тиклаш, малакасини ошириш, ўзи ва оила аъзоларининг ҳаёт кечиришини таъминлаш учун зарур бўлган маблағни	Required work time

	яратади.	
Зарурий маҳсулот	Зарурий иш вақти давомида яратилган маҳсулотга зарурий маҳсулот дейилади. У ишчи ва ходимларнинг оладиган иш ҳақиға тўғри келиши ёки ривожланган мамлакатлардагидек аҳоли кўлиға нафақалар, имтиёзлар кўринишида келиб тушиши мумкин.	Required Product
Зарурий меҳнат	Ишчи ва ходимлар томонидан зарурий маҳсулотни яратиш учун сарфланган меҳнат.	Required work
Идентификациялаш	Ўхшаш, айнан мос келувчи.	Identification
Ижара	Бошқа бир кишининг мулкни тўлов эвазига маълум муддат учун фойдаланишга олиш. Кўпчилик мамлакатларда ер, уй-жой савдо-саноат бинолари, машина ва ускуналарни ижарага бериш ва ижарага олиш кенг тарқалган. Шу асосда ҳар иккала томон ҳам даромад олади. Ўзбекистонда ижара тўғрисида қонун қабул қилинган. Бир (ижарачи) томондан бошқа (ижарачи) томонга ижара — шартномаси бўйича вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бирор мулкни бериб туриш.	Rent
Ижара мулк	Шартнома асосида маълум муддатга фойдаланиш учун олинган мулк. Ер, уй-жойлар, бино ва иншоотлар, машина ва ускуналар ижара мулк бўлиши мумкин.	Property for rent
Иқтисод	Сарф-ҳаражатда эҳтиёткорлик, тежамкорлик.	Economy
Иқтисодий таҳлил	Иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳўжалик фаолиятини ўрганиш.	Economic Analysis
Иқтисодий ўсиш	Мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ортиши, яъни аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг кўпайиб, яхшиланиб бориши. Иқтисодий ўсиш мамлакатнинг ривожланиб, тараққий этиб боришини ифодалайди. Иқтисодий ўсиш – ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромад ҳажмининг ортиб бориши, аҳоли жон бошига яратилган маҳсулотнинг кўпайиши билан ўлчашади. Иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив турлари мавжуд.	Economic growth

Иқтисодий фаолият	Товар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича ҳар қандай фаолият, шунингдек, бундай фаолият натижасидан қатъий назар даромад олишга қаратилган ҳар қандай фаолият.	Economic activity
Иқтисодий фойда	Фирманинг умумий фойдаси миқдоридан ҳамма харажатлар миқдорини айириб ташлаш, «соф фойда» тушунчасининг синоними.	Economic benefit
Инвестиция	Мамлакат ичида ёки ташқарида даромад олиш учун бирон-бир корхона, фирма, тармоққа узок муддатли сармоялар қўйиш.	Investment
Инвесторлар	Ўз маблағини инвестиция лойиҳалари ва дастурларига қўядиган юридик ёки жисмоний шахслар, давлат органлари, халқаро ташкилотлар.	Investors
Инженер	Муҳандис, инженер.	Engineer
Инжиниринг	Тижорат қоидаларига асосланган муҳандислик маслаҳат хизматлари: ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектларини кўриб, ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш.	Engineering
Инновация	Янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш; янги технологиянинг биринчи марта тижорат асосида қўлланиши. Интенсив иқтисодий ўсиш - ресурслардан янада самарали фойдаланишга асосланган иқтисодий ўсиш. Унинг асосий омили фан-техника тараққиёти. Масалан, бирор бир-корхона маҳсулот ҳажмини янги цех қуриш билан эмас, балки ишлаб чиқаришни фан-техника тараққиётининг охириги талабларига жавоб берадиган дастгоҳ, янги технологиялар билан қайта жиҳозлаш билан эришади, яъни мақсадга ишлаб чиқариш майдонини кенгайтириш ҳисобига эмас, балки унда қўлланиладиган ресурсларни сифатини ошириш орқали эришилмоқда.	Innovation
Интеграллаш	Бир бутун яхлитликка бирлаштириш. Масалан, иқтисодий интеграллаштириш хўжалик фаолиятини байналмилаллаштириш шаклини билдиради.	Integration
Инфраструктура (лот. ура)	Турли хил корхоналарнинг хўжалик юритиши, аҳолининг ишлаши, яшаши	Infrastructure (Lot Substructure)

Куйи тузилиш)	учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беришга хизмат қиладиган соҳалар мажмуи. Ишлаб чиқариш инфраструктурасига: транспорт алоқаси, электр тармоқлари, моддий-техника таъминоти ва бошқалар киради.	
Ипотека	Қарзга пул олиш мақсадида қўчмас мулк, ер ва қурилиш биноларини гаровга қўйиш. Бунда гаровга қўйилган мулк қарз олувчининг тасарруфида қолади.	Mortgage
Иш вақти	Ишчининг меҳнат бурчини бажариши лозим бўлган вақт. Иш вақти – иш соати, куни, ҳафтаси, оyi ва йили билан ўлчанади. Иш вақти зарурий ва қўшимча вақтларга бўлинади.	Working hours
Иш ҳажмини кенгайтириш	Бажариладиган иш ҳажмини кенгайтирган ҳолда ишни қайта ташкил этиш.	Expand your business scope
Иш ҳақи	Ёлланма-ходим томонидан пул шаклида олинадиган ҳақи тушунилади, иш кучи эгасининг яшаш воситалари нархини ифодалайди.	Wage
Ишга лаёқатлилиқ	Шахснинг белгиланган даражада мақсадга мувофиқ фаолиятни бажаришдаги потенциал имконияти.	Entrepreneurship
Ишлаб чиқариш воситалари	Ер, ўрмон, қазилма бойликлари, хом ашё, бинолар, машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар биргаликда ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этади.	Manufacturing tools
Ишлаб чиқариш муносабатлари	Кишилар ўртасида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.	Manufacturing relations
Ишлаб чиқариш омиллари	Ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишга хизмат қилувчи унсурларнинг йиғиндиси бўлган ишчи кучи, меҳнат воситалари, меҳнат предметларини ўзаро таъсирининг мураккаб тизимидан иборатдир. Иш кучи ишлаб чиқаришнинг шахсий омилини ташкил этса, ишлаб чиқариш воситалари моддий ёки ашёвий омилини ташкил этади.	Factors of production
Ишлаб чиқариш рентабеллиги	Корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини, ишлаб чиқариш манбаларидан фойдаланиш даражасини таърифловчи муҳим иқтисодий кўрсаткич. Ишлаб чиқариш рентабеллиги корxonанинг ойлик, уч ойлик ёки йиллик умумий баланс	Production efficiency

	фойдасининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меъёрлаштирилган айланма маблағларининг ўртача йиллик қийматига нисбати билан фойдаланилади.	
Ишлаб чиқариш самарадорлиги	Ишлаб чиқаришнинг натижаси, ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ҳажмини ишлаб чиқариш ҳаражатлари қийматига бўлган нисбатида ифодаланади.	Production efficiency
Ишлаб чиқариш усули	Жамият тараққиётининг турли тарихий босқичларида ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда бу муносабатларга хос бўлган ишлаб чиқарувчи кучларнинг бирлигини ва ўзаро таъсири биргаликда ишлаб чиқариш усулини ташкил этади. Инсоният тарихида ибтидоий, кулдорлик, феодализм, капиталистик, социалистик ишлаб чиқариш усуллари мавжуд.	Production method
Ишлаб чиқариш функцияси	Ташкилот томонидан ташқи муҳитга тақдим этиладиган товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти турлари.	Production function
Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви	Корхона ёки ҳудуднинг бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги. Ишлаб чиқаришнинг ихти-сослашуви ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида ҳудуд, тармоқ ва корхоналар ўртасида ички меҳнат тақсимоти шаклидир. Ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш маҳсулот-нинг, технологик жараённинг, асбоб-ускуналарининг ва тегиш-ли мутахассисликларнинг бир хиллиги билан тавсифланади.	Specialization of production
Капитал (сармоя)	Сохибкор томонидан даромад келтириш учун йўналтирилган сармоя, восита, яъни эгасига климат келтирувчи қиймат. Капиталнинг пул, унумли ва товар шакллари бор. Тадбиркорлар тасарруфидаги маблағлар ҳам сармоя ҳисобланади. Мутахассис қиймат сарфлаб ўрганган билими, орттирган тажрибаси ҳам капитал бўлиши мумкин. Акциядорлик жамиятининг акция ва облигацияларини сотишдан тушган пули капитални ташкил қилади. Иқтисодиёт назариясида капиталнинг доимий, ўзгарувчи, асосий ва айланма, саноат капитали, савдо капитали, саноат	Capital

	капитали каби шакллари мавжуд.	
Клиринг	Ўзаро талаб ва мажбуриятларни қоплашга асосланган, маҳсулотлар, қимматбаҳо қоғозлар ва кўрсатилган хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими.	
Компьютер (ҳисоблаш) тармоғи	Алоқа каналлари орқали ягона тизимга боғланган компьютер ва терминаллар мажмуаси.	Computer (computing) network
Концепция	Қарашлар тизими, жараёнлар воқеасини у ёки бу ҳолда тушуниш.	Concept
Концерн	Бир-бири билан яқин алоқада бўлиб, одатда расмий мустақиллигини сақлаб қоладиган, ягона идора этиш марказидан бошқарилиб турадиган бир гуруҳ, корхоналар бирлашмаси. Бир концерн таркибига саноат, транспорт, савдо корхоналари ва банк уюшган бўлиши мумкин. Концерн таркибидага корхоналар кўп соҳаларда фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда ҳамкорликда ташкил этадилар. Бир ёки бир неча тадбиркорларга молиявий тобелик асосида корхоналарнинг низомий бирлашуви.	Concern
Корпорация	Бирон мақсад асосида, масалан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки коммерция фаолиятларини амалга ошириш учун уюшган жамоа бирлашмаси, акционерлик жамоаси.	Corporation
Корхона	(фирма) амалдаги қонунлар асосида мустақил равишда фойда олиш мақсадида фаолият юритувчи хўжалик шакли. Корхона ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, воситачилик ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатиши мумкин бўлиб, хусусий, акционерлик, жамоа, кооператив, давлат ёки аралаш мулк шаклларида бўлиши мумкин.	Enterprise
Корхона мулки	Қандай мулкчилик шаклида бўлишидан қатъий назар корхонанинг ихтиёридаги барча мол-мулк. Улар асосий ва айланма фондлар, номоддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, унинг таркибига тайёр маҳсулотлар, материаллар, келгуси давр харажатлари, ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш харажатлари, корхонада бажарилган ишлар, кўрсатилган хизмат	Enterprise Ownership

	ва бошқалар киради.	
Корхона фондлари	Хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун корхона ихтиёридаги қийматга эга бўлган моддий ашёлар, бинолари, ускуналари, пул маблағларидан иборат. Корхона фондлари ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш ўрнига кўра асосий ва айланма фондлар бир-биридан фарқланади.	Corporate Funds
Корхонанинг соф даромади	Корхона ходимларининг меҳнати билан яратилган кўшимча маҳсулотнинг пулда ифодаланиши, маҳсулотнинг сотиш нархи қиймати билан тўла таннархи ўртасидага фарқ корхона соф даромади яъни даромаддан меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ташкил этилгандан кейин қоладиган қисмидир.	Net income of the enterprise
Кредит	Пул ёки товар шаклидаги ссуда.	Credit
Кредитор	Кредит берувчи жисмоний шахс, фирма ёки молиявий институт.	Creditor
Кўчмас мулк	Ер участкалари, ўрмонлар, бинолар, иншоотлар, алоҳидалашган сув объектлари, давлат қайдидан ўтган ҳаво ва денгиз кемалари, космик объектлардир. Кўчмас мулкнинг асосий белгиси ер ҳисобланади. Қонун бўйича кўчмас мулкнинг таркибига корхона ва хонадонлар ҳам киради.	Real estate
Лизинг	Дастгоҳларни, узоқ муддат фойдаланадиган товарларни, кўчмас мулкни узоқ муддатга кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага олиш учун куйилмаларнинг молиялаштириш маҳсус шакли. Машина ва ускуналарни узоқ муддатга ижарага бериш. Ижарачининг товарга бўлган мулкый ҳуқуқи сақланган ҳолда маблағ ажратишини молиявий таъминлаш ва сотишни жонлантиришга нисбатан янги усули. Лизинг компания битим охиригича ижарачининг ижара мулкига эгаллигини таъминлаш шarti билан машина, жиҳозлар. ЭХМ, улов воситилари омборхоналарни ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун ижарага олади.	Leasing
Лицензия	Давлат органлари томонидан бериладиган хўжалик фаолиятини бошлаш, маҳсулотни франгайзор (майда мулкдор) қобилида сотиш ҳуқуқини	License

	берувчи расмий хужжат.	
Лойихали ташкилий тузилма	Аниқ белгиланган мақсадга эришиш учун шакллангандиган вақтинчалик ташкилий тузилма.	Projected organizational structure
Лойихани амалга оширишни ташкил этиш	Аниқ белгиланган мақсадни бажариш учун ташкил этилган вақтинчалик тузилма.	Organization of project implementation
Маркетинг	Бозорни ўрганишга таяниб бошқаришга илмий қараш: бозор талаби, харидорларнинг товар ва хизматларга талаб ҳамда эҳтиёжларини мослаштирган ҳолда корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини ташкил қилиш тизими. Компаниялар томонидан товарни ишлаб чиқариш ва сотишни амалга ошириш учун олдиндан бозор ҳолатини ўрганишда олиб бориладиган тадқиқотлар ва тадбирлар йиғиндиси. Дастлаб маркетинг назарияси бозорни ўрганиш бўйича услублар сифатида ўзига хос амалий ва назарий масалаларни жонлангандиган. Маркетингни турли фаолият соҳалари ва ўз стратегияси, принциплари ва қоидалари мавжуддир. Маркетинг асосан икки вазифани бажаради: бир томондан мавжуд ва потенциал талабларни қондиришга ишлаб чиқаришни йўналтириш, иккинчи тарафдан, талабни таркиб топтириш ва рағбатлантириш, яъни талабга қараб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, харидор талабини ўз ишлаб чиқариш йўналишига қаратиш.	Marketing
Маҳсулот таннархи	Корхонанинг маҳсулотни яратиш учун қилинган сарф харажатларининг пулдаги ифодаси. Маҳсулот таннархи корхона иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бўлиб, ўзида маҳсулот яратиш учун қилинган хом ашё, ёқилғи, мойлаш материаллари, меҳнат, электр энергияси сарфи, шунингдек, бино, иншоот ва ускуналарнинг ишлаб чиқариш жараёнида сотилган қисми қийматини ифода қилади. Саноатда таннархнинг цех, корхона ва тўла ёки коммерция миқдори алоҳида фарқланиб, харажатлар таркиби ҳар бир саноат тармоқларида ўзига хос	Product cost

	хусусиятга эга бўлади.	
Менеджер	Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва даромадини ошириш тамойиллари, услуб ва тадбирлари мажмуидан фойдалана оладиган шахс.	The manager
Менеджмент	Энг самарали ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида маънавий, молиявий, моддий ва хом ашё манбаларидан фойдаланишни билиш санъати.	Management
Менежерлар	Бошқарувчи. Корхона ва компания эгалари бўлмаган, махсус тайёргарлик кўрган малакали ёлланма бошқарувчилар.	Managers
Менежмент	Хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш учун бошқариш, раҳбарлик қилиш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш санъати, усуллари, шакллари ва воситалари мажмуидан иборат фан. Бошқариш, мудирлик; ташкил этиш. Замонавий ишлаб чиқаришни бошқариш (режалаш, тартибга солиш, назорат қилиш), шунингдек, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, уни ташкил этиш; бошқариш тўғрисидаги фан.	Management
Меҳнат	Кишиларнинг онгли, аниқ мақсадга қаратилган фаолият жараёни бўлиб, улар ана шу фаолият ёрдамида моддий ашёларни ва табиат кучларини ўзгартириб ўз эҳтиёжларини қондиришга мослаштирадилар.	Work
Миссия	1) масъулиятли вазифа, топшириқ; 2) бир давлатнинг иккинчисига элчи бошчилигидаги доимий дипломатик ваколати; 3) миссионерлик ташкилоти.	Mission
Модернизаци я	Ускуна ва техникани замонавийлаштирмақ, замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш, янгилаш.	Modernization
Молия	Мақсадли пул фоизаларини ҳосил этиш, жамлама, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи; пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, уларни сарф қилиш, ишлатиш тизими.	Finance
Монополия (юнонча – танхо сотаман)	Иқтисодиётнинг бирон-бир соҳасидаги танхо ҳукмронлиги. Монополия ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва яратилган маҳсулотлар асосий	Monopoly (Greek - Single)

	<p>қисмининг ягона ёки озчилик корхоналар, тадбиркор шахслар ёки давлат қўлида тўпланиши натижасида пайдо бўлади. Монопол корхоналар ҳукмронлик мавқеидан фойдаланиб, сарфларни камайтириш монопол баҳо белгилаш орқали фойда кўриш, рақобатнинг йўқлиги ёки заифлигидан бозорда ўз измини ўтказиши мумкин. Монополия бозор муносабатларини чеклайди, шу сабабли давлатлар антимонопол чора-тадбирлар жорий этадилар.</p>	
Мулкчилик	<p>Кишилар ўртасида ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ва яратилган маҳсулотни ўзлаштириш юзасидан пайдо бўлган, тарихан аниқ бир шаклда намоён бўлувчи муносабатлар. Мулк объекти бўлиб моддий ва маданий бойликлар, ихтиролар, фан ютуқлари, ишчи кучи ва шунга ўхшашлар ҳисобланади. Мулк – субъекти жамиятда маълум ижтимоий-иқтисодий мавқега эга бўлган кишилар бўлиб, улар жамоа, синф, табақа ёки гуруҳга бирлашган бўлади. Мулкчиликнинг асосий бўғини – бу ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик, эгалик. Ишлаб чиқариш воситалари кимники бўлса, унда яратилган маҳсулот ҳам шунга тегишли бўлади. Бозор иқтисодиёти мулкчилик шакллариининг хилма-хил бўлишлигини талаб қилади. Товар муайян мулк объекти бўлгандагина олди-сотти қилинади. Мулкнинг турлари давлат, жамоа, кооператив, акционерлик, ижара, ҳусусий мулк ва бошқа шакллар. Мулк давлатнинг қонун ҳужжатларида юридик қайд этилиб, қонунлар асосида тартибга солинади.</p>	Property
Нарх индекси	<p>Инфляция даражасини, яъни маълум даврда нархлар қандай катталиққа ошганини кўрсатувчи кўрсаткич. Нархлар даражаси индекс шаклда ифода этилади. У шу даврга маълум товарлар ва хизматлар тўпламининг жами нархи билан база йилдаги товар ва хизматларининг нархи ўртасидаги нисбат билан ҳисобланади. Бошланғич даража «база йил» ҳисобланади. Шу йил</p>	Price Index

	учун баҳолар - индекси ҳар доим 100% тенг бўлади.	
Нарх (баҳо)	Товар қийматининг пулда ифодаланиши. Нархни товар қиймати белгилайди, аммо бозор шароитида у аниқ қийматдан юқори ёки кам бўлиши мумкин, бу эса бозордаги ўша товарга бўлган талаб ва унинг таклифига боғлиқ бўлади. Товар нархининг даражаси, шунингдек, товарнинг ижтимоий фойдалилиги сифати ва бошқа товарлар ўрнини боса олиши, муомаладаги пулнинг ҳарид қувватига ҳам боғлиқ бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида нархнинг куйидаги турлари мавжуд бўлади: чакана, улгуржи, халқаро, аукцион, келишув, давлат белгилаган ёки давлат бошқариб турадиган нархлар.	Price
Процедуралар	Маълум бир ҳолатда қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш баёни.	Procedures
Рағбат	Сабаб назарияси доирасида инсонга қадрли ҳисобланган барча нарсалар.	Promotion
Рағбат	Шахс руҳиятига таъсир кўрсатувчи ташқи таъсир.	Promotion
Рағбатлантиришга асосланган ҳокимият	Ижрочининг ишончига асосланган ҳокимият. Яъни, таъсир кўрсатувчи шахс ижрочининг фаол эҳтиёжини қондириш имконига эга.	Authority based on incentives
Рақобат	Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва фойдали қилиб сотиш учун кураш. Рақобатнинг асосий мақсади, бозор субъектлари турли бозорларда ўз мавқеларини мустаҳкамлашдир. Рақобат - бозор механизмнинг зарур ва таркибий элементи ҳисобланади.	Competition
Режалаштирилмаган қарор	Янги ёки номаълум бир шароитда, номаълум таъсир омиллари билан боғлиқ ҳолатларда юзага келадиган танлов йўли.	Unprecedented decision
Режалаштириш	Мақсад ва қарорларни танлаш жараёни.	Planning
Рейтинг (инглизча «rating» — баҳо, тартиб, тасниф)	Белгиланган шкала бўйича бирор-бир ҳодисанинг субъектив баҳосини англатувчи атама.	Rating
Реклама (овоза қилиш)	Товарларни бозорда ҳаракатлантириш (сотиш) учун оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчига аниқ	Advertising (dissiminate)

	мақсадли таъсир кўрсатиш.	
Ресурс	Қўр, манба, бойлик (восита, чора, илож, имконият)	Source
Стандартлаштириш	Бир-бирининг ўрнини боса оладиган деталлар ва тугунларни ишлаб чиқариш, алмаштириш жараёнида фойдаланилади.	Standardization
Стратегик режалаштириш	Раҳбар томонидан қўлланадиган хатти-ҳаракат ва қарорлар тўплами. У ташкилотга ўз мақсадига етишишга кўмаклашадиган аниқ стратегияни ишлаб чиқишга йўлланади.	Strategic planning
Стратегия	Мақсадга етишишнинг умумий, ҳар томонлама режаси. Ташкилот мақсадига етиш учун интилувчи раҳбарлар хатти-ҳаракатининг образи.	Strategy
Стратегияни амалга ошириш	Бошқарув хатти-ҳаракатларининг тўлиқ мажмуи, унинг бажарилишини ва белгиланган натижаларга эришишни қўллаб-қувватлаш.	Implementing the Strategy
Стресс (ингл. Stress — босим, зўриқиш)	Инсоннинг турли экстремал таъсирларга жавоби сифатида юзага келувчи кенг ҳолатини англатиш учун фойдаланиладиган атама.	Stress
Сув муносабати	Сувдан фойдаланиш жараёнида одамлар ва ташкилотлар орасидаги, шу фойдаланишда халқ ҳўжалигини: энг катта самарадорлигини қондирувчи муносабатлар.	Water attitude
Сув объекти	Дарё, ҳовуз (кўл, сув омбори), сув манбаси, сувли канал, ер ости суви, музлик ва бошқа сув тўплами.	Water object
Сув оқими	Оқаётган сувлар тўплами. Бу атама одатда табиий ўзақда оқаётган сувга нисбатан, очик нав ёки берк қувурда оқаётган сувга нисбатан, баъзан эса ер ости сув оқимлари тўпламига нисбатан ишлатилади.	Water flow
Сув режими (тартиби)	Дарёларда, қўлларда ботқоқликда ва бошқа сув объектларида сувнинг сатҳи ва ҳажмининг маълум вақт даврида ва майдонда ўзгариши.	Water regime (mode)
Сув сарфи	Вақт бирлиги ичида оқаётган сув кесими орқали оқиб ўтувчи сув ҳажми.	Water consumption
Сув сарфи дебити	Манбадан вақт бирлигида (бурғаланган қудук, булоқ, қудук) олиш мумкин бўлган сув миқдори.	Water consumption
Сувдан самарали фойдаланиш	Экинлардан самарали фойдаланган сув миқдорининг суғориш учун берилган умумий сув миқдорига нисбати.	Water Efficient Use Ratio

коэффициент и		
Сувдан унумли фойдаланиш	Суғориладиган экинларни парваришlash ва улардан юқори ҳосил олиш учун иқтисодий жиҳатдан ўринли бўлган сув ҳажми.	Water Efficient Use
Сувдан фойдаланиш	Ичиладиган сув, маиший, даволаш, курорт, соғломлаштириш ва бошқа аҳоли, қишлоқ хўжаликлари, саноатлар, энергетика, транспортлар, балиқ хўжаликларининг ва шунга ўхшаш халқ хўжалигининг сувга бўлган талабларини таъминlashда сувдан фойдаланиш, шунингдек тозаланган оқова сувларни қайтадан манбага ташлаш ва алоҳида асосланган ҳолда – табиатни муҳофаза қилиш талабларини қаноатлантирганда, ҳатто тозаланмаган оқова сувларни ҳам қайтариб ташлаш кўзда тутилади.	Use of water
Сув хўжалиги	Сув хўжалиги – авваламбор табиат мўжизаси, ҳаёт фаровонлиги – сув ҳақида. Ҳаёт манбаи бўлмиш сувга эҳтиёж. Марказий Осиё минтақасида унинг табиий шароитидан вужудга келган ва сувнинг борлиги ва етарлилиги инсон талабларининг асосий қисмини ташкил қилган ва иқтисодни шакллантирган, жамият тараққиётининг асосий омили бўлиб келган. Ҳозирги кунда ҳам сувнинг мавжудлиги ва унинг сифати, унинг экологияга таъсири воқеликнинг ўзгинаси бўлиб, энг кучли, таъсирчан ва хал қилувчи омиллардан саналади. Шунинг учун ҳам сувга бўлган муносабат инсон тафаккурининг марказида жой олиб келган ва бу жараён давом этаверади. Сув ўзига хос хусусиятга эга бўлган ашё саналади, доимий ҳаракатда, – йўналишда бўлади. Сувга бўлган инсоний муносабатлар ва бу муносабатларнинг инсоний тамойиллари жамият онгида шаклланиши ва ўз ифодасини топиши лозим, сувга бўлган муносабат таълим – тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, ҳар бир инсон маънавиятининг марказида жойлашиши керак. Сувнинг истеъмоли, сарфланиши, камчилиги, умуман олганда сув тушунчаси, унинг ҳаёт ва Ўзбекистон суғорма қишлоқ хўжалиги	Water resource management

шароитидаги аҳамияти, жамиятимиз аъзоларининг онгида сиғиниши ва акс этиши, ҳозирги замон ишлаб чиқариш талабини ва табиатини муҳофаза қилишни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши талаб қилинади. Ана шундагина сув хўжалиги тизимида ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бажариладиган ишларнинг унумдорлиги таъминлаб, сифати яхшиланади, борлиқ ва воқеълик олдида ночор бўлмаслигимиз таъминланади.

Шунингдек сув тақчиллик хусусиятига ҳам эга бўлиб, одамзот қадимдан сув ресурсларининг танқислигини, очлик ва курукликни бошидан кечирган ҳолда англаб келган. Инсон нафақат сув манбаларини қидириб топган, балки ундан авайлаб ва онгли равишда фойдаланиш усулларини ўйлаб топган. Лекин сувга бўлган талаб нафақат ишлаб чиқаришни ривожланиши, балки ер юзидаги демографик ўсиши жараёнига кўра ортиб бораверган. Агар дунё аҳолиси 1950 йилларда 3.9 млрд одамни ташкил этган бўлса, 2006 йилнинг бошига келиб эса 7 млрдни ташкил этди. Бундай аниқ фактни ҳар бир инсон, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аграр давлатининг иқтисодиётининг тўғридан-тўғри сув таъминотига, сув ресурсларининг сонига боғлиқ бўлган ҳудудларда яшовчи инсонлар, у ерда озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аграр давлатнинг иқтисодиёти, тўғридан-тўғри сув таъминотига, сув ресурсларининг сонига боғлиқдир.

Ва яна у – сув, табиат мўжизаси, бутун тирик жон ва ўсимликлар фаровонлиги манбаи, суғорма деҳқончилик соҳасидаги иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий фон ва омил. У ҳақиқатдан қадимги боболаримиз томонидан тилга олинишга сазовор. Улар томонидан сувга бўлган муносабат, унга ҳурмат шаклланган, Марказий Осиё халқлари онгида минг йиллар давомида шаклланган ва ўрнашиб қолган анъана ва қадриятларга

	катъий риоя қилган ҳолда улуғланади.	
Суғориш сувидан самарали фойдаланиш коэффициенти	Илдиз ривожланадиган қатламда тўпланган сув миқдорининг суғориладиган далага берилган сув миқдorigа нисбати.	Effective use of irrigation water
Суғориш тизими (системаси)	Маълум кўламдаги экин майдонини суғориш учун хизмат қиладиган ва куйидаги элементлардан иборат бўлган тизим (система): сувни буриб юборувчи ва сув олиш иншоотлари, сув ўтказиш, оқимни ростлаш ва муҳофаза иншоотлари. Шунингдек: кўприклар, сув тиндиргичлар, сув ўлчаш қурилмалари, хўжаликлардаги сув тақсимлагичлар, дренаж иншоотлари, насослар, кудуқлар, «бегона» ерларни ажратиш полосалари, эксплуатация қиладиган иморатлар, йўллар, бинолар ва бошқалар.	Irrigation System (System)
Суғориш тизимининг фойдали иш коэффициенти (фик)	Суғоришда сувдан фойдаланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткич, ҳар бир канал туркуми учун шу каналнинг охиридаги сув сарфининг бошида олган сув сарфига бўлган нисбати билан аниқланади. Бутун суғориш тизимининг ФИК ти, шу тизимга қаршли тармоқларнинг ФИК ларининг ўзаро кўпайтмасига тенг.	The efficiency of the irrigation system
Тадбиркор раҳбар	Менеджер. Ўз корхонасида ижобий ўзгаришларни амалга оширган ва такомиллаштиришни татбиқ этган ҳолда янги имкониятларни қидирувчи ҳамда белгиланган таваккалга бориб иш кўрувчи менежер.	Businessman
Тактика	Одатда ўрта бўгин раҳбарлар даражасида ишлаб чиқилладиган мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган қисқа муддатли стратегия.	Tactics
Талаб	Истеъмолчиларнинг турли хил товарлар, иш, хизмат, пул маблағи ва бошқа объектларга бўлган тўловга қодирлилик эҳтиёжи.	Demand
Талаб	Товар ва пуллик хизматларга бўлган талабларнинг харидорлар пул маблағлари билан таъминланган қисми.	Demand
Талаб қонуни	Баҳо билан талаб ўртасидаги борлик, яъни баҳо пасайиши талаб ҳажмининг	Law of Demand

	<p>ўсишига, баҳони кўтарилиши эса талаб ҳажмини пасайишига олиб келади. Ана шу боғлиқликка талаб қонуни дейилади. Унинг асосида нима ётишини тушуниш учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур: инсонга маҳсулотнинг кейинги бирликлари борган сари камроқ қониқиш беради, харидор қўшимча маҳсулотларни баҳоси пасайиб бориши шароитида сотиб олади.</p>	
Танқислик	Маблағ, маҳсулот етишмаслиги.	Defiance
Таннарх	<p>Корхоналар маҳсулот тайёрлашга қиладиган сарфларнинг пул шаклида ифодаланиши. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида ўз хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам амалда маҳсулот бирлиги таннархи, юк ташиш таннархи, қурилиш-монтаж ишлари таннархи каби тармоқ ҳисоб-китоб усуллари қўлланилади. Бирлик таннархини қилинган сарф ҳаражатларни тайёрланган маҳсулот ёки бажарилган ишларнинг миқдорига бўлиш орқали ҳисобланади. Саноатда товар маҳсулоти таннархи қўлланиб, ўз навбатида 3та турга - цех, корхона ва тўла ёки тижорат таннархига бўлинади. Цех таннархи шу цех доирасида, корхона таннархи корхона доирасидаги товар ишлаб чиқариш ҳаражатларини ўз ичига олади. Тўла таннарх эса барча ишлаб чиқариш ҳаражатларидан ташқари, товарни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни ўз ичига олади. Маҳсулот таннархига қуйидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) хом ашё ва материаллар; б) ёқилғи ва мойлаш материаллари; в) электр энергия ҳаражатлари; г) амортизация ажратмаси; д) иш ҳақи; е) ижтимоий суғурта ажратмалари; ж) умумий ишлаб чиқариш ҳаражатлари; з) умумий хўжалик ҳаражатлари. <p>Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан «Корхоналар ва</p>	Cost of production

	ташкilotлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан тиббиёт суғуртасига тўлов, мажбурий суғурта тўлови, қисқа муддатли банк кредитига фоиз ажратмаси тўловлари жорий этилиши таннарх таркибига қўшимча харажатлар киритди. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таннарх миқдорига боғлиқдир. Зеро, ишлаб чиқариш учун энг асосий масала: юқори фойда олиш ва рақобатда ютиш таннарҳини қанчалик камайтира олишга боғлиқ бўлади.	
Технология	Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш техникаси ва усуллари. Унинг ёрдамида ишлаб чиқариш омиллари (ресурслари) меҳнат жараёнида бирикади. Бозор иқтисодиёти талаби, ишлаб чиқаришни ташкил этиш нуқтаи назаридан, юқори самара берадиган технологияни қўллашни хоҳлайдиган ва бунга қодир бўлган фирма ва корхоналар фаолият кўрсатишлари лозим. Ишлаб чиқаришга янги технологияни татбиқ этиш, унинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.	technology
Технополис	Йирик дорилфунун ёки тадқиқот маркази атрофида жойланган илмталаб фирмалар, тадқиқот лабораториялари. Илмталаб хизматлар кўрсатадиган воситачи фирмалардан таркиб топган тармоқлараро илмий-технологик мажмуа. Технополис — ҳозирги бозор тизимининг муҳим таркиби. Технополис доирасида мунтазам равишда илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш ғоялар билан алмашинув бўлади.	technology parks
Тизим	Ўзаро боғланган, бир неча қисмлардан иборат яхлитлик. Ташкilot очик тизим саналади, чунки, у ташқи муҳит билан динамик тарзда ўзаро таъсир кўрсатади. Маълум бир ўзаро алоқада бўлган элементларнинг (буюмлар, хусусиятлар, белгилар, яъни моддий мазмундаги ҳар қандай дискрет ҳосилалар) мазмун.	System
Фаолиятни баҳолаш	Белгиланган вазифани бажарганлик тўғрисидаги маълумотни тўплаш орқали ходим ишини баҳолашнинг расмий	Performance Assessment

	процедураси.	
Фирма	Фойда олиш мақсадида ресурслардан фойдаланиб, товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи ташкилот, битта ёки бир неча корхоналарга эгалик қилади ва бошқаради.	Company
Фойда	Соф даромадни асосий шакли, маҳсулотни сотиладиган баҳоси ва унинг таннархи ўртасидаги фарқ асосида вужудга келади. Фойда корхоналар фаолиятининг самарадорлигини кўрсатувчи умумий кўрсаткичдир.	Benefits
Фойда нормаси	Ишлаб чиқарилган қиймат кўринишидаги фойда массасини ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатини фоизда фойдаланишига айтилади.	Benefit rate
Фойдалилик меъёри	Иншоотнинг фойдалилиги (рентабеллиги)ни аниқлаш учун мезон сифатида қабул қилинган маълум қиймат. Иншоот фойдали бўлиши учун фойда меъёри фойдалилик меъёрига тенг ёки ундан ортиқ бўлиши керак.	Usage standard
Фойдасиз ҳажм	Амалий жиҳатдан сувини чиқариб (ташлаб) бўлмайдиган сув омбори ҳажми.	Not useful dimension
Фьючер операциялари	Товар олди-сотдисига қаратилган қимматбаҳо қоғозлар битими.	Securities trading
Холдинг компания	Юридик жиҳатдан мустақил бўлган банк ва фирмаларга таъсир кўрсатиш ва операцияларни назорат қилиш мақсадида акцияларнинг назорат пакетига эгалик қилувчи акционерлик жамияти.	Holding company
Хусусий мулк	Айрим кишининг ишлаб чиқариш воситасига ва ишлаб чиқариш натижасига яқка ўзиникидек муносабатда бўлишлигини акс эттиради. Хусусий мулк икки хил кўринишда юзага келади: а) меҳнат билан эришилган хусусий мулк; б) меҳнатсиз эришилган хусусий мулк. Меҳнат билан эришилган хусусий мулк, ўз ишлаб чиқариш воситалари орқали меҳнат қилиб, тирикчилик ўтказувчи яқка деҳқонлар, майда хунарманд ва қосиблар мулкидан иборат бўлади. Ёлланма ишчиларни ишлатиб топилган	Private property

	бойлик хусусий мулкнинг иккинчи шаклини ташкил этади.	
Хусусийлашг ириш	Ишлаб чиқариш маблағи ҳисобига мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусий компанияларга ёки алоҳида жисмоний шахсларга бериш.	Privatization
Шартнома	Томонлар ўртасида ўрнатилган, ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидага келишув, битим. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома томонларининг ўзаро мажбуриятларини ўз вақтида аниқ бажаришини таъминлаш ва интизомни мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг воситаси ҳисобланади. Шартномани муҳим бандлари бўлиб, унинг предмети, баҳо, муддати ҳисобланади. Томонлар барча муҳим бандлар бўйича келишган ҳолдагина шартнома қабул қилинган ҳисобланади. Шартнома қонун талаб этадиган тарзда расмийлаштирилиши шарт.	Agreement
Шартнома	Икки ёки ундан ортиқ шахснинг битими, келуши.	Agreement
Юқори бўғиндаги раҳбар	Умуман ташкилот ва қисман ушбу ташкилотнинг маълум бир бўлинмаси ҳал этишига жавобгар раҳбар.	Leader in the upper level
Якка раҳбарлик	Ташкилотнинг тузилиш тамойили. Унга кўра, ходим (ишчи) фақат битта бошлиқ буйруғига бўйсунди ва фақат унинг олдида масъул бўлади.	Autocratic leader, authoritarian
Ялпи даромад	Хўжалик фаолиятининг якуний натижаси бўлиб, маҳсулот сотилишидан келадиган тушумдан ҳисоб рақамига келиб тушадиган пул маблағини билдиради.	Gross Income
Ялпи ижтимоий маҳсулот (яим)	Мамлакатда муайян давр мобайнида (масалан, бир йилда) ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар қиймати йиғиндиси. ЯИМ иқтисодиётни турли соҳалари ва тармоқлари, корхоналари маҳсулотининг йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин. ЯИМ таркибига қуйидагилар киради: истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (амортизация ажратмаси), сарф этилган хом ашё, ёқилғи ва материаллар қиймати, аҳолининг даромади ва корхона даромадлари. ЯИМ кўрсаткичи	Gross Social Product

	<p>иқтисодий фаолиятнинг натижасини аниқ кўрсата олмайди. Зеро, иқтисодиётни алоҳида бўғинларида (тармоқ корхона) айрим маҳсулотлар ёки уларнинг қисмлари хом ашё материаллари сифатида бир неча тармоқ корхоналарида ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Шу сабабли унда такрорий ҳисоблар юзага келади. Уни бартараф этиш учун ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи ҳисобланади.</p>	
<p>Ялпи ички маҳсулот</p>	<p>Мамлакатда маълум давр мобайнида яратилган пировард товар ва хизматларнинг пул шаклидаги суммаси. Ривожланган мамлакатларда XX асрнинг 50 йиллардан бошлаб статистикада ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи қўлланила бошлади. Ушбу кўрсаткич ёрдамида миллий иқтисодиётни ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари таҳлил этилади, бошқа мамлакатларнинг иқтисодиётларини ривожланиш натижалари билан солиштирилади, иқтисодиётни ишлаб чиқариш структурасига баҳо берилади, иқтисодиётни қанчалик ташқи иқтисодий алоқаларга боғлиқ эканлиги аниқланади. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ялпи миллий маҳсулотдан мамлакатни ташқи капитал сарфларидан олган фойда сальдоси миқдорига фарқ қилади. Чунки ҳозирги шароитда кўшма корхоналар фаолияти кучайиб бормоқда. Ушбу фаолиятдан олинган фойда сальдоси ЯММ миқдорини кўпайтириб юбориши мумкин. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳисобланади.</p>	<p>Gross domestic product</p>
<p>Ялпи миллий маҳсулот (ямм)</p>	<p>Бир йил мобайнида мамлакатда ишлаб чиқарилган ҳамма пировард товарлар, яъни аҳоли истеъмолига тайёр моддий неъматларни бозор нарҳларида ҳисобланган қиймати. Бир маҳсулотни такрорий ҳисоблашга йўл қўймаслик учун ЯММ га корхона томонидан яратилган қўшилган қиймат киритилиши зарурдир. Пировард маҳсулот ёки қўшилган қиймат корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини бозор</p>	<p>Gross national product</p>

	<p>баҳосидан истеъмол қилинган хом ашё ва материаллар айирмасига тенг. ЯММ ни икки, яъни ҳаражатлар ва даромадлар йўли билан ҳисоблаш мумкин. Ҳаражатлар бўйича ЯММ кўйидагиларни жамлаш орқали ҳисобланади: шахсий истеъмол учун ҳаражатлар, яъни аҳолини истеъмол буюмлари ва хизматларни сотиб олишга қилган ҳаражатлари; корхоналар (фирма) ялпи инвестициялари, яъни уларни машиналар, дастгоҳларни сотиб олишга, ҳамма қурилишга, захираларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлари; давлат томонидан товар ва хизматлар ҳариди, яъни давлат ва унинг органлари томонидан корхоналар пировард маҳсулоти ва ишлаб чиқариш омиллари ҳарид қилиш билан бошқа ҳаражатлар; соф экспорт, яъни ушбу мамлакат товарлари ва хизматлари учун ҳорижий ҳаражатларнинг ана шу мамлакат фуқаролари ва ташкилотлари чет эл товар ва хизматлари учун сарфланган ҳаражатлардан ортиқча миқдори. Даромадлар бўйича ялпи миллий маҳсулот ёлланма ишчиларнинг иш ҳақини рента тўловларни, фоизни, корпорациялардан даромадлар билан боғлиқ бўлмаган иккита тўлов тури истеъмол қилинган капиталга ажратмалари ҳамда корпорацияларни билвосита солиқлари миқдорини жамлаш у орқали ҳисобланади.</p>	
<p>«Япон мўъжизаси»</p>	<p>Унинг кўйидаги жиҳатларини кўрсатиш мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қаттиқ интизом, юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги; - инновацияга, янгиликка интилиш; жамият, корхона манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш; - рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз бурчи деб билиш, ички ва ташқи бозорни ажратмаслик; - 5 та «С» га қатъий риоя қилиш, 	<p>The Japanese Miracle</p>

	<p>яъни:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Сейри - уюшқоқлик 2. Сейтон – поклик 3. Сейсо – тозалик 4. Сейкец – ахлоқлилиқ 5. Ситаукс – интизом; <ul style="list-style-type: none"> - илмий-амалий ишлар ихтирочилигини рағбатлантириш; - «товар ёки хизмат ўз - ўзи учун гапирсин» шиори Япон халқининг меҳнатсеварлиги ва бошқалар. 	
Қўшимча имтиёзлар	Иш ҳақиға қўшимча устамалар турлари. У ўз ичига касаллиги учун тўлов, тиббий суғурта кабиларни олади. Улар шунингдек, қўшимча тўловлар ҳам дейилади.	Additional benefits
Қўшма корхона	Ўзбекистон ҳудудида Ўзбекистон ва чет эллик юридик шахслар катнашиб, таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган фаолият билан шуғулланиш учун зарур бўлган	Joint Venture
Хомий (спонсор)	Маълум бир тадбирни ёки фаолиятни амалга ошириш учун молиявий ёрдам кўрсатувчи шахс, фирма ёки ташкилот.	Sponsor

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъерий- ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги "Ўзагротехсаноатхолдинг АЖ фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-2658-сонли қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3003-сонли қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали

илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365- сонли қарори.

II. Махсус адабиётлар

9. Stephen P. Robbins, Timothy A. Judge. Essentials of Organizational Behavior (14th Edition) 14th Edition. Pearson; 14 edition (January 14, 2017). ISBN-10: 0134523857. 400 pages

10. Thomas Bournaris (Editor), Julio Berbel (Editor), Basil Manos (Editor), Davide Viaggi (Editor). Economics of Water Management in Agriculture 1st Edition, Kindle Edition. CRC Press; 1 edition (August 26, 2014). International Standard Book Number-13: 978-1-4822-3840-2 (eBook - PDF)

11. Scott J. Callan (Author), Janet M. Thomas (Author). Environmental Economics and Management: Theory, Policy, and Applications (Upper Level Economics Titles) 6th Edition. Cengage Learning; 6 edition (September 26, 2012)

12. Султонов А.С. Умурзоқов Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. ТИМИ. 2016 йил.

Интернет ресурслар

13. www.Lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
14. www.epa.gov - U.S. Environmental Protection Agency
15. www.clu-in.org – Clean up Information Contaminated site
16. <https://pingboard.com/blog/types-business-organizational-structures/> - Types of Business Organizational Structures
17. Gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали
18. http://agro.uz/uz/information/about_agriculture/438/ - Сув хўжалиги